

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги

Андижон давлат университети

**Назаримда, Абдулла Қаҳҳор
бугун ҳам адабиётимиз боғида
чинордай кўкариб яшнаб
турибди. Бу чинорнинг қуюқ
соясидан бахраманд бўлайлик.**

Озод Шарафиддинов

ЧИНОРЛАРДАН БИРИ...

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ га

бағишланган ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг

илмий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

(12 май 2007 йил)

Андижон-2007

**Ушбу тўплам Андижон давлат университети Илмий-техник кенгаши
томонидан 2007 йил _____даги ____ - қарори билан нашрга тавсия этилган.**

Масъул муҳаррир: ф.ф.д. С. Мирзаева

**Таҳрир хайъати: З. Мамажонов
М. Шералиева,
К.Шаҳобов**

Сўз боши ўрнида

Таваллудининг 100 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланаётган Абдулла Қаҳҳор беназир истеъдод соҳиби, бетакрор қалами билан адабиётимиз равнақига улкан ҳисса қўшган, биз ва биздан кейинги авлодларга асрларга бўй бермайдиган қатор асарларни қолдирган сўз санъаткоридир. Абдулла Қаҳҳорнинг буюклигини таъмин этган иккинчи жиҳати — фаол шахс эканлиги, умрини миллат тақдирини, унинг ижтимоий, маданий-маърифий тараққиёти ҳақида қайғуриб, ёниб яшаганидир. Айни шу хусусияти 50-йилларнинг ўрталаридан умрининг охиригача бўлган фаолиятида адибни «миллатнинг виждони» мақомига кўтарди. Адибнинг юксак эҳтиром, эъзозга сазоворлиги шу икки жиҳат — улкан истеъдод ва фаол шахсликни ўзида уйғун мужассам эта билганидандир.

Қўлингиздаги тўпلامга Абдулла Қаҳҳорни, у яшаб ижод қилган даврни, уни қийнаган муаммоларни фақат билвосита — ё катталардан эшитиб, ё китоблару матбуот нашрларидан ўқиб, ё киною театр томошаларида кўриб билган авлоднинг мақолалари жамланган. Уларнинг аксарияти ўз фикрларини илк бор чоп эттириш, ўзгалар ҳукмига ҳавола этишга журъат этганлар. Албатта, илк изланишларда қиёмега етмаган ўринлар, етарли далилланмаган фикр-хулосалар, ифодадаги қусурларнинг бўлиши табиий. Лекин бир нарса аниқки, уларнинг қўлига қалам тутқазган нарса — Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси ва хотирасига, умуман, сўз санъатига беғараз меҳрдир. Умид қиламизки, шуни ҳисобга олиб, зийрак ўқувчи нигоҳидан қочиб қутулмаган камчиликларни маъзур тутуди ва биз сингари булар эртанги кун ўзбек адабиётшунослигининг улкан муаммоларини ҳал қилиш йўлидаги илк қадам деган умидда қолади.

Дилмурод Қурононов,
АДУ филология факультети декани

АБДУЛЛА ҚАХҲОР ҲИКОЯЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ФОЛЬКЛОР ЖАНРЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЯШАШ ШАКЛЛАРИ

Баҳодир Раҳмонов, АДУ докторанти

Адабиётимизда халқ оғзаки бадий тафаккурининг ғоявий-эстетик анъаналаридан фойдаланиш кенг русум даражасига кўтарилган. Халқ ижодидан ўрганиш ижодкорнинг дунёқараши, шахсияти ва ижодий принциплари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ҳар бир сўз санъаткори фольклордан ўзига хос равишда фойдаланади. Бирида унинг таъсир кучи самаралироқ, бирида озроқ, бирида кенг кўламда, бирида эса муайян бир йўналишда. Масалан, /афур /улом, Ойбек, Ҳамид Олимжонлар ижодида Уйғун, Мақсуд Шайхзодаларга нисбатан фольклор таъсири кучлироқ. Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ҳам ўзбек халқининг содиқу солиҳ фарзанди сифатида аждодларининг маънавий ва маданий меросини, миллатининг урф-одатларини чуқур англаб, ўз ижодида халқ бадий тафаккурининг ютуқларини кенг қўллаб, анъанавий фольклор жанрларининг ҳаётбахш таъсиридан унумли фойдаланди. Абдулла Қаҳҳор ижодида фольклорга хос сюжет, мотив ҳамда образлар деярли учрамаса-да, бироқ халқ ижодига хос халқчиллик ва демократизмнинг кўлами кенг. Фольклоршунос олима, филология фанлари доктори С.Мирзаева тўғри қайд этганидек: "А.Қаҳҳорнинг "Рақиб", "Олам яшарадир", "Гумроҳ", "Афлотун муҳаббати" каби илк ҳикояларидан бошлаб, 30-йилларда ёзилган ва китобхонлар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлган барча асарларида фольклорона руҳ ёрқин сезилиб туради. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ана шу ҳикояларда фольклорга хос сюжет ва мотивлардан адиб фойдаланмаган. Аммо ўтмишнинг мудҳиш лавҳалари халқнинг машаққатли ҳаётини жонли тасвирларда акс эттириш учун у фольклорга хос шартли тасвир усулларида, халқ эртақларига хос вазиятлардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилган". Дарҳақиқат, ҳунарманд отаси билан қишлоқма-қишлоқ кўчиб юриб, вояга етган Абдулла Қаҳҳор халқ тили жозибасининг барча серқирра фазилатларини чуқур ўрганиб, халқ тили бойлигидан фойдаланишнинг классик намунасини кўрсатди. Ёзувчи халқ характери ва психологияси ҳамда идеалини чуқур билганлиги учун ҳам унинг асарлари тили, шу билан бирга қаҳрамонларнинг нутқи шу қадар ўткир, ширали, таъсирли ва ихчамки, бу борада ўзбек адабиётида Қаҳҳорнинг тенги йўқ. Абдулла Қаҳҳор услубидаги ижобий қаҳрамонни идеаллаштириб, салбий қаҳрамонни ўта хунук қилиб тасвирлаш принципи ҳам халқ ижодиёти ҳаётбахш анъаналарининг самарали таъсири билан боғлиқ.

Атоқли адибнинг жонли халқ тилида характерли бўлган тасвирлаш воситаларини, яъни мақол, ҳикматли сўзларни танлаб олиб ишлатиш соҳасидаги маҳорати алоҳида диққатга сазовордир. У томонидан қўлланган ҳар бир ҳикматли сўз, мақол ҳамда матал асарнинг чуқур мазмунидан келиб чиқади. Бу хусусият, айниқса, персонажларнинг характери, қайси ижтимоий қатламга тааллуқли эканини назарга олиб, ёзувчи уларга мос келадиган мақол ва ибораларни ишлатишида кўзга ташланади. Масалан, ёзувчи чор амалдорлари, маҳаллий мулкдорларнинг очкўзлиги, порахўрлигини очиш учун "Ўғри" ҳикоясида, "Қуруқ қошиқ оғиз йиртади" мақолидан ўринли фойдаланиб, асарда ифодаланган воқеанинг мағзига усталик билан сингдириб юборади. «Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдида

борадиган бўлди. Куруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади? Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз». Ёзувчининг ҳикояларида ишлатилган мақоллар, иборалар, ўхшатишлар, киноя ва мажозлар воқеалар йўналишига мос равишда истифода этилади. "Текинга мушук офтобга чикмайди", "Ўйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан" ("Ўғри"), "Гўшт суяксиз бўлмайди" ("Мунофиқ"), "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилар" ("Ошиқ"), "Бошим кал бўлса ҳам, кўнглим нозик" ("Қанотсиз читтак") каби кўплаб мақол ва маталлар ўз ўрнида, ғоявий-эстетик талаб ва мақсадга мувофиқ ишлатилади. Ёзувчи асар сюжети ва шахсларнинг характерида келиб чиқиб эпиграфлардан маҳорат билан фойдаланиш намунасини кўрсатиб, уларни усталик билан қўллайди. У қўллаган барча эпиграфлари, деярли мақоллардан иборат. Адибнинг бу соҳадаги маҳорати ҳикояларга янада аниқлик ва тиниқлик киритиб, улар ёрдамида асар ғояси китобхонга тез ва таъсирчан етиб боради. "Ола қарға ғақ этади, ўз вақтини чоғ этади" ("Башорат"), "Осмон йироқ, ер қаттиқ" ("Бемор"), "Отнинг ўлими- итнинг байрами" ("Ўғри") каби эпиграфлар асар мазмуни билан узвий боғланиб кетади, асар ғоясига батамом мос тушади. "Отнинг ўлими-итнинг байрами" эпиграфида ёзувчи Қобил бобонинг амалдор, мулкдорлар томонидан таланишини, хароб бўлишини отнинг ўлимига, амалдорларнинг талашлари, шу йўл билан бойишларини итнинг байрамига ўхшатиб, муҳим социал ҳулосалар чиқаради, чуқур умумлашмалар қилади. Бу ҳол Абдулла Қаҳҳорнинг мақолларни жуда ўринли ишлатишда ўзига хос маҳоратга эга эканлигини тасдиқлайди. Ёзувчи халқ мақолларини ўз асарларида қўллаш билан кифояланиб қолмай, уларга новаторона муносабатда бўлиб, улар асосида янги афоризмлар ҳам қўллайди. Мазкур афоризмлар, аксарият ҳолларда мақолларнинг давоми ва ривожига сифатида майдонга келади. Натижада мақоллар билан ёзувчи томонидан қўлланган иборалар бир-бирларини тўлдириб, бир бутунликни ташкил қилади. Масалан, "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ-хирмонда ҳозир бўлганлар бошларингни айлантирганлар" ("Кўр кўзнинг очилиши"). Бу жумланинг аввалги қисми халқ мақоли бўлиб, давоми эса мақол асосида тузилган автор ибораси эди. Абдулла Қаҳҳор ижодида бундай мисоллар кўп учрайди.

Ҳозирги кунга келиб фольклоршунос мутахассислар айрим анъанавий фольклор жанрларининг таъсири жуда сусайиб, бора-бора улар тарих мулкига айланади, деган фикрларни билдирмоқда. Бунга муайян асослар ҳам йўқ эмас. Ҳозирда тадқиқотчилар ўзбек фольклори эпик жанрларини янгидан яратилмайдиган ва фақат жонли ижрода яшайдиган ҳамда янгидан яратилмайдиган ва доимо яшашда давом этадиган жанрлар гуруҳига ажратиб тадқиқ қилиш фикрини илгари сурмоқдалар. Абдулла Қаҳҳор асарлари жумладан, ҳикояларига шу нуқтаи назардан ёндашилса, уларда фольклорнинг доимий яшаш шаклларида унумли фойдаланилганлигига амин бўламиз. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам анъанавий фольклорга эътибор сусайган пайт, бугунги кунга келиб, ёзувчи ҳикоялари халқимиз оғзаки бадиий тафаккури ҳаётини анъаналарининг ҳамшира узок сақланиб қолишига хизмат қилади, деган ҳулосага келишга имкон беради.

МУМТОЗ АНЪАНАЛАР ВА АДИБ МАҲОРАТИ ҚИРРАЛАРИ

Валижон Қодиров, АДУ докторанти

Абдулла Қаҳҳор ижоди, адибнинг маҳорат сирлари адабиётшунослигимизда катта-кичик олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган, тадқиқ этилган¹. Уларнинг аксариятида адибнинг ёзувчи бўлиб шаклланишида рус адабиёти, хусусан, А.П.Чеховнинг асарлари у учун ижод ва маҳорат мактаби бўлганлиги таъкидланади. Биз олдинги бир мақоламизда таъкидлаганимиздек, адабий алоқа, адабий таъсир ҳамма замонларда ва ҳар қандай адиб ижодида муайян мактаб вазифасини ўташи мумкин. Буни инкор этмаймиз. Лекин етук бир қалам соҳибининг шаклланишини, ижодий эволюциясини фақат бир адабий алоқа шаклидаги ташқи таъсир омилигагина боғлаб қўйиш, бизнингча, дуруст эмас. Бизнингча, Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий тафаккури аввало халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз таъсири остида шаклланган. Бунга ёзувчининг маҳоратини белгилаган, асарларининг бадииятини таъминлаган мазкур асос манбалардан унинг ўз асарларида қай даражада фойдаланганлигини кузатиб ҳам иқроор бўлиш мумкин.

Аввало, ёзувчининг мумтозликнинг асоси ва бирламчи манбаи бўлмиш халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз асарларида қай даражада истифода этганлиги тўғрисида.

Мақолларни бадиий асарга олиб кириш, уларни асарнинг “вужудига” ўз аъзоси каби сингдириб юбориш учун катта тажриба, ижодий уддабуронлик талаб қилинади. Адабиётшунос Тўхта Бобоев таъкидлаганидек, “халқ мақоллари, маталлари, афоризмлари, ибораларидан моҳирона фойдаланиш асар тилининг халқчиллигин оширади”². Абдулла Қаҳҳор асарнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда, персонажлар нутқини, характерини индивидуаллаштиришда мақоллардан унумли фойдаланган. Уларнинг муайян қисми асарларда муаллиф томонидан тўғридан-тўғри қўлланган бўлса, кўпчилиги асарлардаги персонажлар нутқида ишлатилади. Биргина “Қўшчинор чироқлари”да персонажлар “ишлатган” мақолларга диққат қилайлик. “Ақл ёшда эмас, бошда” (Қамбарали ака), “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир” (Анзират хола), “Бой бўлиб болтанг йўқ, гадой бўлиб халтанг йўқ” (Ўрмонжон), “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади” (Сиддиқжон), “Югурганники эмас, буюрганники” (Мирҳомидхўжа), “Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан” (Қурбон ота), “Ёғочнинг бўшини курт ейди” (Тилла буви) ва бошқалар.

Баъзан ёзувчи вазиятга қараб мақолларни ижодий ёндашган ҳолда ўзгартирганлигини кўриш мумкин. Масалан, “Ики ёрти – бир бутун” ҳикоясида “Ер тагида илон қимирласа билади” мақолини Сулаймонов тилидан “Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эди” тарзида қўллайди. Бундай ўзгартириш асар қаҳрамонининг ўз отаси тўғрисидаги муболағали қарашини ифодалашга хизмат қилган. Шу асарда, шунингдек, “Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади” мақоли Камолхонов томонидан “Эшакни яширсанг, ханграб шарманда қилади” тарзида қўлланиб, бу хушомадгўй кимса ўзининг ноқулай аҳволга тушиб қолганлигини бўрттириш мақсадида айтади. “Шоҳи сўзана”да “Тол деса терак дейди” мақоли Мавлон тилидан “Кетмонга тоби йўқ, “пахса” десанг,

¹ Матёқуб Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.; О.Шарофиддинов. Абдулла Қаҳҳор. Т. “Ёш гвардия”, 1988.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”, 2002, 470-бет.

“тахта” дейди” тарзида қўлланганлигини кўриш мумкин. Ижодкорнинг мақолларни ҳикояларида маълум бадий ҳамда ғоявий мақсадда эпиграф сифатида қўллаганлиги ҳам диққатга сазовордир. “Ўғри” ҳикоясида “Отнинг ўлими – итнинг байрами”, “Бемор”да “Осмон йироқ – ер қаттиқ” мақолларининг эпиграф сифатида қўлланиши ўзига хос очқич вазифасини ўтаган. “Тўйда аза” ҳикоясида эса тожикча “Зўри беҳуда миён мешиканад” (Ортиқча чираниш белнинг заволи) мақоли эпиграф қилиб олинган ва у ҳикоя мазмуни билан узвий боғланиб кетган.

Халқ кўшиқлари ҳам Абдулла Қаҳҳорга асарларининг юқоридаги каби фазилати ўлароқ матнга табиий равишда сингдириб юборилган. “Анор” ҳикоясида

Уйлар тўла нон, оч-наҳорим, болам,
Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим, болам.

“Башорат”да

Ола қарға қағ этади,
Ўз вақтини чоғ этади.

каби халқ кўшиқлари асар моҳиятини тушунишда ўқувчига ёрдам берувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, баъзи асарларда зукко ижодкор мақолнамо жумлаларни ўзи яратади. Мана, уларнинг айримлари: “Кана сигирнинг қулоғига тушади, туёғига эмас” (Оғайнилар”), “Хунармандни хунар қилган хунар эмас, Валижон акамлардай дидли, заршунос одамлар” (“Кўзача”), “Олти ой отпускаи олиб муштлашади” (“Бек”) ва бошқалар.

Салафлар ижодини эъзозлаган, “...умрининг охиригача Саъдий ва Хайём, Ҳофиз ва Бедил, Лутфий ва Навоий, Бобур ва Нодира асарларини қўлдан қўймай мутолаа қил”ган, “уларнинг анча-мунчасини ёд билган ва ўрни келганда парчалар келтириб, фикрини далил”³лаган ёзувчи ижодида мумтоз асарлар таъсири яққол сезилиб туради. Буни Абдулла Тўқай ижодидан олинган

Ул тута от қуйруғиндан “бўл узун соч” деб қўя,
Тек нега бош тугул? Танқизга муҳтож деб қўя.

Рамизотдан

Эй бус-бутун аёлотли вайрон ўлон ватан,
Ҳар гўшаси замонада зиндон ўлон ватан

каби арузда ёзилган байтларга мурожаат этиб, уларни асарларига киритганлигида ҳам кўриш мумкин.

Мумтоз адабиётимиз асосини ташкил этувчи дин ва тасаввуф билан боғлиқ тушунча, ифодаларни асарлари матнига усталик билан сингдириб юборганлиги ҳам

³ Н.Каримов, С. Мамажонов ва бошқ. XX аср Ўзбек адабиёти. Т.: “Ўқитувчи”, 1999, 265-бет.

Қаҳҳор ижодий ютуғини таъминлаган. Масалан, турмушга чиқмаган қиз вафот этса, жаннатга тушади, хур, парилар қаторидан жой олади деган қараш бор. Бу фикр “Ўтмишдан эртақлар” асарида қуйидаги тарзда ифодаланган: “Ўзини билмай ётган беморга кампир тасалли берган бўлди:

- Бола бечора қиз кетди, у дунёда хурларга қўшилиб кетади.

Бошқа бир асарида эса, “Соат – унинг сўфиси” деган оригинал фикрга дуч келамиз.

Баъзида мумтоз услубдан ёзувчи киноя учун фойдаланган. Мисол тариқасида ҳажвга йўғрилган “Мактуб”ни олайлик. Унда мумтоз адабиётимизда жуда кўп қўлланган арабча-тожикча изофалар, сўз, қўшимчалар учрайди. Қуйидаги парчага диққат қилинг: “Қиблагоҳимиз каминанинг таҳсил кўриб мўминларни худонинг инояти йўлига бошлагувчи аҳбоби дин ва арбоби шарият бўлмоғимга кўшиш ва ҳаракат қилур эрдилар, аз жумла, етти ёшимда Саид Муродхон эшоннинг муборак тупикларидан ялатиб, мактабдор Мулло Шаҳобиддин ҳазратга эт ва сўнгокимни топширдилар”. Шу каби жимжимадор сўзлар орқали қаҳрамоннинг ички олами, унга хос бўлган маънавий иллатлар бир-бир очиб берилади. Айни пайтда муаллифнинг мумтоз поэтик лексикани мукамал эгалаганлиги ҳам ойдинлашади, беихтиёр унинг лингвистик билими ва уни қўллашдаги маҳоратига таҳсин ўқийсан, киши.

Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш янги паллага кирмоқда. Бунда унинг ижодий тафаккурини шакллантирган омилларни янада равшанлаштириш, аниқлаштириш ва шу асосда тадқиқотлар олиб бориш изланишлар самарасини таъминлаши шубҳасиз.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИДА МИЛЛИЙЛИК

Муқаддас Тожибоева, филология фанлари номзоди

Сўзлардаги турфа товланишларни чуқур ҳис этган, ҳар бир сўзнинг залворли юки ва масъулиятини қалбида туйган, ёзиш техникаси ва тасвир маданияти юқори бўлган Абдулла Қаҳҳор асарларида маънавийлик ва миллийлик қимматли хислатлардан ҳисобланади.

Абдулла Қаҳҳор ижтимоий ҳаётга фаол аралашган, ундаги муаммоларни чуқур англаб, нозик англата олган ёзувчи сифатида миллий турмуш воқелигидаги барча мураккабликлар, зиддиятлар - инсоннинг ранг-баранг ички дунёси, дард-ташвишлари, орзу-умидларини бадиий таҳлил қилади. Унинг асарлари шакл ва мазмун жиҳатидан халқчиллиги ва миллийлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат, айниқса, адибнинг пёсаларида яққол кўзга ташланади. “Аяжонларим” драмаси ҳам бундан мустасно эмас. Ёзувчи миллатимизга хос бўлган миллий турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларни асарнинг мантиқ ва моҳиятидан келиб чиқиб акс эттиради. Икки ёшнинг бир-бирига муҳаббат қўйиши ва турмуш қуриши каби табиат қонунига айланган ҳодисалар умуминсониятга хос бўлган туйғу ва ҳаёт тарзи бўлса-да, уларнинг юзага чиқиши ҳар бир миллатда ҳар хил кечади. Шунингдек, ўзбек миллатида ишқ кечинмалари ва уларнинг намоён бўлиши бошқа миллат кишиларидан мутлақо фарқ қилади. Айтайлик, рус ёки бошқа ажнабий халқлар миллатига мансуб хонадонларда оиладаги ўзаро муносабат ҳам, ота-она

билан фарзандлар ўртасидаги муомала ҳам бошқача - фарзанд улғайгач, шу фарзанд ўз тақдири, шахсий ҳаёти ва келажагини ўзи бошқаради, гўёки бунга ота-онанинг ҳаққи йўқдай бўлиб қолади. Айниқса, турмуш қуриш масаласида бундай «мустақиллик» яққол кўзга ташланади. Йигит билан қиз бир-бирига кўнгилик қўйдими, бас, тўйдан аввалоқ ўзларининг севги шодликларини ҳамманинг олдида ҳеч бир тортинмай баралла намойиш қилишлари, ҳатто тўй кунини ҳам ўзлари тайин этишлари табиий ва одатий ҳол ҳисобланади. Аммо ўзбек миллати кишилари бу юксак туйғуни бошқачароқ қилиб билдиришни маъқул кўрадилар.

“Аяжонларим” асаридаги конфликтли ҳолатнинг юзага келиши ҳам ўзбек миллатига хос бўлмаган воқеа – Каримжон билан Умидахоннинг “етақлашиб” кириб келиши, бундай лавҳага қарши билдирилган реакциядан Умидахон ўзига келиб олиши ва тафтини босиши учун “муздаккина сувда ювиниши”дан бошланади. Асарнинг мазмуни кўпчиликка таниш. Ёзувчи “Аяжонларим”да оддий ўзбек хонадонидаги ҳаётнинг бир парчасини тасвирлайди. Бўстон “бир кўз” билан боқиб катта қилган ўғли Каримжонга қўшниси Тўтинисонинг “хусн деса тортиб қўйган суратдай, соч деса тақимига тушадиган, пазандамисан, пазанда” бўлган Хайрихонни олиб бермоқчи, “тўрт қоп гуруч дамлаб, Мукаррамахону, Ҳалимахону, Тамарахонларни” машинада олиб келиб, “чаккасига” “ўз кўли” билан “пул қистириб”, “бор бисоти”ни сарфлаб, тўй қилмоқчи эди.

Бу ўринда ёзувчи икки хил ўзбек аёлининг табиатини уларнинг нутқ жараёни орқали очиб беради. Каримжон билан Умиданинг фавқулодда бирга кириб келиши ва турмуш қуришлари ҳақидаги тақлифи Каримжоннинг онаси Бўстонбувини қанчалик ҳайратга солган ва асабийлаштирган бўлса, бу янгиликдан аввалроқ хабар топган, қизини “сути билан эмас, меҳри билан боққан” Умиданинг онаси Шакарни эса сира хавотирга солмайди, аксинча, “ишқ, муҳаббат!... Ҳозирги ёшлар тенгини ўзи топгани маъқул” дея хотиржам тортади. Ҳар икки она ҳам фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Бўстон Каримжонни отасиз катта қилди, ўқитди, ўсдирди, энди “таъбидаги қиз”ни олиб бермоқчи. Шакар ҳам қизига “тикилган тиканга кўз қорачиғи”ни тутиб “гулдай қилиб ўстирди”. У ҳам қизининг қишлоққа кетишини истамайди, аммо “насибаси Каримжоннинг насибасига қўшилган”, “Каримжон кўкрагига тақиб олган” экан, “бир муҳаббатинг ўн бўлсин” дейишдан бошқа чораси йўқ. Бу икки онанинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, бир-бирларига қилган муомаларида ҳам миллатимизнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Бўстон кутилмаганда кириб келган Умидадан қанчалик жаҳли чиқаётган бўлса-да, унинг онасини чиройли мулозамат билан қарши олади, ҳатто Шакарнинг “медаллик Бўстонбувини ким ҳам танимайди” деган мақтовидан бу содда, дилкаш аёл бирпасда эриб, Шакарга ҳам “онангиз яхши от қўйган эканлар” деб ширинсуханлик билан жавоб қайтаради-да, “қани, ошга қаранг! Биз янгиттан еган эдик, ҳали унча совимагандир” дея ўзбекона лутф қилади. Шакар ҳам унинг кўнглига боқиб “Ростини айтсам, қорним оч, бултурги ош бўлса ҳам ейман” деб кўнгилик олади. Зеро, ҳар қандай вазиятда ҳам меҳмонни улуғ билишлик, олдида дастурхон ёзиб, борини баҳам кўришлик, чиройли мулозаматлар билан кўнгилик олишлик – буларнинг бари ўзбек миллати, ўзбек хонадонининг, қолаверса, ўзбек аёлининг табиатида азалдан бор бўлган, қон-қонига сингиб кетган ва ҳеч қачон йўқолмайдиган улуғ фазилатидир.

Адиб ўз миллатига хос бўлган хусусият ва жиҳатларни қахрамонлар табиатида, уларнинг дунёқарашлари, ҳаракат ва ўзини тутиш ҳолатларида, бир-бирлари билан бўлган мулоқотларида ишонарли ва жонли ифода қиладики, бу албатта, асарнинг миллийлигини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Каримжон онасидан “таъбимдаги қизни олиб бермасам кўзим очик кетади” деган ўзбек аёлларига хос норозилик кайфиятидаги қарорини эшитганда бу қарор унинг кўнглига қанчалик оғир ботмасин, бу хилдаги жанжаллардан нечоғлик “тоқати тоқ бўлмасин” онасига нисбатан тик боқолмайди, терс жавоб айтолмайди, аксинча, “аяжон, сиз мени боққансиз, ўстиргансиз...Мен сизни бошимга кўтараман, бор-йўғимни оёғингизга тўкаман! Икки кўзим, бутун вужудим сизники” дея фарзандлик меҳри ва садоқатини билдираёзиб, ўзбекона андиша ва одоб билан ялинганнамо ва илтимоснамо оҳангда “лекин кўнглимни ўзимга қўйиб беринг! Жон аяжон!” дея ўз муҳаббатини ҳам ҳимоя қилишдан чекинмайди. Каримжон ҳар қандай усул - ялиниш билан ҳам, илтимос қилиш билан ҳам, чапани ўзбек йигитларига хос «тажанг»лик билан ҳам, таъвозелик ила “ювошлик” билан ҳам аясини йўлга сололмайди. Йигит икки ўт орасида. Бир томонда онаизори, онага қарши боришга ботинолмайди, унинг розилигисиз турмуш қуришни эса қабул қилолмайди, иккинчи томонда севгиси, ундан ҳам воз кечолмайди. Нима қилсин?! Шундан кейин Каримжон онасининг табиатини яхши билганидан уни тўғри йўлга солиш учун кутилмаганда бир “усул”дан фойдаланади. Бўстон Умидани кетишини астойдил истаб турган бир пайтда “Ая, Умидахонга кўшиб неварангизни ҳам ҳайдаяпсиз-а! қорнида боласи бор!” деб юборади. Бу эса ўзбек хонадони учун, айниқса, Бўстонбуви учун жуда катта номус эди. Бўстонбуви учун номус - жондан ҳам қиммат. У оила номусини сақлаб қолиш ва номусини азият чектирмаслик йўлида ҳар нарсага тайёр. Номус туйғуси ва тушунчаси Бўстон аяни тўғри изга солади. Ўғлидан бу ғайритабиий “янгилик”ни эшитгач, “А!” дея ичидан бир сесканади-да, дарҳол ўзини қўлга олиб, ҳеч иккиланмай шиддатли буйруқ оҳангида “қайтар! қайтар! Ҳов, Шакарбуви шошилманг, қизингиз боласини туғиб кетсин!” дейди. Бўстонбуви қанчалик табиатан қизиққон бўлмасин, унинг виждони бор, виждони эса ичдаги номуси, номуси - унинг асл гўзаллиги. Бу – фақат ўзбеккагина хос бўлган жиҳат.

Абдулла Қаҳҳор миллатнинг ана шундай улуғвор хусусиятини ҳаммадан кўра тўлароқ ва мукамалроқ илғайди, асарнинг тағқатламига сингдиради, ёрқин бўёқларда ифода этади.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР УСЛУБИНИНГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА

Дилдора Абдуллаева, филология фанлари номзоди

Ижодкор ҳаётини ўрганишда автобиографик асарларнинг ўрни каттадир.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси автобиографик асар бўлиб, унда адибнинг болалигида рўй берган воқеа-ҳодисалар асос қилиб олинган. Қиссадаги воқеалар, ҳақиқатан ҳам, адибнинг болалигида бошидан ўтган. Уларнинг мазмуни асосида Абдулла Қаҳҳорнинг таржимаи ҳолига оид ўринларни топиш, ўрганиш мумкин.

Ўтмиш ҳақида асар ёзишнинг мураккаблиги шундаки, унда ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига бадиий ҳақиқатнинг мувофиқ келишини таъминлаши керак бўлади. Шу билан бирга воқеаларни реалистик тасвирда акс эттириш мобайнида бадиий тўқиманинг ишонарли чиқишига эришиш ҳам зарур. Абдулла Қаҳҳор ўтмиш ҳақидаги асарларида шу жиҳатларга эриша олган адиб эди.

Адибнинг «Бемор», «Анор», «Даҳшат», «Ўғри» сингари асарларида ҳам «Ўтмишдан эртақлар» қиссасидаги сингари ўзбек халқининг ўтмишдаги ҳаёти тасвирланади. Лекин мазкур ҳикояларда адиб аслида ҳаётда рўй бермаган, аммо реал ҳаёт ҳақиқатига зид келмайдиган воқеаларни ўзи ижод қилган. Мазкур ҳикояларда адиб томонидан қўлланган деталлар, сўз танлаш усуллари, ёзувчининг Чеховга хос услуби (хусусан, лаконизм) кабилар ҳақида мақолалар ва тадқиқотларда мулоҳазалар айтилган. Биз эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳат шундаки, ёзувчи ҳаётда камдан-кам учрайдиган воқеани, фавқулодда ўзига хос нотипик ҳодисани «Даҳшат»да тасвирлайди. Додхонинг Унсинга ғайриоддий шарт қўйиши - қоп-қоронғу тунда қабристонда чой қайнатиб келиш (қабристонда олов ёқиб, чой қайнатиш! Чой қайнагунча вақтнинг ўтиши-чи!) китобхон кўз олдида яққол намоён бўлади ва дастлаб бунга ишонқирамаётган бўлса-да, сўнг ҳақиқатда бундай воқеа бўлиши мумкинлигига амин бўлади. Чунки додходек золим одамнинг қиёфаси, характери ҳикояда бир-икки ишора ва жумладаёқ ёзувчи томонидан маҳорат ила очиб берилган.

Ҳаётда камдан-кам учрайдиган лавҳаларни асарларига асос қилиб олишининг боиси адибнинг услуби бўлса, иккинчи томондан унинг характерида ҳаётда ҳам ўзига хос такрорланмас нарсаларни маъқул кўрганлигидан деб изоҳлаш мумкин. Ёзувчининг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорованинг эсдаликларидан бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам худди ҳикояларидаги сингари оҳори тўқилмаган, теша тегмаган, образли гапларни қўллаган, ўзи шундай сўзларни эшитиб қолса ён дафтарига ёзиб юрган. Ҳатто, Кибриё Қаҳҳорованинг келтиришича, унинг вафоти олдидан айтган сўнгги сўзи «Гапа мухтасар кунед» («Гапни қисқа қилиш керак») бўлган. Бу адибнинг, таъбир жоиз бўлса, шахс сифатидаги ўзига хос принципи ва ёзувчиликдаги услуби дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Қаҳҳор асарларини, унинг ёзувчи сифатидаги услубини ўрганишда таржимаи ҳоли, шахсияти, сажияси ҳам муҳим ўрин тутади.

ҚАҲҲОРОНА МАҲОРАТ ИФОДАСИ

Фозилжон Кийикбоев, ФарДУ тадқиқотчиси

Абдулла Қаҳҳор фақат ўзига хос тарзда ижод қилувчи ёзувчидир. У ўз асарларида миллий-умуминсоний кадриятлар: замондошлари маънавий дунёси, руҳий гўзаллиги, ватанпарварлик, оталар ва болалар муносабати, меҳр-оқибат каби туйғуларнинг теран бадиий ифодасини бетакрор тарзда намоён қилади. Унинг асарлари қайси мавзуда, нима ҳақида ёзилганлигидан қатъий назар, ундаги миллий руҳ, оддийлик китобхонни эзгулик руҳида тарбиялашга қаратилади.

Абдулла Қаҳҳор 1943 йилда ёзилган «Асрор бобо» ҳикоясининг мавзуси уруш йилларида қишлоқда чойхоначилик қилиб юрган қария, оддий ўзбек оиласи - бир чол ва унинг кампири турмушидан танлайди.

Асрор бобо тимсоли ўзига хос жиҳатлари билан Н. Гоголнинг «Тарас Бульба»сидаги бош қаҳрамон - ота (Тарас Бульба)ни эслатади. Зеро, улар ўз даври, шароити ва ўз миллий характериға эға тимсоллардир. Тарас Бульба ҳам Асрор бобо ҳам ватанпарвар, фидойи инсонлар. Лекин Тарас Бульба ўз ватанпарварлигини жангда, босқинчи ёвға қарши курашда кўрсатса, Асрор бобо ватанпарварлигини урушдан узоқда - ўз қишлоғида намоиш қилади.

Тарас Бульба ўз иродаси, фидойилигини жангда хоинлик йўлиға кирган ўғлини ўз қўли билан қатл қилиш орқали кўрсатган бўлса, Асрор бобо фидойилик ва юксак иродасини бошқача йўл билан - жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўғли Ёдгорнинг ўлими ҳақидаги машъум хабарни кампириға билдирмасдан, мусибатнинг бутун залворини ўз бўйниға олиши, кампирини эҳтиётлаш билан кўрсатади. Тарас Бульбада казак атаманиға хос тантилик, мардлик нечоғлик устун бўлмасин, у барибир ота. Хоин фарзандининг қотили ўзи. Бу тенгсиз изтироб отанинг юрак-бағрини эзади, ичидан ўртанади. Асрор бобода ҳам ўзбек халқининг менталитетига хос донишмандлик, болажонлик, ҳазилкашлик, ўз оиласиға юксак ҳурмат ва самимийлик хислатлари мужассам. У кампириға қалбини ўртаб юрган оғир мусибат - ўғлининг жангда ҳалок бўлганлигини айтмай, яшириб юради. Бу мусибатнинг ҳамма дард-аламиға ўз қалбини тутиб берса-да, кампирини аяб, унға ҳазил-мутойиба қилишни қўймайди.

Дастлаб ўғлини соғинган кампир йиғлаб чолға тинчлик бермайди. Шунда Асрор бобо кампириға дўқ уради, ҳазилға олади. Ниҳоят бўлмағач, ўзича ҳазилнамо таъна қилади:

«На ўзиниға қарайсан, на уйға. Чироғнинг шишасини қара. Қишлоқда ҳеч кимнинг уйида пашша йўқ, бизникида кечаси ҳам бурун талашади... Йиғласанг, одамларға ўхшаб қўлинг бўшағанда йиғла»...

Мусибатдан кампир ҳам бохабар. Лекин у ҳам ўзини сунъий равишда «тетик, шаҳдам тутаётган сохта табассумли» чолини эҳтиётлаб, «товуш чиқармай, ичида куюниб йиғлайди, бор кучини ишлатиб, ўзини тутишға ҳаракат қилади. Кўзига келган ёшини ўтиннинг тутунидан деб баҳона қилади. Кампир ҳам гап тополмағач, чолға ёпишади: «Мунча курт-курт қилиб чайнайсиз!» Бу каби ҳаяжонли кўринишлар фақат оилани муқаддас билган ўзбекнинг соф миллий одатига хос бўлган ҳолатдир.

Қирғинбарот уруш мавзусини биргина оддий ўзбек оиласи ҳаёти, қишлоқ чойхоначиси, чол-кампир муносабатларидаги миллий ўзига хослик билан тасвирлашни бадий ижод мўъжизаси, қаҳҳорона маҳорат ифодаси дейиш мумкин.

«Ў/РИ» ҲИКОЯСИНИНГ ҚИР/ИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Махбуба Темирова, АДУ тадқиқотчиси

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоянавислик мактабидан бугунги кунда нафақат ўзбек халқи, балки қирғиз халқи ва бошқа халқлар ҳам унумли фойдаланмоқдалар.

Билингвизм (икки тиллилик) шароитида таълим олаётган Ўзбекистонлик қирғиз халқи фарзандлари Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини севиб ўқийдилар. Ўзбекистонлик қирғиз тилида таълим олувчи ўқувчилар учун нашрдан чиққан 7-синф дарслигининг «Қардош халқлар адабиёти» бўлимида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига ҳамда «Ўғри» ҳикоясига бағишланган саҳифалар бор. «Ўғри» ҳикояси қирғиз тилига эркин таржима қилинди. Ҳикояда ёзувчи бир қанча халқ мақолларидан, халқ ибораларидан маҳорат билан фойдаланган.

Ҳикояда «отнинг ўлими-итнинг байрами», «текинга мушук офтобга чиқмайди», «куруқ қошиқ оғиз йиртар», «бегим дегунча кишининг бели синар», «ўйнашмагин арбоб билан, сени урар ҳар боб билан», «берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз» сингари ўзбек халқ мақоллари, «йўқолмасдан илгари бормиди?», «яхши ҳўкиз биров етакласа кетаберадими?», «ўзи қайтиб келмасмикин?», «бирова олиб кетса, қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да» каби халқ иборалари қўлланган.

Таржима жараёнида мавжуд мақоллар ўрнига қирғиз халқидаги айнан ўхшаш ва синоним мақоллар қўлланилди. Масалан, ҳикояга эпиграф қилиб олинган мақол асарнинг ғоявий мазмунуни аниқ белгилашга кўмаклашган. «Отнинг ўлими- итнинг байрами» мақоли қирғиз халқида ҳам бор «Атгўн ўлғам-иттин майрамў». «Бегим дегунча кишининг бели синар экан» мақоли қирғиз халқида «бегим дегенче кишининг бели сўнчу иш», «берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз», қирғизчада ҳам айнан «бергенге бир деле кўп, алганга он деле аз» тарзида қўлланади.

Шу билан бирга ҳикояда қирғиз тилида ўхшаш варианты бўлмаган мақоллар ҳам қўлланган бўлиб, таржима жараёнида уларнинг маъносига мос келадиган қирғизча мақоллардан фойдаландик. Қуйида ана шундай синоним мақолларнинг айримларига изоҳ бериб ўтамыз. (Синоним мақолларнинг ўзбекча маъноси қавс ичида берилади): «текинга мушук офтобга чиқмайди» мақоли ўрнига қирғиз тилида «куру аякка бата жўрбўйт» (куруқ идишга фотиҳа қилинмайди маъносида), «куруқ қошиқ оғиз йиртар» мақоли ўрнига қирғиз тилида «куру қошок оозго жакпайт, куру сўз кулакка жакпайт» (маъноси, куруқ йиғи-сиғи, марсия оғизга ёқмайди, куруқ сўз кулоққа ёқмайди), «ўйнашмагил арбоб билан, сени урар ҳар боб билан» мақоли ўрнига қирғиз тилида «азуулуу менен арбашпа, алдуу менен кармашпа» (маъноси, тишли билан тиккалашма, кучли билан курашма) каби синоним мақоллардан фойдаланилди.

Ҳикоядаги халқ иборалари «йўқолмасдан илгари бормиди?» қирғизчада ҳам айнан ««жоголбостон мурда бар беле?», «яхши ҳўкиз биров етакласа кетаберадими?» қирғизчада ҳам «жакшў ўғз бирў жетелесе эле кетебереби?», «ўзи қайтиб келмасмикин?» қирғизчада ҳам «ўзг кайтўп келбес бекен?», «бирова олиб кетса, қайтиб кела бер, деб қўйилмаган эканда» каби халқ иборалари айнан ҳолида берилди. Чунки қирғиз халқининг оғзаки нутқида ҳам шу каби халқ ибораларини учратиш мумкин. Айниқса, «йўқолмасдан илгари бормиди?» ибораси қирғиз халқида ҳам кенг қўлланади.

Шунингдек, ёзувчининг «қозонни сувга ташлаб қўйиш», «ақл ишонмайди», «ҳамённи қоқиштирмак», «Худо хайр берсин», «Худо ажалга тўзим берсин» каби афоризмлари ҳам айнан ўхшаш вариантларда ўғирилди.

Айниқса, ҳикоядаги амин билан Қобил бобо ўртасидаги суҳбатда аминнинг Қобил бобога мажҳул нисбатдаги мурожаатлари таржимада ҳам айнан шундай берилди. Чунки ушбу эпизодда ҳар иккисининг хатти-ҳаракати, нутқи орқали кимнинг кимлиги яққол очиб берилган.

«Ўғри» ҳикоясидаги олмошлар ёки мажҳул нисбатлар каби ёзувчининг ўзига хос услуби, оз сўзлаб, кўп маънони ифодаловчи (лаконизм) хусусиятларини таржимада сақлашга ҳаракат қилинди.

Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов: «Адабиёт - халқларни бирлаштирган олтин кўприк», деб бежиз айтмаган. Ҳар икки халқ адабиёти бири-бирдан озиқланиб, таъсирланиб, ривожланиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, адабиёт халқларни бирлаштиради. Абдулла Қаҳҳорнинг яратган бой адабий меросидан барча қардош халқлар сингари қирғиз халқи ҳам унумли фойдаланаётганлиги қувончли ҳолдир.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА МУАЛЛИФ НУТҚИ

Барно Қодирова, АДУ II босқич талабаси

Насрий асарларда воқеалар, воқеа содир бўлаётган жой, замон, қаҳрамонлар характерини ифодалашда муаллиф нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда муаллиф нутқи икки хил тарзда намоён бўлади: тўғридан-тўғри муаллиф нутқи ва ўзиники бўлмаган муаллиф нутқи.

Адибнинг «Даҳшат» ҳикоясидаги қуйидаги парчага диққат қилайлик: «Унсин телба бир аҳволда бўлса ҳам фаҳмлади: маймун! Додхонинг маймуни! Маймунни додхонинг ўзи олиб келмагандир, бировдан бериб юборган! Дунёда додходай бераҳм одам яна бор эканми!»

Ушбу лавҳада адиб муаллиф нутқини қаҳрамон нуктаи назаридан олиб боради, шу асосда муаллиф нутқи ва қаҳрамон ўй-хаёллари қоришиб кетади. Бу кўринишдан аввалги лавҳаларда эса муаллиф нутқи қаҳрамон билан юз бераётган воқеаларга муносабатни ифодалаб беради. «Дунёда додходай бераҳм одам яна бор эканми» жумласида эса бевосита муаллиф ўзининг шахсий муносабатини ҳам баён қилади. Ҳикояни ўқишда давом этар эканмиз, Унсиннинг «елкасига маймун минган дақиқаларда нақадар кўрққанлигини» ва қай аҳволга тушганлиги беихтиёр кўз ўнгимизда гавдаланади, ўзимиз ҳам айни шу ҳолга яқинроқ аҳволга тушамиз ва айни пайтда «қандай бўлса ҳам шу атрофда одам бор»лиги Унсин каби бизнинг ҳам кўнглимизга бир оз таскин беради.

А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси шундай бошланади: «Кампир тонг қоронғусида хамир қилгани туриб ҳўкиздан хабар олди. О!... Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган...»

Бу фикрларнинг дастлабкиси муаллифнинг қаҳрамон тўғрисидаги хабари ҳисобланса, кейинги жумла эса бевосита қаҳрамонга эврилиб ўйлай бошлаган муаллиф нутқидир. Ўзиники бўлмаган нутқни ифодалашда муаллиф гўёки қаҳрамон оламига киради. Юқоридаги жумлада ҳам муаллиф воқеа содир бўлаётган жойга қаҳрамон билан бирга кириб бормоқда. Унинг кўзи билан қарамоқда: «О!... Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган...» Ва кейин эса ўзича талқин қилмоқда: «Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта

хода, бир арава қамиш - уй, ҳўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади».

Келтирилган мисол орқали кўришимиз мумкинки, Абдулла Қаҳҳор халқ мақолларидан ҳам унумли фойдаланган. Муаллиф нутқи орасига ушбу мақолнинг жойлаштирилиши эса адибнинг воқеликка қаҳрамон нигоҳи орқали қарашда давом этаётганидан дарак беради. Чунки деҳқоннинг ишонгани ҳам, суянгани ҳам шу - ҳўкиз. Унинг йўқолиши эса уйсиз қолишдан ҳам даҳшатлироқ...

Воқеа содир бўлаётган даврни ёдга оладиган бўлсак, бировниқига ўғри тушиши, бировнинг уйи хатга тушиши - буларнинг барчаси бу давр кишилари учун оддий ҳол эди. Муаллиф талқинича, «одамлар ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, ҳўкизни қайси томонга олиб кетгани, уни қайси бозорда сотиши мумкин эканлиги тўғрисида баҳслаша-баҳслаша тарқалди». Содда ва ишонувчан Қобил бобонинг оми «кампири йиғидан тўхтаб, эллиқбошини дуо қила кетди».

Ҳикоя қуйидагича яқунланади:

«Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита ҳўкиз берди, лекин «кичкинагина» шарти бор. Бу шарт кузда маълум бўлади...» Бу билан муаллиф воқеа-ҳодисаларга муносабатини ошқора ифодаламайди, воқеанинг сўнгини нима билан тамом бўлишини, бу ҳақида хулоса чиқаришни ўқувчининг ўзига қўйиб беради. Бу китобхон учун унчалик мураккаб эмас, чунки воқеа сўнгги ўз-ўзидан аён, «кичкинагина шарт»нинг ўзи Қобил бобонинг келажакда анчагина мусибатларга дучор бўлишига ишора қилади.

Муаллиф қаҳрамонлар характерини очиб берар экан, ҳар бир деталдан унумли фойдаланади. У баён қилган фикри орқали қаҳрамонларнинг феъл-атворини, ҳолатини ўзига хос жонли тарзда ифодалайди. Адибнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясида воқеа-ҳодисаларга қаҳрамон нуқтаи назаридан қаралади. Бироқ бу ҳикоядаги муаллиф нутқи юқорида кўриб ўтилган ҳикоялардагидан фарқланади.

«Очиқ хотин-қизларнинг ҳар бир ҳаракатидан бузуқликка далолат қиладиган талай белгилар топади»ган мулла Норқўзи «Етти қават парда ичида» ўтирадиган ўз хотинини» булар қаршисида фаришта мисолида кўради».

Бу фикр муаллиф нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтилган фикр, лекин бу муаллифнинг қатъий хулосаси эмас. Аввал кўрганимиз «Даҳшат» ҳикоясида муаллиф то ҳикоя сўнгигача қаҳрамон - Унсин томонида туради. Унсинга гоҳо ҳамдардлик, гоҳо ачиниш ҳисси билан қарайди. «Майиз емаган хотин» ҳикоясида эса муаллиф бетараф туради. Қаҳрамон томонидан билдирилган фикрларга муаллиф мойиллик сездирмайди, балки уни кулгу остига олади, аччиқ киноя қилади.

«Унинг биттаю битта ўртоғи бор. Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса, шунинг онаси, энди туғилса, шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса, шу хотиннинг ўзи». Мулла Норқўзининг хотинига нисбатан шу қадар ишонувчан, содда, гўл бўлиши аёлининг абжирлиги, ҳеч бир хатти-ҳаракатларида шубҳаланишга асос сездирмаслиги натижасидир.

Ҳикоя давомида қаҳрамон ҳақидаги тасаввурлар юзага келиб, шаклланиб, ривожланишида муаллиф нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу эса муаллифнинг воқеа содир бўлаётган жой, образлар характери ва ҳолатини очиб беришда турли ҳаётий деталлардан унумли фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ. Фикримизча, ҳар бир ёзувчининг асар ёзишдан аввал олдиға қуйган биринчи галдаги мақсади ҳам

адабиётнинг «атомдан кучли»лигини таъминлаб турувчи кўнгил гавҳари - сўздан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиб, бир-биридан гўзал ва реал образлар яратишдир.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТ ВА ЎЛИМ ТАЛҚИНИ

Нилуфар Кўчқорова, АДУ II босқич талабаси

Буюк ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор маҳорати у яратган ҳар бир тимсолда, ҳар бир деталда намоён бўлади. Адиб ижодида ҳаёт ва ўлим тушунчалари ўзига хос тарзда талқин қилинади.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон», «Маҳалла», «Бемор», «Тўйда аза», «Даҳшат», каби ҳикояларида ўлим сахналарини учратамиз. Бу ҳикоялар мавзу жиҳатдан хилма-хил, мазмун жиҳатдан эса чуқур, шу боис ҳар бир ҳикоядаги ўлим сахнаси турлича берилган. Масалан, «Маҳалла» ҳикоясидаги ўлим шу қадар содда тасвирланган бўлиб, қаҳрамон осон ва шунчаки вафот этади. Лекин бу воқеа қаҳрамоннинг яқинларига оғир ва узоқ таъсир кўрсатади. Бу ўлим сахнаси ҳикоя бошида келтирилиб, кейинги воқеаларга туртки берувчи, асос бўлувчи ҳодиса вазифасини бажаради. Асарда адиб ўлган инсоннинг ортидан ўлиб бўлмаслигини, уни қанчалик яхши кўрмасин, унга суянмасин, усиз ҳаётни тасаввур қила олмаса ҳам, руҳий тушкунликка тушмаслиги зарурлиги бошқа меҳрибон, оқил инсонлар ёрдамида ҳаётнинг нақадар гўзал ва азиз эканлигини англаб етиши ва яшашда давом этиши кераклигини тўла ҳолда акс эттириб берган.

«Бемор» ҳикоясида бунинг акси. Унда қаҳрамоннинг ҳаётни тарк этиши асар ечими сифатида берилган. Бу ҳикоя энг қайғули ҳикоядир. Чунки ундаги ўлимга қадар бўлган воқеалар ўқувчининг ҳис-туйғуларига қаттиқ таъсир ўтказиб, инсон қалбида ачиниш туйғусини уйғотади. Бу ачиниш биргина вафот этган кишигагина эмас, унинг ўлиmidан изтироб чекиши мумкин бўлган бошқа инсонларга ҳам қаратилган. Бу ҳикоядаги ўлим чинакам фожеа сифатида берилган.

«Тўйда аза» ҳикоясидаги ҳаёт ва ўлим талқини ўзгача маъно касб этган. Унда инсоннинг чин вафоти унинг жисман вафоти эмас, балки кишилар қалбидаги ўз ўрнини йўқотиб, атрофдагилар назаридан қолиши эканлиги тасвирланган. Инсон учун ҳақиқий ўлим унга нисбатан атрофдаги одамларнинг ҳеч қандай эътибор ва меҳри йўқлигидир. Бу ҳикояда инсондаги яхши фазилатларнинг заволи топиши унинг одамлар қалбидаги маънавий ўлимига сабаб бўлишини кўраамиз. «Тўйда аза» ҳикоясида бир нарсанинг интиҳоси бошқа бир нарсанинг ибтидоси бўлишини тушунамиз. Асарда йўқотилган нарса олдида топилган нарсанинг ҳеч қандай қиймати йўқлиги ёритилган. Ҳикоядаги «тўй» ҳамма учун бирдек кутилмаган воқеа, қувончли ҳодиса эмас, балки баъзи инсонлар учун «аза» бўлиб туюлган. Асар ўқувчини чуқур ўйга толдира олади.

Ёзувчининг яна бир ҳикоясида ҳаётнинг ширин ва тотли, азиз ва муқаддас эканлиги, барча инсонлар ҳеч қачон ва ҳеч вақт ҳаётдан умид ва илинжларини уза олмасликлари кўрсатилган. «Минг бир жон» ҳикоясидаги қаҳрамон ўлим ва ҳаёт чегарасида турса-да, ҳаёт томон интилади. У яшаш учун курашда ўзида тоғдек куч, мустаҳкам ирода топа олади. Ҳар бир ишини, ҳар бир ҳаракатини ҳаёт томон йўналтира олади. Қаҳрамон садоқат, вафо ва ишонч ёрдамида ҳаётга қайтади. Бу

ҳикоядаги ўлим ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган инсон бошига тушади. Бундан эса тақдир кутилмаган эканлигини англаймиз.

Адибнинг ноёб мазмунда ёзилган, ўзида даҳшатли ўлим саҳнасини сингдирган асари бу «Даҳшат» ҳикоясидир. Ҳикоя ижтимоий муаммолардан ташқари бошқа кўп хусусиятларни ҳам қамраб олади. Абдулла Қаҳҳорнинг бу асари ҳеч бир қолипга сиғмайдиган тасвирлар орқали ифодаланган. Биз ҳикоя орқали ҳаётга ўта хирс кўйган, ўлим ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам кўрқадиган, ўлимни эслатувчи нарсалардан ҳамиша кўз юмувчи инсонлар борлигини билиб оламиз. Асарда ҳаёт жилвасига бошқа томондан назар ташлашга, ҳаётни эркин ва сокин кузатишга орзуманд бўлган ва бу йўлда ўз жонини ҳам қурбон қилган аёл образига дуч келамиз. Ҳаётда шундай вақтлар ҳам бўлар эканки, унда инсон тирик одамлар орасида бўла туриб ўзида қабристонда тургандан оғирроқ кўрқув ва изтиробни ҳис этар экан. «Даҳшат» ҳикоясида ўлим ва ҳаёт ўртасидаги туташ нуқталар акс этган. Қаҳрамоннинг дунёдан кўз юмиши аянчли ва аламли асар ечимидир.

Юқоридаги ҳикояларда ҳаёт ва ўлим талқини бир неча жиҳатлар орқали бирикиб туради. Яъни ўлим ҳеч қачон кишиларга қувонч олиб келмайди. У кишиларга кутилмаган ҳолат ва вақтда ташриф буюради. Ўлим баъзан ўта даҳшатли, баъзан қайғу ва аламли, баъзан эса ҳайратланарли бўлишини англаб етамиз. Ҳаёт эса инсонлар учун берилган энг олий неъмат эканлигини Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари яна бир бор тасдиқлайди.

«ДАҲШАТ» ҲИКОЯСИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ

Элвира Жўраева, АДУ I босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги энг мукамал ҳикояларидан бири «Даҳшат» ҳикоясидир. Ҳикоядаги воқеалар нақ даҳшатнинг ўзи, ундаги табиат тасвири ҳам алланечук даҳшатли, кўрқинчли таассурот уйғотади. Шунга монанд ҳикоянинг номи ҳам «Даҳшат»дир.

Ҳикоянинг дастлабки жумласига эътибор берсак: «Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмайдиган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, ғувиллайди, томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади». Ёзувчи шамолнинг даҳшатини, ваҳимали қудратини ўқувчига ҳис қилдириш, кўз ўнгида жонлантириш учун шамолни «чийиллайди», «вишиллайди», «уф тортади» каби сўзлар билан тасвирлайди. Кейинги жумлаларда ҳам шамолнинг тасвири «оч бўридай увиллар», «ўлаётган мушукдай пихиллар, вағиллар» каби сўзлар билан берилган. Бундай тасвирларни ўқигандан кейин ўқувчи, албатта, манзаранинг даҳшатини ҳис қилади, гўё бу манзара ўқувчи кўз ўнгида жонланиб, шамолнинг ўқиришлари эшитилгандай бўлади.

Энди табиатдаги қудратли нотинчликда одамларнинг «жимгина ўтириш»га мойиллигини эътиборга олсак. Агар шу ҳолатни ўша даврдаги сиёсатга, мафкурага боғласак, ҳикоядаги мазмуннинг янги бир қирраси кўзга ташланади. Бизга маълумки, шўро ҳукуматининг қатағон сиёсати даҳшатли бўлган. Бу қатағоннинг даҳшати худди «Даҳшат» ҳикоясидаги табиат тасвири, шамолнинг ваҳимали қудратига, даҳшатига ўхшайди. Бу нотинчликда одамларнинг «жимгина ўтириш»га мойиллигини қатағоннинг даҳшати авжга чиққан пайтдаги одамларнинг «жимгина

ўтириш»ига ўхшатиш мумкин. Дарҳақиқат, юртимизнинг асл фарзандлари даҳшатли катағон қурбони бўлаётганда «жимгина» қараб тураверишган, кўлидан ҳеч нарса келмай, қудратли катағон олдида «жимиб» қолишган. Ёзувчи собиқ совет тузумидаги «жимлик»ни ва бу «жимлик» асносида рўй берган «даҳшат»ни ёритади. Тасвирланаётган ҳодиса ўзгача маъно ифодалаши ёзувчининг маҳоратидир. Чунки асарда тасвирланаётган нарса бошқа, ифодаланаётган нарса бошқа бўлиши ҳам мумкин.

А. Қаҳҳор сўздан ниҳоятда моҳирона фойдаланганлигини биламиз. Агар ҳикоянинг бир жумласига эътибор берсак, унда «даҳшат» сўзи 5 марта такрорланган. Бу нарса ёзувчининг эътиборсизлиги эмас, албатта. Балки маънони кучайтириб, даҳшатни ўқувчига ҳис қилдириш, таъкидни кучайтириш учун хизмат қилган.

Додхо хонадонидаги муҳитга Унсининг кўникамаганлиги, унинг табиатидаги эрксеварликдан далолат. Унсин эрк учун қурбон бўлди. Шунга ўхшаш катағон авжга чиққан пайтда ҳам журъат қилиб шўролар сиёсатига, тузумига кўнмаган, озодлик йўлида қурбон бўлган юртимизнинг асл фарзандлари каммиди?

Ҳикоянинг бошидан бошлаб охиригача воқеалар ҳам, табиатдаги нотинчлик ҳам даҳшатли тасвирланган. Бу даҳшатли тасвирлар ҳикоя сўнггидаги охириги даҳшатнинг рўй беришини тақозо қилиб қўяди. Сўнгги даҳшат бу - Унсининг ўлими. У эрк йўлида, эрка етишиш учун қурбон бўлди. Худди юртимизнинг асл фарзандлари эрк йўлида қурбон бўлгани каби.

Унсиннинг вафотидан сўнг ҳам табиатдаги қудратли нотинчлик ҳамон давом этаётганлиги тасвирланган. Бу ҳол асар ёзилган йилларда ҳам катағон руҳи давом этаётганига ишора қилади.

ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Саъдулло Қуронов, АДУ I босқич талабаси

Ўз ижод маҳсулини ҳақиқий санъат даражасига кўтариш қўлига қалам олган ва улуғ ÷ўққилар сари интилган ҳар бир ёзувчининг мақсадидир. Бу мақсадга эришиш эса адибдан юксак маҳоратни талаб қилади. Маҳоратнинг муҳим қирраларидан бири эса образ яратиш санъатидир.

Ўзбек ҳикоячилигининг чўққиларидан бири ҳисобланадиган "Анор" ҳикоясида, Абдулла Қаҳҳорнинг образ яратиш борасидаги юксак маҳорати яққол кўзга ташланади. Ўтмиш воқеаларидан хабар берувчи бу асарда бошқоронғи хотинига икки дона анор топиб бера олмаган Туробжон ва "бирдан бир орзуси-анор" бўлиб қолган аёл образлари санъаткорона яратилган.

Асарнинг бошланғич нуқтасида қуйидаги ҳолатни кузатамиз: "Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг енги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди... Жўхори туяётган хотини унинг кўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди... чала туйилган жўхори ерга тўкилди". Бир томонда, Туробжоннинг "янгигина" яктаги тирсаккача йиртилганига, иккинчи томонда, аёлининг не машаққатлар билан туяётган асосий емиши ҳисобланган жўхорининг тўкилганига эътибор бермаганлиги рўй берадиган ҳодисанинг улар учун жуда

муҳим эканлигидан хабар беради. Ёзувчи қаҳрамонлардаги бу ҳолатни ўқувчига яна ҳам кучлироқ сингдириш учун персонажлар нутқидан унумли фойдаланади.

«-Акажон, дегин!

-Акажон! Жо-он ака!..

-Нима берасан?

-Умримнинг ярмини бераман!..»

Эри "Акажон" дейишинигина сўраса ҳам, хотин "Акажон!" дейди-да, камлик қилди шекилли, "Жо-он ака!"ни қўшади. Биринчи "Акажон" эрининг талаби билан айтилган бўлса, иккинчи "Жо-он ака" кўпроқ ялиниш оҳангида "Мени кўпам куттирма" дегани бўлади. Демак, у ниманидир илҳақ бўлиб кутмоқда. Эрининг "Нима берасан?" деган саволига биз учун одатий, оддий ҳолатларга қарата ҳам айтишимиз мумкин бўлган "Умримни бераман" деб эмас, "Умримнинг ярмини бераман!" деб жавоб қилади. Аёл бу сўзларни чин дилдан айтаётганлиги учун ҳам "Умримни бераман!" дея олмагандай туюлади бизга.

Тугундаги нарсанинг нима эканлигини билган ва кўзига жиққа ёш келган хотинини кўраркан, "нима эканини билдингми? Асаларининг уяси",-дейди Туробжон. У бозорда фалон пул, пиёда юрганлар тугул отда юрганларга ҳам йўқ АСАЛни топиб келса-ю, хотини бунинг асал эканлигига "ишонмаса", у "Ё, қудратингдан, ишонмайди-я!" деб юборади.

Туробжон бу ҳолатга тушунмади, тушунишни истамаганлиги учун эмас, тушуна олмаганлиги учун тушунмади. Асар бошидаги хурсандчилик сўнди. Туробжоннинг эсига йиртилган яктаги-ю, тўкилган жўхори келди. Эр-хотин орасига совуқчилик тушди.

Абдулла Қаҳҳор камбағал инсонлар образини яратар экан, қаҳрамонларнинг ҳаракати, гап-сўзлари, ўй-хаёлларидаги ҳар бир икир-чикирга, ҳар бир деталга маъно юклайди: «Туробжон дўпписини бошидан олди... кўзи йиртиқ енгига тушди, юраги ачиди: энди уч-тўрт сув ювилган янгигина яктак эди!" Туробжондайлар учун яктак ҳали янги, балки ўқувчи учун ҳам у янгидайдир? Лекин ўша давр камбағалининг кийим тутишидан келиб чикиб фикрласак, кийим у қадар янги эмас. Яна бир мисол: "Овқат пишди. Қозоннинг занги чикиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади". Қозоннинг занглаши, ҳатто овқатни қорайтириб юбориши, яна бу қораликни қатиқ ҳам кеса олмаслиги учун бу қозон неча хафта, неча ой ёғ кўрмаслиги керак?

Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамонлардаги ҳолатни тасвирларкан, ўқувчи шубҳаланмаслиги учун асар давомида уни воқеликка тайёрлаб боради. Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонларини шу қадар ночор, шу қадар қашшок тасвирлайдики, Туробжоннинг бошқоронғи хотинига икки дона анор топиб беролмаслиги мумкинлигига шубҳа қилмайсан, киши.

Муҳтожлик Туробжонни ҳомиладор аёлига "Ажаб қилдим, жигарларинг эзилиб кетсин!" дейиш даражасигача олиб борди. Бу жумла бошқоронғи аёлига анор топиб беролмаётган, не-не қийинчилик билан асал топиб келганда хотини уни рад этган, йиртилган яктагу, тўкилган жўхорига юраги ачиган Туробжоннинг аламини енгиллаштириши мумкин бўлган охирига нажоти эди.

Адиб ўз ёғига ўзи қоврилаётган Туробжоннинг кўкка, ундаги қизғиш ўтга термулиб: "Мушак, Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози бешик тўйи

қилган", дейиши ва отилаётган мушакларнинг баҳоси, сонини хомчўт қила бошлаши лавҳаларини ёзади. Шу топда туғилмаган норасидасига Муллажон қозининг тантанасига сабабчи бўлаётган гўдакни солиштираётган, боласининг қисмати ҳақида қайғураётган ота сиймоси моҳирона яратилади.

Асардаги бошқоронғи аёл образи ҳам юксак маҳорат билан тасвирланган. Абдулла Қаҳҳор ҳикояни ёзишидан бир неча йиллар олдин ён дафтарида бошқоронғи аёл ҳақида шундай ёзиб қўйган: "Эр хотинига жаннатнинг таърифини қилади. Хотиннинг кўзига ҳавзикавсар ва унда сузиб юрган балиқдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Хотин балиққа бошқоронғи". Адибнинг бу қайдлари Туробжон Муллажон қози ва унинг боғи ҳақида гапираётган пайтидаги хотиннинг ҳолатига жудаям ўхшайди: "У Муллажон қозининг боғини кўрган эмас, аммо таърифини эшитган... боғ эмас анорзор".

Бошқоронғи хотиннинг ҳолатини фақатгина бошқоронғи хотин тушуниши мумкинлиги ҳақида ёзувчининг ўзи айтиб ўтган. Лекин асарни ўқиш давомида ўқувчи ҳам бу ҳолатни тушуна бошлайди. Муаллиф шундай ёзади: "Оламда унинг суянгани эри, бирдан бир орзуси - анор эди". Кўриб турганингиздек аёлнинг оламдаги бор буди эри ва анор орзуси бўлиб қолган. Бу тушунчалар тарозининг икки палласига тенг муносабатда қўйилмоқда. Демакки, аёл бошқоронғи бўларкан, у ўзи истаган нарсани оламдаги барча нарсалардан устун қўйиши мумкинлигига ўқувчи шубҳа қилмайди.

Аёл анор кўйида шу даражада ёняптики, фиғони фалакка чиққан эрининг даҳшатидан ҳам чўчимай қолган. У эрининг "Ўтган бозор куни еган анорингни ўйнашинг олиб келганмиди?!" деган саволига ўйлаб ўтирмай "Ўйнашим олиб келган эди!" дея жавоб қилади.

Аёлдаги ҳолатни янада чуқурроқ англаш учун мана бу диалогни таҳлил қилайлик:

"-Ҳар нарсага рўзғор аччиқ бўла берса... қийинроқ бўлар,-деди Туробжон яктагини кияётиб,-камбағалчилик...

-Камбағалчилик ўлсин!" Ҳа, хотин бу сўзларни шикоят тарзида айтди. Атиги шу икки сўзнинг замирига тунларини кунга, кунларини тунга улаб эрининг анор олиб келишини интизорлик билан кутаётган, қалби ҳасратга тўла аёлнинг бор дарди яширинган. Шу икки сўз замирида ўша давр камбағалларининг аянчли қисмати, асарнинг бор мазмуни гавдаланган.

Асар бошланишидаги бир-икки чизги билан адиб китобхонда эр- хотиннинг бир-бирига нақадар меҳр-муҳаббатли эканликларига шубҳа қолдирмайди. Бундай кишилар камбағалчилик, ночорликнинг ҳар қандай синовига биргаликда сабр қилиши, бир-бирларининг кўнглини авайлашлари аниқ. Шунга кўра, ҳикояда анор Туробжоннинг меҳр-муҳаббатини синовдан ўтказиш учун аёл ўйлаб топган шунчаки инжиқлик эмас, балки қаҳрамоннинг ихтиёридан ташқари табиий зарурат сифатида асосланади. Шу билан бирга, "Анор" ҳикоясида бор йўғи иккитагина инсон образини маҳорат билан яратиш орқали маиший ҳаётнинг бир парчасини жонлантираркан, ёзувчи катта ижтимоий умумлашмалар чиқаришга эришади.

«АСРОР БОБО» ҲИКОЯСИДА КОМПОЗИЦИЯ

Камолат Муллажонова, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор XX аср ўзбек адабиётининг етук намоёндаларидан биридир. Унинг ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, ўзида бир олам маъно ифодалайдиган ҳикоя ва қиссалари ҳар бир китобхонга маълум ва машҳур. Адиб асарларининг композицияси жуда мукамал ишланган.

«Асрор бобо» ҳикоясининг композицияси ҳақида гап кетар экан, аввало бош қаҳрамонларга характеристика беришдан бошлаш керак.

Асрор бобо - юксак меҳр-муҳаббатнинг ёрқин ифодаси. У асарнинг бош ғоясини, яъни меҳр-муҳаббатни ифодалаш учун асосий восита. Шу билан бирга сирни қалбининг тубида сақлай оладиган ва қалбидаги меҳр-муҳаббати чексиз бўлса-да, уни яқинларига изҳор этмайдиган, камтар инсон образи. Унинг меҳр-муҳаббати ҳаракатларидан кўриниб туради. Адиб ҳам бу образни жуда мақтаб ёзгиси келиб, лекин унга бўлган меҳрини яширгандай, шундай бўлса ҳам, унинг образини яхши инсон қилиб яратиб қўйгандай.

Асрор бобо атрофидаги образлар - кампир ва Ҳайдар ота образи. Кампир - ўғлини, оиласини жуда севадиган, уларни соғинадиган, ўғлидан келиши мумкин бўлган хатларни орзиқиб, зориқиб кутадиган, турмуш ўртоғини асраб-авайлайдиган, меҳр-муҳаббати тўлиб-тошган ҳақиқий ўзбек аёли тимсоли. Урушдаги ўғлидан келган қорахатдан кампир ҳам хабардор бўлади. Бу ҳақда Ҳайдар отага оғиз очади. Лекин бундан Асрор бобонинг хабар топишини истамайди. Минг афсуски, Асрор бобо бу сирдан хабардор. У ҳам кампирдан бу сирни яшириб юрибди. Демак, юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, кампир ҳам Асрор бобо каби меҳр-муҳаббатнинг мукамал ифодаси.

Ҳайдар ота Асрор бобонинг ўтмишидан хабардор, унга қадрдон ва шу билан бирга Асрор бобо ва кампир ўртасидаги тарози. У ҳар икки тарафга ҳам бир хил тош босади. Акс ҳолда биладик, улар бир-бирининг сиридан воқиф бўлса, ғамлари янада ортади. Ҳайдар ота образига юкланган вазифани адибнинг ўзи бажариши ҳам мумкин эди. Лекин бунда адиб ўз ижодий ниятини тўлиқ акс эттира олмасди. Яъни асар ҳозиргичалик жонли, таъсирли бўлмас эди.

Асарда композицияни ташкил этувчи воситаларидан бири киритма эпизод ҳам мавжуд бўлиб, бу Содиқжон айтиб берган ҳикоядан иборат. Ушбу ҳикояда оиласидан узоқда, бунинг устига урушда бўлган бир аскарнинг қанчалар оиласини соғиниши, уларга бўлган меҳр-муҳаббати жуда таъсирли ифодаланган. Аскар оиласидан айрилишига сабаб бўлган ўша манфур душманларга ҳам ўзининг бошига тушган қора кунларни раво кўрмайди. Бунинг учун керак бўлса жонини ҳам аямайди.

«Асрор бобо». Ҳикоянинг номи нега айнан шундай? Ушбу ном бежиз қўйилмагандай. Чунки, асрор - сир ва шу билан бирга Асрор бобо сир сақлаш орқали кампирга бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этади. Шундан келиб чиқиб асарни «Асрор бобо» деб ном олган дейиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, асар бош ғоясининг ифодаси сарлавҳасидаёқ акс этган. Бу адибнинг нақадар истеъдод эгаси эканлигини англатади.

«АЙБ КИМДА» ҲИКОЯСИДА АЙБ КИМДА?

Сарвар Раҳимов, АДУ II босқич талабаси

Бизга маълумки, барча сўз санъаткорлари ўзларининг асарларида кишилар орасида ёки жамиятда юз бераётган воқеалар хусусида фикр юритади, ўзининг бадиий ҳукмини ифодалайди. “Айб кимда” ҳикоясида ҳам кишилар ўртасида учраб турувчи айрим камчиликлар кўзда тутилган, бадиий образлар асосида мулоҳаза этилган.

Асарнинг бош қахрамони Ҳамроев бола тарбияси билан жиддий шуғулланиш кераклиги ҳақида куюниб гапиради, айрим мулоҳазаларини ён дафтарига ёзиб ҳам кўяди. Унинг фикрича, бола бебош бўлиб кетаётганлиги учун асосий айбдор - мактаб. Шунинг учун ота-оналар мажлисига “бир тайёрланиб бормоқчи ва бола тарбиялашни билмаган ёки ишга совуқ қараган ўқитувчиларни уялтирмоқчи” бўлади. Бу каби воқеаларни ҳаётимизда кўплаб учратишимиз мумкин. Чунончи, баъзи кишилар болани ундай тарбиялаш керак, бундай тарбиялаш керак, деган ҳикматомуз «сафсата»ларни айтади. Бола тарбиясидаги оқсоқликларни эса мактабга ағдаришади. Лекин бу оқсоқликларнинг айбдори ким эканлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаб ўтирмайдилар ҳам. Бола тарбиясидаги камчиликларнинг асл айбдори ким эканлиги ушбу ҳикояда ғоят усталик билан кўрсатиб берилган. Қизиғи шундаки, асарни дастлаб ўқиган чоғингизда Ҳамроев хусусида бошқача фикрга борасиз, асар сўнгига келганингизда эса бу фикрингиз бутунлай ўзгариб кетади. Адиб аввалига “Бола тарбиясидаги камчиликларнинг айбдори ким?” деган саволни ўртага кўяди ва моҳирлик билан жавобини ҳам кўрсатади.

Онанинг шикоятча, бола тарбияси бузилиб бормоқда, “ая” дейиш ўрнига “Турандот” деб чақираётган эмиш. Бунинг айбдори ким? Мактабми? “Ишга масъулиятсизлик” билан қараётган ўқитувчиларми? Аслида айбдор Ҳамроевнинг ўзи. Ахир бир йил бурун “Турандот” лақабини ўзи кўйган эди-ку? Яна бир ўринда Ҳамдамнинг ёлғон гапиргани учун уни уриша туриб “Ким ўргатди? Сенга ёлғон гапиришни? Қайси домланг?» деб яна барча айбни ўқитувчига юклайди. Адиб эса Ҳамдамга ёлғон гапиришни ким ўргатганини асар сўнгида кўрсатиб беради. Ота-оналар мажлисига бориш хусусида можаро қилиб ўтирган ота-онасига Ҳамдам эътироз билдиради. Шунда Ҳамроев; “Кап-катта бўлиб шунга ҳам важ тополмайсанми? Дадам ишдан кеч келди, ойим бетоб ётибди, дегин», - дейди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, гўёки Ҳамроев тарбияга ўта масъул одамдек таассурот қолдиради, бироқ асар сўнгида маълум бўладигани, айбдор унинг ўзи экан. Унинг оиладаги позицияси, оиланинг ички муҳити эса қоларли деталлар билан тасвирланади. Уйда болалар тўс-тўполон кўтариб “бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаёттибди”. Ҳамдам увадаси чиққан ёстиқни “курсига кўйиб устига ўтирди”. Бу каби деталлар бола тарбиясига ота-онанинг бефарқлигини кўрсатади. Абдулла Қаҳҳор ушбу ҳикоясида «Айб кимда?» саволини кўйди ва болалар тарбияси билан боғлиқ бу саволга ўз асари орқали жавоб берди.

«ДАҲШАТ» ҲИКОЯСИДА КОНФЛИКТ

Азиза Эргашева, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси кескин конфликт асосига қурилган, шунинг учун асар сюжети қизиқарли. Ҳикоядаги Унсин ва додхо зиддияти сюжетни ҳаракатга келтиради. Ёшгина келинчак учун қабристонга бориб чой қайнатиб келишдан кўра қўрқинчлироқ, даҳшатлироқ иш бўлиши мумкинми? Бироқ ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқини қўлга киритиш илинжида Унсин бу шартни бажонидил қабул қилади. Демак, бу вазиятда унда эркинликка интилиш ҳисси қўрқувдан устунроқ эди. Унсин қабристонга кириб борганда ҳислар алмашади, яъни қўрқув устун келади. Энди ички зиддият кучайиб, Унсиннинг «ички олами кураш майдонига айланади». (Л. Толстой) Эркинлик сари дадил интилаётган бир вақтда қабристонни кўриб тўхтаган Унсинда ички зиддият бошланади. Энди асар қаҳрамони иккига ажралади. Бирида озодликка интилиш устун бўлса, иккинчисида қўрқув кучли. Унсин «Ўликнинг жони йўқ», «Кўпи кетиб ози қолди» деб такрорлаётган бўлса-да, бу сўзларга ўзи ҳам ишонмасди. Тўғрироғи, додхо билан зиддиятга киришган пайтда қатъиятли бўлган Унсин ишонса ҳам, қабристонни кўриб оқорқага чекинган Унсин ишонмасди. Қатъиятли Унсин ўша сўзларни дуодай такрорлаб қўрқувни йўлатмаса, иккинчи Унсин оёғи қабрга тушиб кетганда, «Ўликнинг қорнимикан» деб юраги орзиқиб кетади.

Асардаги характерлар қарама-қаршиликдан фарқ қилган ҳолда, ички зиддиятда изчиллик бўлмайди. Унсин додхонинг маймуни елкасидан тушгандан сўнг шу атрофда одам борлигидан таскин топади. Энди у қатъиятли ёки кўқувдан ўзини йўқотган Унсин эмас, атрофдан таскин излаётган Унсин. Ҳикояда Унсиннинг додхо билан ёки ўз-ўзи билан зиддиятидан ташқари Нодирмоҳбегим ва додхо зиддияти ҳам бор. Нодирмоҳбегимдаги қаршилик Унсиндагига нисбатан заифроқ эди. У Унсиннинг кураши таъсирида ўзидаги қўрқувни енгди. Бу хулосани муаллиф бир оғиз жумла билан ифодалайди: «Нодирмоҳбегим яна калтакланишдан қўрқмай Ганжиравонга одам юборди». Шунинг учун ҳам Унсиннинг ўлими эмас, Нодирмоҳбегимнинг додхо уйини ташлаб чиқиб кетишига ҳикоянинг ечими, якуни сифатида қараш керак.

ҲАЁТГА МУҲАББАТ

Нилуфар Мамасиддиқова, АДУ II босқич магистранти

«Минг бир жон» қайта-қайта ўқиганинг сари қалбингда зўр ҳаяжон кўзғайдиган, кучингга куч қўшадиган, инсонга ҳурматингни оширадиган ҳикоя. Бу ҳикояни ўлимларни енга оладиган инсон қудратига, иродасига мадҳия, дейиш мумкин. Бу ҳикояни ёзишда Абдулла Қаҳҳорга ҳаётининг факт туртки берган ва у оддий фактни жуда катта бадиий умумлашма даражасига кўтарган. Ҳикоя қаҳрамони Мастура ўн йилдан бери оғир касал. Саккиз ойдан бери касалхонада ётади, томоғидан овқат ўтмайди, овқатни қорнига қуйишади, бунинг устига қорнида тез-тез сув тўпланади. Мастуранинг аҳволи шунчаликки, уни кўрган унча-мунча соғлар қўрқувдан қотиб қолиши мумкин. Мастура ўн йиллик азобни енгади, оғир операциядан омон чиқади ва соғайиб кетади. Унга ўн йиллик бардош ва ирода берган, ўлимнинг юзига писанд қилмай тик қарашга қувват берган куч нима? Бу куч, биринчидан, одамларнинг меҳри, вафоси, оқибати. Ақромжон ўн йил давомида хаста хотинининг ёнидан бир қадам ҳам жилмайди, ўн йил давомида одамлар

Мастурани ёлғиз қолдирмайди. Иккинчидан, Мастуранинг яшаш истаги, ҳаётга муҳаббати уни яна ҳаётга қайтаради. У ўлимдан кўркмайди, уни менсимасликка интилади. «мен ҳеч қачон ўлим кутган эмасман, кутмайман ҳам!» дейди у. Мана шу ишонч, яшашга бўлган иштиёқи туфайли у тирик мурдадай оғир ётганига қарамай, ҳазиллашади, кулади, аския қилади.

«Бемор»даги Сотиболдининг хотинини эсланг, уни Мастурага таққосланг. Бири - тилсиз, нотавон қурбон, иккинчиси - ўлимларни енгадиган минг бир жон эгаси. Бири тақдирга тан берган, иккинчиси тақдирни ўзи истаган томонга бура оладиган, ўз ҳаётининг хўжайини бўлган инсон. Шу икки қаҳрамон мисолида ўзбек аёлининг кейинги даврда нечоғлик юксакликка кўтарилгани ёрқин кўринади.

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯДА СЮЖЕТ ВА ХАРАКТЕР

Эркиной Қўлдошева, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг айрим ҳикоялари персонажлари ўзларининг бирор хатти-ҳаракати, қилиқлари ёки гап-сўзлари орқали ҳажв остига олинади.

Ёзувчи баъзи қаҳрамонларнинг кулгили томонларини очиб беришда ҳикоя сюжетида, воқеалар ривожига кўпроқ эътибор берса, баъзан эса бунинг аксини кузатамиз - сюжет иккинчи даражали унсурга айланади. Адибнинг «Бошсиз одам» ҳикоясида Фахриддин образи кулгу остига олинган. Ёзувчи уни шундай гўл, ландавур, фаросатсиз қилиб тасвирлаганки, беихтиёр унинг хатти-ҳаракатларидан, гап-сўзларидан куласиз. Фахриддин бемор хотинини кўргани борган саҳнани эслайлик. Хотини Меҳрининг «Кундан-кун баттар бўлган эдим, олиб ташлашди...» деган гапларини эшитиб Фахриддин отаси ўргатган «Хайрият» сўзини ишлатади. Ҳикоянинг худди шу ерини ўқиганимизда ёшлигимизда эшитган латифалар ёдимизга тушади. Бу эса Абдулла Қаҳҳорнинг халқ оғзаки ижодиётидан унумли фойдалана олиш қобилиятини яна бир бор намоиш этади. Ҳикоянинг давомида хотинининг «кўрдим, боши йўқ» деган хабарига нисбатан Фахриддин ўз хайрат ва ҳаяжонини ифода қилиб «оғзини ва кўзларини катта очади» ва «боланинг ҳам боши бўлмайдами,» дейиш баробарида бизга юқоридан таниш бўлган «дадамдан сўрайчи...» иборасини ишлатади. Шунча пайтдан бери Фахриддинга нисбатан биздаги озгина жилмайиш шу ерга етганда қаҳқаҳага айланади.

Адибнинг «Санъаткор», «Адабиёт муаллими», «Ўжар» ҳикояларида эса қоладиган арзирли воқеалар содир бўлмайди. Лекин уларни ўқиб бир олам маъно топгандек бўламиз. «Адабиёт муаллими»да Боқижон Бақоев, «Санъаткор»да санъаткор ўзларининг фикрлари, қарашлари, гап-сўзлари орқали фош бўладилар. Ёзувчи кулги воситасида жамиятдаги шундай кишиларни қоралайди ва бадий умумлашмага эришади. Ёки «Ўжар» ҳикоясини кузатсак, асар сюжети, асосан, Қутбиддинов ва Заргаров ўртасидаги суҳбатдан иборат. Суҳбат давомида Қутбиддиновнинг ўғли Суяр кириб келади. Заргаров уни кўриб «Хў, баракалла, мулла Суяр! Отасини суярми, онасини суярми-а? Иккаласини суярми?» дейиш баробарида Суярни ёш бола ҳисоблаб, гўё уни эркалатмоқчи, Суяр исмидан сўз ўйини қилиб, ўзининг билимдонлигини ҳам намоиш қилмоқчи. Лекин ўша ёш бола асар охирида иккала «билимдон»ни хижолатли аҳволга тушириб қўяди. «Шу ерда

ҳикоя ҳам тамом, - деб ёзади муаллиф, - унинг мантиқий давоми ғалаба қозонган Суярнинг бу икки танқидчидан ўч олиши бўлар эди. Суяр буни лозим топмади». Чунки Суяр улардан фарқли равишда, бировлар устидан кулишни, билган нарсаси билан мақтаниб бошқаларни камситишни ўзига одат қилмаган эди. Шу хулқи билан бола иккала «билимдон»дан анча баланд туради. Асарни шундай яқунлашдан ёзувчининг мақсади Суярнинг ўрнатилган бўларли характери очиқ беришдан иборат эди. Моҳир ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳордан бошқа ёзувчи сюжетни шундай тугаллаш орқали характерларни яққол кўрсатиб беришнинг уйдасидан чиқолмасди. Бундай маҳорат, менимча, Абдулла Қаҳҳоргагина хосдир.

«КЎР КЎЗНИНГ ОЧИЛИШИ» ҲИКОЯСИДА СЮЖЕТ

Ирода Зайнобиддинова, АДУ II босқич магистранти

Абдулла Қаҳҳор, одатда, ҳикоянинг бошланишида экспозиция беришга интилмайди, асар давомида ҳам қаҳрамонлар ва воқеа-ҳодисалар содир бўладиган жой ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилмайди. «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикоясида худди шунга ўхшаш ҳолни кузатамиз. Бу ҳикоя ҳам адибнинг аксарият асарларидаги каби кескин бир вазият ҳақидаги хабар билан бошланади: «Шундай қилиб Аҳмад полвон сўйиладиган бўлди». Ушбу хабар ҳикоя сюжетининг тугуни бўлиб, китобхоннинг асар воқеаларига қизиқишини орттиради.

Тўғридан-тўғри таъкидламаса-да, ёзувчи ҳикоя қаҳрамонларини иккига ажратади: 1. Қўрбоши, бой, табиб. 2. Аҳмад полвон, қўрбошининг тўдасига адашиб кириб қолган йигитлар. Муаллиф биринчи гуруҳдаги персонажларга бўлган салбий муносабатини очиқ-ошкора ифодалайди. Масалан, уларга «бир кўзли, бадбуруш қўрбоши», «бой ҳам юраксиз, эгасининг орқасига ўтибгина хурадиган лайчадай», «қўрбошининг ўнг ёнида ўзини вазир тутиб ўтирган табиб», деб таъриф беради. Ёзувчи қўрбошининг йигитларига муносабатини олдиндан очиқ ифодаламайди. Бу нарса кейинроқ, Аҳмад полвоннинг асл мақади ошкор қилингандан сўнг маълум бўлади. Аҳмад полвон тилидан айтилган гаплар орқали ҳам муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга бўлган нуқтаи назарини англаш мумкин бўлади.

Асар сюжети Аҳмад полвоннинг асл ниятига боғлиқ равишда иккиёклама маънога эга. Аҳмад полвон қўрбоши ва унинг гумашталари олдида адашган йигитларнинг кўзини очадиган гапларни айта олмайди. Шунинг учун асл мақсадини ниқоблаш йўлини тутади. Аммо Аҳмад полвон қўрбошини беғараз ёрдам бермоқчи эканлигига ишонтириш жуда қийинлигини ҳам билади. Шунинг учун ҳам у ўз бармоғини кесишларини сўрайди, бу билан нияти холислигига атрофдагиларни ишонтира олади. Аҳмад полвон қўрбошининг кўзини очиш учун қилган барча тайёргарлик ишлари шунчаки хўжақўрсин учун қилингани асар

охирида маълум бўлади. Ҳикояни биринчи марта ўқиётган китобхон ҳам асар қаҳрамонлари каби Аҳмад полвонга ишонади. Лекин шунча тайёргарлик ишлари, кўр кўзни очиш учун малҳам тайёрлаш усуллари Аҳмад полвон бирдангина ўйлаб топиши қийин, албатта. Ҳикоянинг бошланишида шундай жумла бор: «Уч кунлик азоб ичида ҳолдан тойган Аҳмад полвон оёқлари чалишиб, чалқанча йиқилди». Демак, ўлими муқаррарлигини билган Аҳмад полвон шу ўтган уч кун ичида кўрбошини ўлдириш, йигитларнинг кўзини очиш йўлини барча тафсилотлари билан ўйлаб, хаёлан майда-чуйдаларигача режалаштириб қўйган. Бундан «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикояси Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа ҳикоялари каби ҳар бир сўз ва детал ўз ўрнида қўлланган, ҳар жиҳатдан мукамал асар эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

«БЕК» ҲИКОЯСИДА КОМИК ХАРАКТЕР

Даврон Умрзоқов, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек ҳикоячилигига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Адиб бу мўъжаз жанрдан фойдалана олиши, шу билан бирга, серқирра ижодкор эканлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирди.

Ёзувчининг бу борада ўзига хос услуб соҳиби эканлигини биргина “Бек” ҳикояси таҳлилида ҳам кўришимиз мумкин. “Бек” ҳикояси 1940 йилда яратилган бўлиб, унда ўша давр кишиларининг ҳаёти ҳамда шўро ҳукумати сиёсатига ишонувчилар руҳияти ҳаётининг деталлар асосида очиб берилган. Ижодкорнинг бу ҳикояси ҳажвий характерда ёзилган бўлиб, комик вазиятни ўзига хос услубий бўёқлар асосида тасвирлайди. Ҳикоядаги бош қаҳрамон Бек ўз замонасидан 20 йил орқада қолиб кетган ва даврнинг янги шароитига, муҳитига кўника олмайдиган, эски тузумга мослашиб қолиб ундан воз кечмаётган, янги муҳитни тан олмайдиган комик характердаги қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Ҳикоянинг бошидаёқ Бекнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши ва гап-сўзлари китобхонни ўйлашга, фикрлашга, мушоҳада юритишга мажбур қилади. Чунки Бекнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, ўзини мағрур тутиб юрадиган, атрофидаги одамлардан салобатлироқ, фидойи, хурфикр инсон кифоасида тасвирланади. Унинг таҳририятга олиб келган мақоласи танқидий руҳда ёзилган бўлиб, ундаги фикрларни маълум бир қилишга солишнинг иложи йўқ эди. Мухаррир қанчалик Бекка тушунтирмасин, унга ҳеч қандай таъсир ўтказолмайди. Бек эса ўз билганидан қолмас, ғурури осмонда эди. Шу билан ижодкор ўша даврда эски муҳит шароитидан чиқиб кетолмаган инсонларни биргина Бек тимсолида очиб берган.

Бек инженер Йўлдашевани “клуб ҳовлисида чўчка боқмасин” деган гапни чорвачиликка қарши чиқяпти, шунингдек, унинг эри Раҳимов бир вақтлар Чекага тушган деб ёзади. Бундан кўришимиз мумкинки, Бек йўқ жойдан айб қидирадиган, йўқдан бор қилишга уринадиган, ўзини буюк нотик сифатида санайдиган инсон кифоасида берилади.

Адиб “Бошсиз одам”, “Қизлар” ва “Майиз емаган хотин” ҳикояларида ҳажвий характер яратишда асосан, қаҳрамоннинг портрети ва нутқиға эътибор қаратади. “Бек” ҳикоясида қаҳрамоннинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракати тасвири орқали кулги туғдиради.

Бек қаерда йиғилиш бўлса, албатта атайлаб кеч боради ва тантанали равишда биринчи қаторга ўтиради. Албатта кимнингдир гапига қарши фикр билдиради, агар сўз беришмаса гудранади. Бек сўзга чиққудай бўлса, албатта қайсидир аёлга қўл ўқталиб, уни қаттиқ танқид қилади. У “Аёллар қанчалик ўқимасин савод чиқаришдан нарига ўта олмайди”, дейди.

Бек йиғилишларда сўзга аёл киши чиққудай бўлса, аёлларнинг гапига лутма ташлаб, уларнинг исмини калака қилиб гапиради. Шунда ҳамма кулади. Аслида унинг қизиқчилик қилаётганидан эмас, балки унга ачинганидан, ахволдан, Бекнинг устидан кулишади. Демак, Бек ўзининг хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг кулгисига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Бек» ҳикоясида А.Қаҳҳор эса қоларли комик характер яратиб, айрим кишиларда учраб турадиган нуқсонлар устидан кулади ва бундай камчиликлардан халос бўлишга ундайди.

«МАҲАЛЛА» ҲИКОЯСИ ҲАҚИДА

Ҳилола Тошпўлатова, АДҲ III босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор асарларини ўрганиш ўзбекнинг кўнглини яхшироқ билиш имконини беради. Чунки унинг асарларида инсон характери ва руҳиятининг барча қирралари халқона оҳангда очиб берилган. Адиб энг баланд, энг ноёб, энг қиммат меҳр туйғуси ҳақида образлар тили орқали кўнглидаги кечинмаларини ифодалайди. Жумладан, унинг «Маҳалла» ҳикояси юқоридаги фикримизнинг далилидир. Муаллиф ўзи кўзлаган ғоявий-бадий ниятини миллий руҳда Ҳикмат бува образи орқали ифодалаб берган. Ҳикмат бува сабрли, ҳақиқатпарвар, серғайрат фозил инсон сифатида тасвирланган. У хотинининг вафоти туфайли руҳан изтиробда турган бир пайтда шифокорни учратади. Чолга кимдир тасалли бериши керак эди, албатта. Маҳалла-кўй, қавму қариндош барчаси унга далда берди. Аламзада бўлган Ҳикмат буванинг эзилганини кўрган шифокор ёрдам бўлармикан деб, аввал самовар, кейин эса маҳалла тўй-хашамлари учун керак бўладиган барча рўзғор буюмларни ташкиллаштириши кераклигини ундан сўраган. Бундан нафақат Ҳикмат бува, балки чолнинг ахволини кўрган маҳалла-кўй ҳам жуда хурсанд бўлди. Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ёзувчи шифокор ўрнига бошқа образ киритса ҳам бўларди. Айнан ўша пайтда шифокордан бошқаси чолга ёрдам беролмасди. Боиси, шифокор барча инсоний фазилатларни ўзида жамлаган шахс.

Ҳозирги кунда ҳам маҳалла жуда улуғланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Маҳаллани ободонлаштириш, маҳалла ишларини юритиш учун маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ва маҳалла посбонлари тайин этилди. Бу ишлар учун масъул шахслар шу маҳалла учун жавобгар бўлиб, у ерда бўлаётган барча ишларга бош қош бўлмоқда.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Маҳалла» ҳикоясида ўзбек миллатига хос бағрикенглик, меҳр-оқибат тушунчалари эса қоларли образларда акс эттирилган. Устоз ўғитларидан озикланган, ўз ижодида ўзбекларгагина хос бўлган фазилатларни ифодалаган Муҳаммад Юсуф бир шеърда шундай ёзган эди:

Қорачуғда порлаган ўша,

Иқболига чорлаган ўша,
Дунёни тор айлаган ўша
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Бу шеър гўё «Маҳалла» ҳикоясига эпиграф қилиб олинган тўртликнинг давомидай ўқилади. Бундай пурмаъно шеърларида шоир инсонларни яхшиликка чорлайди, эзгу фазилятларни тарғиб этади, энг ноёб, энг баланд, энг қиммат меҳр туйғуси ҳақида образли тил билан кўнглидаги кечинмаларни ифодалаб беради. Абдулла Қаҳҳор ҳам нафақат «Маҳалла» ҳикоясида, балки «Асрор бобо», «Минг бир жон», «Муҳаббат» каби асарларида ҳам қалб гавҳари бўлмиш меҳр-муҳаббатнинг кадр-қимматини, доимийлигини таъкидлаган.

«ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР» АСАРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулида Азимова, АДУ II
босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асари автобиографик қисса ҳисобланади. Бу қисса ўзига хос жанр хусусиятларига эга. Маълумки, қисса жанрида, одатда воқеалар бош қаҳрамон теварагида уюшиши керак бўлади. «Ўтмишдан эртаклар» қиссасида эса сюжет икки тармоқли: биринчисида бола, иккинчисида эса ота, яъни уста Абдуқаҳҳор билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Баъзан эса шундай воқеалар тасвирланадики, уларда бола ҳам, ота ҳам деярли иштирок этишмайди («Тешиктош») ёки улар сюжет воқеаларининг боришига таъсир ўтказишмайди («Хур қиз», «Дукчи Эшон кўланкаси»). «Тешиктош», «Хур қиз», «Дукчи Эшон кўланкаси» бобларида тасвирланган воқеалар асарда кўйилган муаммо билан боғлиқ, лекин бош қаҳрамон – бола ва уста Абдуқаҳҳор тақдири билан бевосита боғлиқ эмас.

Адабиётшунос олим Д. Куронов шундай ёзади: «катта эпик шакл бўлмиш роман дунё-ю даврни билиш мақсадига қаратилган бўлса, қисса марказида қаҳрамон характери, ҳикояда эса конкрет ҳаётий воқеа туради».¹ Шунга кўра, «қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ҳодисалар восита)» ҳисобланади. «Ўтмишдан эртаклар» муаллифи учун эса «қаҳрамон восита – дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси» бўлиб қолганлигини кузатиш мумкин. Асарда қиссага хос бўлмаган тарзда сюжетнинг тармоқланиши, асосий сюжетга боғлиқ бўлмаган воқеаларнинг олиб кирилиши кўйилган муаммони идрок этишда уста Абдуқаҳҳор оиласи тақдири бошқа қаҳрамонлар тақдири каби бир мисол сифатида тасвирланган, деган хулосага олиб келади. Шунинг учун ҳам «Ўтмишдан эртаклар»да дунё-ю даврни билиш бош мақсадга айланган, яъни ушбу асарда романга хос муаммо кўйилган, дейиш мумкин.

Агар «Ўтмишдан эртаклар»да романга хос муаммо кўйилган бўлса, у ҳолда асарда романик қаҳрамон хусусиятларига эга қаҳрамон борми, деган савол туғилиши, табиий. Албатта, бола романик қаҳрамон даражасига чиқа олмайди, чунки у асарда кўп ҳолларда пассив кузатувчи мавқеида туради. Уста Абдуқаҳҳор фаоллиги, йўл излаши билан асардаги бошқа қаҳрамонлардан фарқланадигандек

¹ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Т., 2004, 179-бет

туюлади. Бу бир қарашда шундай таассурот қолдиради. Аслида эса уста Абуқаҳҳорнинг ҳолати бошқа қаҳрамонларникидан унчалик фарқ қилмайди. Бирок хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Ёзувчи асарда «дунё-ю даврни англаш» мақсадни кўяр экан, бу мақсадни асардаги бирор қаҳрамон воситасида эмас, балки тўғридан-тўғри муаллиф образи орқали амалга оширади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: «Ўтмишдан эртақлар» оддийгина автобиографик асар эмас. Адиб асарда ўз олдига романга хос, яъни инқилоб арафасидаги воқелик тасвири орқали «дунё-ю даврни англаш» мақсадни кўйган эди. Асарнинг ростмана роман даражасига чиқмаганлиги эса - бошқа масала.

ПОРТРЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Гулнихол Ҳасанова, АДУ I босқич талабаси

«Ўтмишдан эртақлар» қиссасида тасвирланган даврга хос хусусиятлар персонажнинг ташқи кўринишида, характерида, гап-сўзлари, кийинишларида ўз ифодасини топган. Қаҳрамонлар портрети шундай маҳорат билан чизиб берилганки, улар ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдаланади. Асар воқеалари бола тилидан ҳикоя қилиб берилганлигидан, қаҳрамонлар портретини чизишда болаларга хос самимийлик, соддалик, беғаразлик сезилиб туради: «Йўлакда ўнг кўлини енгидан чиқариб олган Олим бувани кўриб танимадим. Мени ҳамиша болам-бўтам деб суядиган, ширинсўз, юзидан табассум аримайдиган чол қани, унинг ўрнида кўзлари қинидан чиқай деб турган, ранги соқолидан ҳам оппоқ, вужуди титраб, оппоқ соқоли силкинаётган даҳшатли бир одам турарди»

Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамонлар портретини турғун ҳолатда чизиш билан чекланмайди, уларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда, яъни ҳаракатдаги жонли чизгиларни ҳам кузатишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, асарда қаҳрамонлар портрети ўзаро қиёслаш орқали ҳам тасвирланган. Ҳикоячи - Абдулла Қаҳҳор дадасининг ташқи кўринишини, юз тузилишини аниқ тасвирламаган. Бирок амакисини тасвирлашда дадасига хос жиҳатларни ҳам келтириб ўтган.

«У киши дадамдай чўққисоқол бўлса ҳам, унга қараганда новчароқ, барваста бўлиб, кўрсаткич бармоғини дам-бадам бурнининг ёнидан юқорига суриб димоғини тортиб кўядиган одати бор эди»

Яна бир ўринда:

«Дадам индамади, лекин бир қоши баланд, бир қоши паст бўлди. Бу ниҳоятда дарғазаб бўлгани аломати эди».

Шу таърифларни умумлаштириб, боланинг дадаси - Абдуқаҳҳор ҳақидаги тасаввурга эга бўламиз. Унинг оғир-вазмин, сабр-бардошли, иродали матонатли инсон эканлигига асарни ўқиш давомида гувоҳ бўламиз.

Асар воқеалари оғир турмуш шароитида юз беради. Бу нарса қаҳрамонларнинг ҳолатида, яшаш тарзида, оилавий аҳволида ва ўзаро муносабатларида ўз аксини топади. Қаҳрамонлар характеридаги жиззакилик, сал

нарсдан хавфсираш, ишончсизлик, тажанглик каби хусусиятлар давр ҳолати билан бевосита боғлиқ.

«Бу ерда амакимнинг бетоб хотини ётган экан. Бетоб озиб чўп бўлиб кетган, чакчайиб турган кўзларидан одам кўрқар эди. Тери-ю суякдан иборат бўлиб қолган бемор кўзларини катта очди, оппоқ тилини зўрға чиқариб қонсиз лабларини ялаган бўлди, кўзларини юмди, киприклари яна ялтиради, унинг куйгани, фарёд чеккани, йиғлагани шу, бундан ортиққа мадори йўқ эди». Аёлнинг шундай аянчли аҳволга тушиб қолишига, албатта, касаллик ва муҳтожлик сабаб бўлган. Рўзғорни учма-уч тебратаётган амакисининг аёлини шифокор ёки табибга кўрсатишга имкони йўқ эди.

Асарда дин пешволари, масжид муаллимлари образлари кўп учрайди. Уларнинг ташқи кўринишлари, феъл атворлари алоҳида эътибор билан тасвирланган. Қуйидаги парчаларга эътибор қилганимизда бунга гувоҳ бўламиз.

«Бу одам жуда зўр, дуонинг кучи билан қулф очадиган азайимхон бўлиб, айтилган жойга бир зумда етиб боргани учун «Учар махсум» деб ном чиқарган экан»

«Оқ домла пешонаси, кўз қатлари бир чеккаси ва бутун бўйни оппоқ пес, бироқ нафасидан жинни шифо топадиган бўлгани учун халқ «пес домла» дегани оғзи бормай «оқ домла» дер экан»

«Бир куни ҳонақо эшигидан кирганимизда /аффоржон кўлини орқасига қилиб ҳовлида айланиб юрган чўққисоқол, пиёзи чакмон ва чакмоқ телпак кийган бир кишини кўриб тўхтади ва шивирлаб: Домла Абдувахоб ҳозир мени уради деди»

Юқорида берилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, Абдулла Қаҳҳор инсон портретини сўз билан содда, аниқ ва эсда қоларли усулда чизиш маҳоратига эга санъаткор бўлган.

«ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР» ҚИССАСИДА СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ

Дилафруз Ҳайитова, АДУ I босқич талабаси

Адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси унинг бошқа асарларидан фарқли равишда ўзига хос сюжет ва композицияга эга. Асарнинг «Бир-икки сўз» деб бошланувчи муқаддима қисмида Абдулла Қаҳҳор ўзини қийнаётган хотиралар, болалигида зехнига чўкиб қолган халқ ҳаёти ва бунинг натижасида юзага келган асарлар ҳақида тўхталиб ўтади. Бироқ бу асарлар «яхшигина» танқидга учраганлиги туфайли адиб энди яратажак асарларида «уйдирмачиликка берилмасдан, ўз кўзи билан кўрган-кечирганларини, ўтмиш ҳаёти лавҳаларини қаламга олажагини айтади. Шундай қилиб, адибнинг болалик йилларига бағишланган, ўтмиш ўзбек ҳаётдан қисқагина лавҳа сифатида «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси дунёга келади. Бу келтирилган маълумотлар асарда тасвирланажак воқеа-ҳодисага ўқувчи руҳиятини тайёрлаб, асар мазмун-моҳиятига ишора қилади ва асар композициясининг бир қисми, яъни прологи сифатида қабул қилинади.

Қисса бир-бирига мазмунан боғланган ҳикоялардан ташкил топган. Адиб бош қаҳрамон сифатида ҳикояларни ўз тилидан ҳикоя қилади. Асар маълум бир ҳудуднигина, маълум бир одамлар доирасинигина қамраб олмайди. Шунинг учун

ҳар бир ҳикоя ўз сюжет қурилишига эга. Воқеаларни ушбу таркибда тасвирланишига сабаб қаҳрамоннинг отаси темирчи бўлганлиги. Шунинг учун оила борган жойида «келгинди» сифатида яшашга мажбур. Шу боис бир жойдан бошқа бир жойга кўчганларида ўша жойнинг муҳити, шароити, одамлари ва уларнинг муносабатлари таништирилади. Шу асосда воқеалар ривожини бериб борилади.

Қисса таркибидаги ҳар бир ҳикоя ўз экспозицияси, тугуни, воқеалар ривожини, кульминацияси ва ечимига эга. Ҳар бир ҳикоя сюжети бир асосий воқеа атрофида айланиш, конфликт асосида воқеаларнинг ривожланиши ва ечимига томон шиддат билан интилиши концентрик характердаги сюжет типини берса, бу ҳикояларнинг барчаси биргаликда қаҳрамон ҳаётини даврий изчилликда, унинг характерини ривожланишда кўрсатиши билан хроникал сюжет типини беради. Асар воқеалари бирин-кетин, ҳаётда қандай тартибда рўй берган бўлса, шундай тартибда тадрижий усулда тасвир этилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қисса ҳикояларининг ҳар бирида концентриклик хусусиятлари етакчилик қилади. Бунда асардаги характерларaro конфликт сюжетни жадал суратларда ривожланиши ва ечимга томон интилишини таъминлайди. Шу ўринда бош қаҳрамон сифатида темирчи Абдуқаҳҳор кўз олдимизда гавдаланади. Чунки ҳикоя қилиб берувчи қаҳрамоннинг воқеаларга таъсири у даражада сезилмайди, кўп жойларда ҳолис кузатувчи вазифасини бажаради.

Шу боис конфликт марказида темирчи Абдуқаҳҳор туради: Валихон сўфи ва Абдуқаҳҳор, олим новвой ва Абдуқаҳҳор, Абдурахмон ва Абдуқаҳҳор, Вофуруш ва Абдуқаҳҳор, кампир, аёл ва Абдуқаҳҳор конфликтлари воқеаларни шиддат билан ривожлантиради ҳамда зиддиятларни муҳит таъсирида ечимга томон олиб боради. Шу жумладан, темирчи Абдуқаҳҳорнинг муҳит билан ҳосил қилган конфликтини ҳам асар сюжетининг кульминациясини вужудга келтирган. У дуолари ижобат бўлмай, боланинг жони узилганда ниҳоятда алам ўтганлигидан азиз-авлиёларни бўралаб сўкади, тоқчада турган Қуръони Каримни олиб, қулочкашлаб ирғитади. Бу ҳолатлар ўша даврдаги муҳитни ўзгартиришга қурби етмаган бир инсоннинг хатти-ҳаракатлари ифодаси бўлиб, унинг бутун фожеаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

«ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР» АСАРИДАГИ ЖОЙ НОМЛАРИ ҲАҚИДА

Абдуҳалим Эргашев, АДУ тадқиқотчиси

Даврлар ўтади, замонлар ўзгараверади, аммо туғилиб ўсган юртга, яшаб ўтган жойга нисбатан меҳру муҳаббат ўзгармас керак. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссасини ўқир эканмиз, унда ёзувчининг болалик йиллари Фарғона водийсининг қишлоқларида ўтганлиги ҳамда асарда кўплаб жой номлари келтирилганлигини кўрамиз. Асарда келтирилган жой номларини таҳлил қилган ҳолда ҳар бир номнинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи, юзага келиш қонуниятлари ва пайдо бўлиш, ясаиш мезонларига кўра қуйидагича таснифладик.

Топонимларнинг аталиш мотивига кўра турлари

Ушбу материалларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларни бир қатор апеллятив¹ ва атоқли отлардан таркиб топганлигини кўрамиз. Хусусан топоним компонентлардан бири апеллятив сифатида турдош лексема иштирок этади. Улар хилма-хил маъноларни ифодалаб келган луғавий бирликлардан иборатдир:

1. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи топонимлар катта миқдорни ташкил қилади. Кўпгина топонимлар ранг билдирувчи сўзлар асосида юзага келган. Асар таркибида ранг-тус билдирувчи топонимларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан: Оқ тепа, Оқ кўрғон, Қоратегин.

Манбаларда бундай топонимлар фақат ранг билдирувчи сифатлар асосида юзага келганлиги ҳақидагина эмас, балки уларнинг хусусият билдирувчи сўз эканлиги ҳақида маълумот берилади. Қадимги даврларда яшаган тукий халқлар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг Шарқни, оқ ранг /арбни, сариқ ранг Марказни билдирган.

2. Миқдор билдирувчи лексемалар иштирокидаги топонимлар. Масалан: Қирқкетмон.

3. Объект ўрни ва хусусиятини билдирувчи топонимлар. Масалан: Бозорбоши, Юлғунзор, Жарбулоқларни мисол қилишимиз мумкин.

Ундан ташқари асарда атоқли от апеллятивлар асосида шаклланган топонимлар ҳам мавжудки, уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин.

1. Антротопонимлардан¹ иборат ойконимлар.

Масалан: Бойбўта кўприк. Тўхли мерган

2. Антротопоним ва лақаб асосида шаклланган ойконим. Лақаблар тасодифан юзага келмайди. Одамлар муайян сабаблар туфайлигина бирор кишига лақаб кўядилар. Лақаб эгаси кейинчалик кўпчилик орасида шу ном билан танилади. Лақаб учун асос бўлган белги ёки хусусият йўқолган тақдирда ҳам лақаб сақланиб қолаверади ва натижада маълум вақт ўтгач, ўша кишининг номи жой номига ўтиб қолиши ҳам мумкин. Айти шу ҳолат лақабнинг топонимга айланиши қонуниятини келтириб чиқарган. Бунга оид мисолни асарда ҳам учратамиз.

Масалан: Тўхли мерган.

3. Антротопоним ва касб-ҳунар, машғулоти асосида шаклланган ойконим. Асарда келтирилган топонимлар ичида кишиларнинг касб-ҳунари, машғулоти асосида пайдо бўлган номлар ҳам бор. Бунда кишиларнинг машғулоти ва турмуш тарзи топонимларда ўз аксини топади.

Масалан: Тўхли мерган

Формантли номлар.

Тилшунослик нуқтаи назаридан олганимизда, таркибида ҳар хил грамматик элементларни сақлаган топонимларни формантли номлар дейилади. Асарда-ча, -ш, -ли,-зор формантлари иштирок этган жой номларни ҳам уратишимиз мумкин. Масалан: Найманча, Қудаш, /иштли мачит, Толлиқ, Юлғунзор каби.

¹ Апеллятив (лотинча «апеллативиум»)- турдош от, атоқли отнинг акси; тепа, кўрғон каби турли географик терминлар ватопонимлар таркибида учрайдиган бошқа сўзлар.

¹ Антропоним (юнонча антропос - одам) атоқли отнинг бир тури. Одамнинг исми, фамилияси, ота исми, тахаллуси. лақаби билан боʻлиқ номлар.

-ча маълумки, бу қўшимча отларда эркалаш ва кичрайтириш маъноларини ифодалайди. Келтирилган мисолда эса –ча қўшимчаси катта уруғ, қабилаларнинг бир бўлаги ёки шу уруғ вакиллари оғоз миқдорда истиқомат қилишини ҳисобга олиб уруғ номига қўшилган бўлиши мумкин.

-ш қўшимчаси. Баъзи илмий ишларда жамланган, кўплик маъносини ифодалайди деб талқин қилинган ва қадимий туркий йўш (тоғ ўрмони), йўғач // ағач (дарахт), огуш (уруғ, қабила) сўзларида мана шу маъно мавжуд деб ҳисобланади¹. Келтирилган мисолимизда ҳам кўплик маъносида ифодаланган.

-ли аффикиси ўзакдан англашилган маънога эгаликни билдириш билан бирга, ортиклик, катта ёки мўллик маънолари билан бирга –сиз аффикиси билан бўлишсизлик ҳосил қилмайди².

-лик қўшимчасининг лик, луқ, луғ каби вариантлари ҳам бор. Келтирилган Толлик сўзи эса тол билан қопланган, толлик деган маънода ҳамда толлик, тол билан лик тўла маъносида ёки тоғлик, тоғлик сўзларининг ўзгарган шакли бўлиши мумкин.

-зор қўшимчаси, ўрин-жой оти ясовчи қўшимча бўлиб, топонимга асос бўлган ном (дарахт, гул, юлғун) билан қопланган, банд ер маъносида ифодаланади.

Асардаги қўшма топонимлар.

Қўшма топонимлар таркиби бир хил туркумдаги ёки ҳар хил туркумдаги сўзларнинг бирикувидан иборатдир. Шу нуқтаи назардан «Ўтмишдан эртақлар» асарида учрайдиган қўшма ойконимлар компонентларининг материалига кўра турли-туман бўлиб, асарда ишлатилган топонимларни қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

От Қ от типдаги номлар.

Бу тип асосида ясалган топонимларнинг айримлари тузилишига кўра ҳеч қандай қўшимчасиз ҳолда бўлиши ёки бирор грамматик кўрсаткич билан шаклланган бўлиши мумкин. Бундай топонимлар таркибида грамматик белгининг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар синтактик жиҳатдан *қаратқич Қ қаралмиш* муносабатида бўлади:¹ Кўмир Қ бозор, Қипчоқ Қ ариқ, Тўхли Қ мерган, Афғон Қ боғ, Арғамчи Қ қишлоқ, Жар Қ булоқ, /ишт Қ кўприк, Бойта (Бойбўта) кўприк каби.

Сифат Қ от типдаги номлар.

Бу типдаги қўшма топонимлар объектнинг бирор белгиси ранг–туси, шакл-ҳажми, мазаси, хусусияти каби маъноларни ифодалаб келади. Қўшма топонимларнинг бу турида ҳам топонимлар таркибидаги компонентлар *аниқловчи Қ аниқланмиш* ҳолатида бўлади. Сифат Қ от типдаги топонимларни семантик томонидан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганса бўлади.

1. Ранг-тусни билдирган сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Оқ Қ тепа, Оқ Қ кўрғон, Қора Қ тегин.

¹ Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.Наука, 1988.-С.13-14.

² Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. Тошкент. «Фан».1975й, 273 бет.

¹ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. «Фан»Тошкент. 1985. 56-бет

2. Кўлам билдирувчи сифатлар билан ясалган кўшма географик номларни ясалишига масофа, шакл, ҳажм кабиларни ифодаловчи сифатлар иштирок этган топонимлар: Катта Қ Чорсу, Кўш Қ ариқ.

3. Хусусият, ҳолат, вақтга муносабатини билдирган сифатларга боғлиқ кўшма ўрин-жойни ифодаловчи топонимлар: Тешик Қ тош, Чилги Қ жийда сингари жой номларини учратишимиз мумкин.

Сон Қ от типдаги номлар.

Бу типдаги кўшма топонимларнинг компонентлари ҳам аниқловчи Қ аниқланмиш муносабатида бўлади. Аммо топоним-объект муносабати анча мураккабдир. Бу кўшма топонимлар таркибида кўпчилик ҳолатда объектнинг турини билдирувчи индикатор қўлланилмайди. Масалан: Қирқ Қ кетмон,

Форсий изофали топонимлар.

Изофий йўл билан ясалган топонимлар асосан икки компонентли. Уларнинг иккала қисми ҳам мустақил маъно бериб биринчи қисми аниқланмиш ёки қаралмиш, иккинчи қисми эса аниқловчи ё қаратқич вазифасида келиши мумкин¹: Ганжиравон-Ганж-и-равон-аниқланмиш-аниқловчи. Шохимардон-Шох-и-мардон - қаралмиш -қаратқич.

Ойкономик индикаторлар.

Бу типдаги индикаторлар (топонимларни ҳосил қилувчи маҳаллий атамалар) ўрин-жой ва макон маъносини ифодалайди. Буларга қишлоқ, маҳалла, қўрғон, тепа, кўприк, ариқ, боғ, бозор каби индикаторлар киради. Ойконимларни ясалишида ва шаклланишида, топонимик аниқлагичлар (топонимик индикатор) муҳим роль ўйнайди. Топонимик аниқлагич атоқли от эканига ишора қилади, уни аниқлаб туради, биз ушбу асарда қуйдагича топонимик аниқлагичларни учратамиз. Масалан:

- Қишлоқ: Ойкоиндикатори Арғамчи қишлоқ,
- Қўрғон: Ойкоиндикатори Оқ қўрғон,
- Тепа: Ойкоиндикатори Оқ тепа,
- Бозор: Ойкоиндикатори Кўмир бозор,
- Кўприк: Ойкоиндикатори Бойта кўприк, /ишт кўприк,
- Ариқ: Ойкоиндикатори Қўшарик, Қипчоқарик,
- Боғ: Ойкоиндикатори Афғонбоғ,

этноойконимлар

Асарда уруғ, қабила, миллат номлари асосида яратилган аҳоли манзилларининг атоқли отлари (этноойконим¹) ҳам ифодаланганлигини кўришимиз мумкин: Қипчок ариқ, Толлиқ, Найманча, Афғонбоғ, Қора тегин каби.

Хулоса қилиб оладиган бўлсак, Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам бунга ўхшаш жой номларига оид мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин.

«СИНЧАЛАК» ҚИССАСИДА ЭШОН ОБРАЗИ

Дилноза Собирова, АДУ III босқич талабаси

¹ О Бегимов. Форсий изофали топонимлар ҒҒ Хива. 1-сон. 1991й.Урганч. 13-бет

¹ Охунув Н. Топонимлар ва уларнинг номланиши.Тошкент «Фан» 1989 й.9-бет.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси кўпчилик томонидан ҳозирда ҳам севиб ўқиб келинмоқда. Биз қиссадаги Эшон образига эътиборни қаратамиз. Ёзувчи Эшоннинг чойхона зинасидан югуриб тушиб, чопқиллаб келиб қўл қовуштириб туриш ҳолатини, ёшига нисбатан ғайриҳаракатда бўлишини, юзини «сўриб ташланган ҳусайн узуми»га, бўйни «тошбақа бўйни»га ўхшашини тасвирлаб беради. Эшон образи орқали югурдак шахс тимсоли берилган бўлиб, буни биз асар бошидаёқ билиб оламиз: «Қаландаров мундайроқ меҳмон келса югурдагига «Эшон!» дер экан. Бу «иккита нон билан бир чойнак чой олиб кел» дегани, «ҳой Эшон» деса, ош буюргани, «Эшон, ҳой» дегани эса, «ҳовлига бориб хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман» дегани бўлар экан».

Муаллифга бу образни киритишнинг нима зарурати бор эди? Агар асардан бу образни олиб ташласак, нима бўлади? Асар композициясига аҳамияти борми ёки йўқ? «Синчалак»да Эшон «старший чойхоначи», раис югурдаги, кабобпаз ва ошпази, ашулачиси, қизиқчиси, улфати, ходими, агенти ва шу билан бирга бўлғуси қудаси.

Нега энди Қаландаров Эшонни ўзига қудаси қилмоқчи бўлди, Эшоннинг бошқа имкониятларидан фойдаланиш билан чекланмайди?

Биламизки, Қаландаров ўта кўрс, ўз билганидан ҳеч қолмайдиган, жиддий, ўзига ортиқча ишонган, айтганини албатта қилдирадиган раис. Раисда бир сабаб борки, Эшон билан муносабати яхши. Сабабни эса Козимбекнинг Саидага гапирган қуйидаги сўзларидан англаш мумкин:

«-Бунинг сири бошқада. Дадам чаласавод! Дадам шу айбини Эшон билан ёпади! Бундан ташқари, чаласавод киши ўзидан паст, нима деса «ҳикмат» деб турадиган одамлар билан улфатчилик қилишга мойилроқ бўлади-ку! Мана шунинг учун Эшон дадамнинг гўшти ва териси орасига кириб олган».

Юқорида Эшон характери кўриб чиқдик. Эшон аскарликдан қолиш учун бир ҳафта ичида бисотидаги 26 тишининг ҳаммасини суғуриб ташлагани унинг характери тушунишда кишини аниқ ҳукмга томон олиб беради. Эшон образи Қаландаровнинг характери тўлароқ очиб беришда керак ва муҳим бўлган персонаж эканини Қаландаровнинг Хуринисога айтган гапидан биламиз:

«-Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас деганлар! Ҳар нима қилсангиз қилинг, мени итингиз ёнига боғланг, лекин раҳбарлик қилманг! Тоқатим йўқ! Хотин киши раҳбарлик қилса калавамнинг учини йўқотиб қўяман!» Бу билан Қаландаров ўзининг эшондан фарқи борлигини таъкидламоқчи бўлади.

Абдулла Қаҳҳор қиссада турли образлар яратди. Улар орасида Тожихон ва унинг эри Ҳамидулла образи ҳам бор. Бир қарашда бу образларнинг асарга аҳамияти сезиларли эмасдай туюлади. Лекин ёзувчи айнан шу икки образ орқали Қаландаров ва Эшон образларини бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб беради. Яъни Эшон ва Ҳамидулла таққос этилади.

Қаҳҳорнинг шундай гапи бор «Сўзни миҳ қилиб қоқиб, шапкасини олиб қўйиш керак». Бизнингча, ёзувчи Эшон образини яратишда ҳам шу фразасига амал қилади.

«СИНЧАЛАК» ҚИССАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар қолдирган адабий мерос, асарлар йиллар давомида ўз кадр-қимматини сақлаб қолаверади. Булардан бири халқимизнинг севимли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бўлиб, у ўзининг ижодий фаолияти давомида кўплаб қимматли асарлар яратди. Адибнинг барча асарлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Булар ичида Абдулла Қаҳҳорнинг бизга маълум ва машҳур бўлган ўзига хос асари «Синчалақдир».

«Синчалақ» қиссасининг асосий қаҳрамонлари Арслонбек Қаландаров ва Саида Алиевадир. Асар конфликтни мана шу икки қаҳрамон ўртасидаги зиддият асосида юзага келади. Қиссанинг бошланишида райком секретари Носиров Қаландаров билан бўлиб ўтган бир можарони Саидага ҳикоя қилиб беради. Ундан маълум бўладики, Қаландаров автоинспекциянинг начальниги хотин киши бўлганлиги учун милиционерга илтимос қилади: «Жон ука, начальниikka рўпара қилиб эркак қаддимни букма, қанча штраф солсанг, ол». Саида хотин-қизларга мана шундай муносабатда бўладиган раҳбар билан ишлашига тўғри келади.

Қаландаровнинг хотин-қизларга муносабатини тушунишда аввало қуйидаги хислатларга эътибор бериш керак. Биринчидан, ҳар қандай асар қаҳрамони ҳақида фикр юритишда у мансуб бўлган халқ характериға эътибор қаратиш лозим, чунки истайсизми-йўқми асар қаҳрамони ўша замон руҳиятидан келиб чиқиб яшайди ва фикрлайди. Қаландаров ўзбек халқининг фарзанди. Шу сабабли ҳам у юқоридаги хусусиятлардан холи эмас. Иккинчидан Қаландаровнинг ёшлиги XX аср бошларига тўғри келди. Унинг дунёқарашида эскича ва янгича фикрлар қоришиб кетган. Қаландаров ўз ота-боболари каби аёлларнинг бирор жойда ишлаши ёки раҳбарлик қилишини у қадар маъқулламайди. Бу тушунча унинг қон-қонига сингиб кетган. Шунинг учун асар давомида Қаландаров хотинига «Агар хотин киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб кўяман», дейди. Саида Қаландаровнинг бу характериға қарши чиқиб, улар орасида келишмовчилик юз беради. Саида ижтимоий фаол шахс. У Қаландаров билан ўзини тенг кўриб муомала қилади. Муаллиф Саида характеридаги бу хусусиятни унинг оиласи ўтмишида, ота-онаси билан бўлган воқеалар билан асослайди.

Озод Шарафиддиновнинг хотираларида айтилишича, Абдулла Қаҳҳорнинг бу қиссани ёзишдан кўзлаган мақсади фақат Қаландаров билан Саида ўртасидаги олишувни кўрсатиш эмас, биринчи навбатда, ўзбек аёлининг тақдирини тасвирлаш эканини таъкидлаб ўтган.¹ Адиб ўз мақсадиға эришиш учун қиссада Саиданинг онаси, онаси, Тожихон, Умида, эшоннинг хотини, Кифоятхон, Мехри, Ҳуринисо, Ойниса каби образлар яратади ва улар орқали ўзбек аёлининг ҳаёти, тақдирини кўрсатиб беради.

«МУҲАББАТ» ҚИССАСИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шаҳноза Алиева, АДУ тадқиқотчиси

¹ Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёи, 1987, 308-бет.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор адабиётимиз осмонидаги энг ёрқин юлдузлардан эди. Бир умр халқига, юртига ҳалол хизмат қилган Абдулла Қаҳҳор ғоят ранг-баранг ва бадиий жиҳатдан пишиқ асарлар яратди. Ана шулардан бири «Муҳаббат» (1968) қиссасидир.

Қиссада мангу муҳаббат мавзуси қаламга олинган. Абдулла Қаҳҳор ҳаётимиздаги турли иллатлар: бойлик ортидан қувиш, одамийлик, муҳаббат, урф-одатларимиз, ёшлик мавзуларини асарга сингдириб юборган.

Қисса тиббиёт фанлари номзоди, таниқли шифокор Мурод Алининг оиласидаги кескин қарама-қаршиликларни тасвирлашдан бошланади. Мурод Али тириклигида осойишталик ҳукм сурган бу хонадон унинг вафотидан сўнг остин-устин бўлиб кетади. Ҳали Мурод Али вафот этмай туриб мерос можароси бошланади. Бунга сабаб унинг бойликка муккасидан кетган синглиси Марғубадир. Марғуба акаси тириклигидаёқ манфаатига мослаштирилган васиятнома ёздириб олади. Мурод Алининг вафотидан сўнг эса унинг ёлғиз ўғли Анварнинг бошига не-не кунларни солади. Ҳатто Анварни ўз отасининг уйдан ҳайдаб, ётоқхоналарда, бировларнинг уйда яшашга мажбур қилади.

Марғуба қандай қилиб бўлмасин акасидан қолган катта бойлик, ҳовли, машина, пуллари қимматбаҳо тақинчоқларга ўзи эгадор бўлишни хоҳлайди. Шунинг учун дастлаб Анварни ўзига бўйсундирмоқчи, сўнгра уни ўзи хоҳлаган қизга - ўғай қизи Муаттарга уйлантириб, «гилам сотсанг қўшинингга сот, бир четида ўтирасан» қабилида иш тутмоқчи бўлади.

Бироқ, инсон кўнгли нозик, унга буйруқ бериб бўлмайди. Бир оғиз ширин сўзга, таскинга муҳтож бўлиб турган Анвар Муҳайёни севиб қолади. Унинг шаъни учун, севгиси учун отасидан қолган меросдан ҳам воз кечади. Энг қийин дамларда ҳам Муҳайёнинг севгисига содиқ қолади. Ёзувчи Анварнинг Муҳайёга бўлган севгисини жуда усталик билан психологик жиҳатдан асослаб беради.

Асарда Анвар, Муҳайё, Муборакхоним, Ҳакимжон, Муаттар, Наимжон каби ижобий образлар билан бирга Марғуба, Жавлон каби салбий қаҳрамонлар характери ҳам қаҳҳорона маҳорат билан тасвирланган. Қиссада ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозониши, мангу муҳаббат ғалаба қилганини Анвар ва Муҳайёлар тақдири орқали кўришимиз мумкин. Абдулла Қаҳҳор қиссада яна бир нозик масала - турмушга чиқиб эридан ажрашган аёл уйланмаган йигитга эрга тегиши мумкинми-йўқ-ми, деган масалани ўзича талқин қилади. Турмуш қуриб бахтли бўлмаган, ҳатто бир ўлимдан қолган Муҳайё тақдири орқали китобхонга айтмоқчи бўлган фикрини ифодалайди, китобхонни ўйлашга, мулоҳаза қилишга, ҳаёт қувонч ва ташвишлардан иборат эканлигига ишонтиради.

Абдулла Қаҳҳорнинг барча асарларида бўлгани каби «Муҳаббат» қиссаси ҳам тил жиҳатидан мукамаллиги билан ажралиб туради. Зеро, асарларнинг тили устида кунт билан ишламай туриб қаҳрамонларнинг жонли характерини, персонажларнинг ички дунёсини, психологиясини ифодалаш қийин. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор «Муҳаббат» қиссасида тилнинг ҳаётийлигига интилади. Буни қиссанинг тили содда, раво, ниҳоятда гўзаллигидан ҳам билиш мумкин. Ёзувчи қиссада оригиналликка интилган. Асар образлилик, бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланиш, халқ мақоллари, шаклан ихчам, мазмунан тагдор ибораларни қўллаш эвазига яратилган. Хуллас, ажойиб бадиий безаклар, қочирик ва

сўз ўйинлари, мажоз ва сифатлашлар асарга худди узукка кўз кўйгандек мос тушган. Масалан, «ўлим» маъносидаги сўзнинг ўзбек тилида «оёқ чўзди», «кўз юмди», «абдий уйкуга кетди», «жони узилди», «ҳалок бўлди», «вафот қилди», «дунёдан ўтди», «омонатини топширди» каби ўнлаб синонимлари борлигини яхши биламиз. Абдулла Қаҳҳор ҳам ўзбек тилининг ана шу бойликларидан маҳорат билан фойдаланган:

«Мурод Али васиятномага қўл кўйгандан кейин ҳолдан кетганича қайтиб ўзига келмади, сахарга яқин оламдан ўтди»¹

Адиб Мурод Алидек ҳурматли инсонни оддийгина қилиб «ўлди» ёки «вафот этди» демаган, аксинча, унинг ўлими ҳақида ўқувчига «оламдан ўтди» деб эҳтиром ила хабар беради.

«Наимжон келин билан куёвни ичкарига киргизиб юборди, Жавлоннинг қаёққа кетганидан беҳабар, ундан хавотир олиб ҳар эҳтимолга қарши кираверишдаги кичкина уйга кириб диванга чўзилди». (264-бет)

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамоннинг ҳолати ниҳоятда танглигини кўрсатиш учун уни ноиложликдан «диванга чўзилди», дейди, «ётди» ёки «ёнбошлади» сўзларига нисбатан «чўзилди» феълида бўёқ кучлироқ. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилидаги сифатлашлар, ўхшатишлар, образли феъллар, миллий хусусиятга хос тафсилотлар, тур-жинс отлари, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан:

«У ҳам қабр тошига ёзилган хатдай совуқ, ундаги «соғинчли салом», «жоним», «жудолик» сингари сўзлар қабр тошига илинган ранг-баранг қоғоз гулларга ўхшар эди».¹

Ушбу гапдаги «қабристонга ёзилган хатдай», «қабр тошига илинган ранг-баранг гуллар» ўхшатишлари бунга мисол бўла олади. Адиб ўхшатишлар ва сифатлашлар орқали қаҳрамон психологиясини янада ёрқинроқ очишга ҳаракат қилган.

«Ховли вокзалга унча узоқ эмаслигидан фойдаланиб Ҳакимжон командиридан жавоб олиб югурди, югуриб борар экан, Марғуба кўзига, гоҳ оғир хаста ҳолда, ранги сарғайиб, тўшакда ётгандай кўриниб юраги эзилар, гоҳ эшикдан лоладай яшнаб, қучоқ очиб чиқадигандай интилар эди». (307-бет)

Марғубанинг аҳволини кўрган, унинг хиёнатини сезган Ҳакимжонга энди Марғуба «лоладай яшнаб» кўринмайди:

«Унинг эгнида енгсиз катак кофта, тор кулранг шим, худди калтакесакка ўхшар эди». (307-бет)

Энди асардаги Муҳайё образига берилган тавсифни кўздан кечирайлик:

«Қоп-қора тунда чарақлаган юлдузлар, қиш қаридан баҳор қучоғига отилиб чиққан расида қизларнинг жамоли тарифга сиғадими?»

Муҳайё кекса табиат бор ҳунарини, тамому макр-ҳийласини кўрсатиб оро берган ўшандай расида қизлардан бири, лекин яна алланимаси билан маҳалланинг бино кўйган бисоти бўлиб етишди». (309-бет)

Ёки:

¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 3-жилд, Т., Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 303-бет.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 3-жилд, Т., Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 307-бет.

«Бунга сабаб Салимжоннинг қилмиши, касалхонага кўргани келмагани эмас, ўша даргоҳдан зада бўлиб қолган, ўқ еб йиқилган қушдай бутун вужуди билан қочишга талпингани эди» (313-бет)

Бу ўхшатиш ва сифатлашлар Муҳайё ҳақида батафсил маълумот беради. Айниқса, «ўқ еб йиқилган қушдай бутун вужуди билан қочишга талпинган» деган жумлалар Муҳайёнинг турмуши қандай кечганини яққол таърифлаб турибди.

Абдулла Қаҳҳор «Муҳаббат» қиссасида синоним, омонимлардан, сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланишидан ҳам ўринли фойдаланган. Масалан:

1. Анвар аммасига қаттиқ текканига пушаймон бўлди ва унинг бефаросатлигига ҳам важ топди: Оилавий ҳаётда чаён бўлиб ҳамманинг асабини бирма-бир чаққан аёл-да, бунинг нимасидан ўпкалайди, киши! (302-бет)

2. Анвар уйга қайтиб келганида кўча эшиги берк эди, таққиллатса, ранги мурда бўлиб кетган Марғуба очди, очмади - узун занжирни зулфинидан чиқармасдан эшикни қиялатиб қаради-да, Анварни кўриб, «хотининг билан кўшмозор бўл!»,- деб ўшқирди, эшикни қаттиқ ёпиб қулфлади, танбасини тикди ва қаттиқ-қаттиқ қадам ташлаб йироқлашди. (329-бет)

Ушбу гаплардаги биргина «қаттиқ» сўзи бир неча маънода, яъни «кўнглини» оғриганига «эшикни қарсиллатиб» «ерни гурсиллатиб», «катта-катта» қадам ташлаб маъноларида ишлатилган.

Абдулла Қаҳҳор жуфт сўзларни ишлатишда ҳам ўзига хос усулдан фойдаланган:

«Қавм-қариндошлар, ёр-дўстлар келади, кўнгил сўрайди, ачинади, йиғлайди, лекин эртами-кечми уйига кетади. Қоладиган, елиб-югурадиган, ҳақиқатан бирдан-бир қуядиган одам шу аммаси-ку!» (302-бет)

«Муҳаббат» қиссасида феъллар субъект ҳаракатидаги энг нозик томонларни ўзида акс эттира оладиган, бирон воқеа-ҳодиса ҳақида кўзга кўриниб, қулоққа жаранглаб эшитилиб турувчи тасаввур берадиган воситалар ролини ўйнаган.

«Унинг назарида дадасининг ҳаёти бир вақтлар селдай шовиллаб оқар эди, саккиз ойдирки, бу оқим борган сайин сусайиб, жилдираб қолди, бу кунларда эса тобора сийраклашаётган, томчига айланди» (302-бет)

Адиб сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартурувчи кўшимчалардан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, - ли кўшимчаси бирон нарсага мансублик, эгаликни билдириб, отларга кўшилиб сифат ясайди.

Шунингдек, адиб халқ иборалари, мақол ва маталларни ҳам ўрни билан қўллаб, асар қаҳрамонлари нутқининг халқчиллигини таъминлашга эришган. «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» (309-бет), «терисига сомон тиқиб» (315), «калаванинг учини йўқотди» (321-бет), «Кўнглимнинг кўчасидан ўтмаган» (326-бет), «Қарс икки кўлдан чиқади» (326-бет), «Бошинг тошдан бўлсин» (340-бет), «Тулки тумшуғидан илинди» (353-бет), «икковини бир чўқишда гаранг қилиб қўйди» (359-бет) каби мақол ва иборалар ана шулар жумласидандир.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор услубининг фазилати ўзбек тили грамматик қурилиши, луғат бойлиги ва лексик имкониятининг ўзига хос хусусиятларини заргарона қўллаб, жумлаларни яхлит, содда, лўнда, гўзал ва нафис бўлишига эриша олганлигидадир. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор тузган жумлаларда сўзлар

хитой чинниси каби жаранглайди, уларнинг жарангида эса энг нозик маънолар олмос каби жилоланади.

Абдулла Қаҳҳор асарлари тилини жиддий ўрганиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича таҳлил қилиш тилшуносларимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб масалалардандир.

«МУҲАББАТ» ҚИССАСИДА АНВАР ОБРАЗИ

Шаҳноза Абдуқаюмова, АДУ I босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг «Муҳаббат» қиссасидаги Анвар ва Муҳайё ўзининг табиийлиги, тўғрисўзлиги, виждонлилиги билан китобхон эътиборини тортади. Анвар онасидан эрта айрилган. Отаси ҳам уни эрта ташлаб кетган эди, унинг тақдири аммасининг қўлида қолади. Бунда инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббат, одамгарчилиги, ёритиб берилади. Анвар ҳаёти давомида, севгисига эришгунча жуда кўп машаққатларга учрайди. Асарда Анварнинг қанчалик иродаси кучли экани, садоқатли ва матонатли, олийжаноб инсон эканлиги кўрсатилади.

Анварнинг самимийлиги, меҳнатдан қочмаслиги, ўз орзулари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслиги, эл хизматига ҳамиша тайёрлиги тасвирланган. Аммаси қанчалик ёмонлик қилмасин, Анвар ўз мақсади йўлидан қайтмайди. Ёзувчи бу образ орқали бир виждонли йигит образини гавдалантириб берган. Инсонларга бўлган ишончи, дўстларининг кўмаги, бардоши ва муҳаббати билан унинг яшашга бўлган иштиёқи кучаяди, адолатни рўёбга чиқариш учун тиришади.

Биз Анварни ижобий қаҳрамон деб биламиз. Бу қиссани ўқиган ҳар бир китобхон Анвар ҳақида ижобий фикрда бўлади. Шунинг учун унинг баъзи салбий жиҳатлари кўзга ташланмайди.

Анварнинг Муҳайёга бўлган севгиси шунчалик гўзалки, улар ўз ҳаётини бир-бирисиз тасаввур қила олмайди. Ўтган бу давр мобайнида, улар бирга бўлиш учун жуда кўп машаққатларни бошдан кечирадилар. Инсон бардоши туфайли ҳамма тўсиқларни енгиб ўтишга қодир. «Муҳаббат» қиссаси қаҳрамонлари ҳам барча машаққатларни енгиб ўтадилар.

Ёзувчининг бу қиссасида тасвирланган воқеалар оддийгина бир севги қиссаси бўлиб туюлиши мумкин. Лекин асли бунинг замирида инсоннинг кадр-қиммати, ҳаётнинг қанчалик гўзаллиги, ҳақиқат барибир ғолиб келиши акс эттирилади.

«ОЛТИН ЮЛДУЗ» ҚИССАСИ ҲАҚИДА

Одина Шарипова, АДУ I босқич талабаси

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари кириб бормаган хонадон қолмаган, ҳисоби. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон қалбида уруш деб аталмиш фожеага нисбатан ғалаёнлар ҳаракатга келади. Уруш инсоният бошига жуда кўп даҳшатларни олиб келди. Уруш ҳақида ўша даврда кўплаб асарлар ёзилди, уруш мавзусига тўхталмаган ижодкорнинг ўзи қолмади. Шу катори Абдулла Қаҳҳор ҳам ўзининг «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Олтин юлдуз» қиссаларини ёзди. Ёзувчининг бу икки асарида ўзбек жангчиларининг фашистларга қарши курашга қўшган ҳиссаси тасвирланади.

«Олтин юлдуз» қиссаси 1944 йилда ёзган бўлиб, унда Фарғонадан чиққан қаҳрамон Аҳмаджон Шукуров ҳақида сўз боради. Бу образ конкрет шахс ҳаёти асосида яратилган. Курск ва Орёл ерларини ҳимоя қилишда кўрсатган мислсиз жасорати учун «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган Аҳмаджон Шукуровнинг номи уруш йилларида эл орасида анча машҳур бўлган. Бу қиссанинг яратилиши хусусида сўз борганда, адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг хотираларини айтиб ўтиш жоиз. У. Норматовнинг отаси ўша пайтларда колхознинг раиси бўлган. Бу жонкуяр инсон уруш йиллари фронт орқасида меҳнат қилаётган қишлоқдошларининг руҳини кўтариш мақсадида жангчи Аҳмаджон Шукуровни қишлоғига таклиф қилади. Бу учрашув У. Норматовнинг хонадонида бўлади ва бу ерга Абдулла Қаҳҳор ҳам таклиф қилинади. Уруш ҳақидаги ҳар қандай гапни бутун вужудини қулоқ қилиб эшитувчи халқ А. Шукуровни саволларга кўмади. А. Қаҳҳор даврадаги суҳбатга аралашмай, тинглаб ўтиради. Бу ҳақда У. Норматов ўз хотираларида отасининг сўзларини келтиради: «Буни қаранг-а, нега ўшанда А. Қаҳҳор сира гапга аралашмади десам, нукул гап териб ўтирган экан-да» дейди. Дарҳақиқат асар мана шу тарзда дунёга келди.

«Олтин юлдуз» қиссасидаги ўзига хос хусусиятларга тўхталсак. Адибнинг аввалги асарларини ўқиган китобхон бу қиссадан ўзи билган ёзувчини топиши қийин. Бу қиссада А. Қаҳҳорнинг ўзига хос услуби ҳисобланган инсон руҳиятини очиш, унинг ички кечинмаларини моҳирона тасвирлаш кабилар яққол кўзга ташланмайди. Бу ҳақда профессор Сайдулла Мирзаев шундай ёзади: «Олтин юлдуз» қиссасидаги баъзи персонажларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатлари, шунингдек, жанг майдони билан мамлакат ичкарасидаги ҳаётнинг узвий боғлиқлиги чуқур ёритилмаган. «Дарҳақиқат, бош қаҳрамон Аҳмаджон Шукуров образи бир чизиқда қотиб қолган. Умуминсоний қадриятлар тараннум этилмаган ҳар қандай асар боқийликка даъво қилолмайди. Тўғри, бу қиссада дўстга садоқат, ватанга бўлган муҳаббат ғоялари, ёвуз инсонларга бўлган нафрат каби тушунчалар қаламга олинган. Бироқ ёзувчи юқоридаги тушунчаларни образга сингдириб юбора олмаган. Албатта, ҳар бир ижодкор ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда асар ёзади. Зеро, ижодкорга ўша даврда яшаётган инсонлар руҳияти, ижтимоий кайфияти ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Юқоридаги айтилган камчиликларига қарамай, бу қисса ўз даврида китобхонларга манзур бўлган. Лекин адабиётшунослар томонидан бадиий жиҳатдан анчагина саёз, деб баҳо берилган. Шу билан бирга, бу қисса ҳақида илиқ фикрлар ҳам билдирилган. Умарали Норматов тили билан айтганда, асар «одамлар оғзидан олингандек». Тўғри, ўша даврда уруш ҳақида ёзилган ҳар қандай асар кенг жамоатчилик томонидан қувонч билан кутиб олинган ва севиб ўқилган. Асардаги камчиликларга эътибор берилмаган. Бу қиссадаги айрим персонажлар (масалан, Петка Ухов) асарнинг маълум жойларидагина кўринади. Ёзувчининг бундай образларни олиб киришдан мақсади бу образлар моҳиятида ўз аксини топмаган. Бундан ташқари ёзувчининг асарга олиб кирган деталлари ҳамиша ҳам катта бадиий қимматга эга бўлавермайди. Қиссадаги уч жангчининг қабри воқеасини оладиган бўлсак, бу воқеа таъсирли тарзда берилмаган. Балки ёзувчи ушбу воқеадан асарнинг ғоявий-сиёсий жиҳатини бўрттириш учун фойдалангандир. Бу нарса муаллиф нутқида ўз аксини топган: «Булар юз мингча халқ қасосчилари, армиянинг ботир жангчилари, фашист

босқинчиларига бўйин эгмаган Ватаннинг қаҳри, ғазаби эди». Ушбу кўчирманинг ўзиёқ асарда муаллиф нутқининг етакчи эканлигини кўрсатади, бу нарса эса персонаж нутқининг таъсирли чиқишини чеклайди. Тўғри, асар бошида Аҳмаджон Шукуровнинг Бўтабой билан қилган суҳбати анча жонли ҳамда таъсирли берилган, яъни қаҳрамон нутқида ортиқча дабдаба ва сунъийлик йўқ: «Душманнинг юзтасини ўлдирсанг юз биринчиси, мингтасини ўлдирсанг, минг биринчиси сени ҳам ўлдириши мумкин. Мен шуни билар эдим, шуни билиб туриб аскарликка ариза берганман. Мен ўз юртимда мусофир итдай думни қисиб юришни хоҳламайман. Агар ўғлимнинг пешонасида кўчадан фашист ўтганида икки букилиб туриш бўлса, фашист бу томонга менинг ўлигимни босиб ўтади». Бироқ асарнинг кўп ўринларида жонлилик етишмайди, қиссада кўпроқ муаллиф нутқининг берилиши асарни жонлантира олмаган. Бизнингча, қиссанинг кўпроқ ижтимоий буюртма йўлида ёзилгани ижодкор бадиий маҳоратини чеклаган.

«ҚОТИЛНИНГ ТУ/ИЛИШИ» ҚИССАСИНИНГ /ОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Муаттар Каримова, АДУ II босқич талабаси

Адиб ижодининг дастлабки даврларида дунёга келган ушбу асар билан бугунги кун китобхони унчалик таниш эмас. Ўз-ўзидан бизда бу асарнинг ғоявий хусусиятлари бугунги адабий жараёнга мос келадими, деган савол пайдо бўлади. Асар адибнинг бош қаҳрамон Сатторга тавсиф беришидан бошланади. Бу тавсифдаёқ Сатторнинг умр бўйи бирор марта ҳам меҳнат қилмаган, жамиятдан ажралиб қолган, ҳаётни кўнгилхушлик деб биладиган, кишиларга фақат зарар келтирувчи инсон эканлигини тушунамиз. Бу билан китобхонда асарда қандай воқеалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида маълум тушунча уйғонади. Айниқса, қаҳрамоннинг тўғри йўлга солувчи кишиси йўқ бўлиши ва ўғри, каззоб кишилар орасига тушиб қолиши воқеаларни янада ривожлантиради, қаҳрамоннинг ботқоқликка ботишида «қарашиб юборади». Қаҳрамон ҳалол ва ҳаромни ҳам ажрата олмайдиган, оми, маънавий қашшоқ бўлганидан ҳали муҳитдаги разолатга қарши исён кўтара олмасди. Адиб воқеаларнинг қалтис тус олиши учун атайлаб Асрор бобо, Абдулла Ҳожи, Олим саркор, Исломбек проводник каби қаҳрамонларни киритади. Уларнинг ҳеч бири ибрат бўла оладиган кишилар эмас эди. Мисол учун Олим саркорнинг колхозда қилаётган ишларини олайлик. Тут баргларига захар сочиб, ипак қуртларига зарар келтиради. Ўзига ўхшаган улфатлари орқали пахта теримининг биринчи хирмонини ёқиб юбормоқчи бўлишади. Бундан ташқари, Исломбек ҳам ҳавас қилгулик инсон эмас. У вагонлардаги ўғрилар билан шериклик қилишдан ҳам тап тортмайди. Бундай муҳит кишилари ҳатто жиноят қилаётганини тушунмайди, тушунса ҳам, тан олишни истамайди. «Хомталаш қилинган туянинг гўшти ҳаромми? Уни қанча олса шунча савоб», дея ўзларини алдашади. Хўш, қаҳрамон фожеасининг сабабчиси нима? Ёки ким? Адиб Сатторнинг характерини шундай тасвирлайдики, у ёмонликларни кўради, аммо унга қарши чиқа олмайди. Ўзи тушиб қолган муҳитни ўзгартира олмайди. Муҳитга секин-аста кўникаверади, ҳатто улардан-да устомон бўлишга ҳаракат қилади. Ёлғондакам устомончиликлари ҳақида мақтанишини қўймайди. Фожеа сабабини фақат қаҳрамон ва унинг характеридан эмас, балки муҳитдан ҳам қидириш керак.

Шу ўринда Сатторнинг ҳаммол касбдоши Чиноқ ҳаётига эътибор қаратиш жоиз. Чиноқ бир қанча улфатлари билан милиционерлар кўлига тушиб қолади. У ўша милиционерлар ёрдамида ўзига маъқул иш топади. Бу иш орқасидан у жамиятда ўз ўрнини топади.

Мана энди таққослайлик, Саттор ҳам разолат ботқоғига ботган, ўғри, каззоблар орасига тушмаганда ёки уни тўғри йўлга бошловчи ота-онаси, маҳалла ва ҳукумат бўлганда эди, у ҳам жамиятда ўз ўрнини топиб, ватани равнақиға ҳисса кўшувчи инсон бўлар эди. Буни қарангки, бу муҳитда Саттор икки оёғини, ҳаётда яхши яшаш тўғрисидаги орзу-истакларини бой бериб қўйди.

Асарнинг тили содда ва равон. Бу ҳол, айниқса, портретларни чизишда ва диалогларда очик кўринади. Қисса шунчалик тушунарли ёзилганки, асар воқеалари кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг бу қиссасини нима сабабдан танланган асарларига киритмаганини эса адибнинг ўзига ва асарларига нисбатан ўта талабчанлигидан деб биламан.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АСАРЛАРИДА ҲАЁЛ МОТИВИ

Камолиддин Шаҳобов, АДУ тадқиқотчиси

Абдулла Қаҳҳор айрим қаҳрамонларининг ўз ҳаёти, келажаги ҳақидаги ўй-хаёлларини келтириш орқали ҳам уларнинг феъл-атвори, шахсий қусур ёки фазилатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, «Сароб» романи бош қаҳрамони Раҳимжон Саидий Мунисхон билан илк учрашувдаёқ шундай деб ўйлайди: «Унинг бошидаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб кетади: буларнинг ичидан биронтасини ажратиб олса, ўша ҳам хаёлға айланиб кетар эди: «Шу қизнинг бошиға бир фалокат тушса-да, қутқарадиган киши ягона мен бўлсин», дер эди». Мана шу ўй-хаёлларининг ўзида Саидий характеридаги худбинлик белгилари илк маротаба кўзға ташланади.

Саидий ёзувчи сифатида танила бошлагач ундаги худбинлик ва шуҳратпарастлик янада илдиз отади. Одамлар билан ўзаро муносабатда, персонаж нутқида тўла акс эттиришнинг имкони бўлмаган пайтларда адиб қаҳрамонидаги худбинлик психологиясини унинг ўй-хаёллари, ҳавойи орзуларини ифодалаш орқали унинг ҳаёт тарзидаги ўзгаришлар, характеридаги зиддиятларни асослашға ҳаракат қилади. «Саидий баъзан кечалари кўрпада уйғоқ ётиб туш кўради. У оламшумул ёзувчи: Америкалик машҳур муҳаррир сингари ҳар куни бир стунлик нарса ёзиб, йилиға ўн икки минг олтин маош олади; турли мамлакатлардан франк, доллар, рупиялар келиб туради; шундан сўнг бу серғавго, серазият шаҳардан кетиб, шимолий Америка адиби Торо сингари табиат кучоғига киради; водийнинг энг баҳаво, энг гўзал ериға солган қасрида ўтириб, хотини Ариаднанинг роялда қилган машқиға қулоқ берар экан, бутун водий ва ундаги ўтлаб юрган қўй-қўзилар, йилқилар, тоғ ён бағирларида ўсган писта, арча, кўм-кўк ўланлар ва уларнинг орасидан илонизи бўлиб оққан қуёшнинг нурида кумуш тасмадай ярқираган

арик ва арикчалар кўриниб туради. Унинг қасри орқасида ер юзидаги ҳамма мевалардан топиладиган катта боғ бўлади...»

Кўринадики, Саидийни ёзувчилик ишининг, тўғрироғи, ёзувчиликдан келадиган шон-шухратнинг фақат ташқи, ялтироқ томонларигина қизиқтиради. Аввалига Муниҳон учун университетга кирган, бойлик ортиришга интилган Саидий («университет уни Муниҳоннинг кўзи тушадиган йигитлар қаторига қўйиши керак эди...Мартаба, бойлик - уни бошқа ҳамма эркаклардан ажратиши, Муниҳоннинг диққатини жалб қиладиган ўринга қўйиши керак эди») учун эндиликда бойлик ва мартабанинг ўзи ҳаётини мақсадга айланиб қолади.

Қизиғи шундаки, Муниҳоннинг хаёллари ҳам худди Саидийники каби ўта ҳавойи ва худбинлик асосида келиб чиқади: «...икки кундан сўнг онасидан Мухторхоннинг бойлигини эшитиб, хаёл сурди. Мухторхон бориб-бориб тўлишади, чинакам йигитга ўхшаб қолади, қаср солади, қасрнинг орқасида кичкина боқча - истироҳат ва хаёл суриш ўрни бўлади. Боқчанинг ўртасидаги мрамар ҳовузда олтин балиқлар сузиб юради. Шаббода эсганда дарахтлардан мусиқа товуши чиқади...» Муниҳоннинг хаёлларида ҳам худбинлик белгиларини кузатиш мумкин. Шу билан бирга Муниҳон Мухторхонга турмушга чиқиш у қадар фожеа эмаслигига ўзини ишонтирмоқчи бўлади, ўзи тушиб қолиши мумкин бўлган вазиятнинг афзал томонларини ўйлаб, ўз-ўзига таскин беришга интилади.

Муаллиф қаҳрамонларининг ўй-хаёлларини беришда маълум бир нуқтаи назардан ёндашади. Бунда муаллифнинг яширин истехзоси, персонажга салбий муносабати сезилиб туради.

Саидий ва Муниҳондаги уларнинг ўзи мағрурлик деб ўйлаган худбинлик ҳар иккаласининг фожеасини тайёрлайди. «Сароб» романи худбинлик ва муҳаббат ўзаро сиғишмайдиган тушунчалар эканлигини яна бир бор исботлайди.

«САРОБ» РОМАНИДА ЭҲСОН ВА КЕНЖА ОБРАЗЛАРИ

Алимова Нафиса, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий маҳорати жуда юксак даражада. Буни унинг образлар танлашида, асарларнинг композициясида ижодий ниятини бериш усулида яққол илғаймиз. Бу жиҳатдан «Сароб» романи диққатга молик асарлардан биридир.

«Сароб» романига ижодкор ўз идеалига зид қаҳрамонни бош қаҳрамон сифатида танлаб олади. Ижодкор Саидий ва унинг ҳамтовоқлари – Аббосхон, Салимхон, Муродхўжа домла, терговчи Мирза Муҳиддинлар ташкил қилган кичик доирани инкор қилиш орқали ижтимоий воқеликни тасдиқлаш йўлидан боради. Бу услубни унинг бошқа асарлари – «Майиз емаган хотин», «Адабиёт муаллими», «Тўйда аза», «Бошсиз одам»да ҳам кузатиш мумкин. Салбий қаҳрамон ва унинг теварагида жипслашган гуруҳ ёзувчининг ижодий нияти билан боғлиқ ҳолда биринчи планга чиқарилади. Ижобий образлар эса иккинчи планда туради. Гарчи иккинчи планда турса-да, уларсиз ромanning асосий ғоясини, миллатчиларнинг қанчалар жирканчлигини очиб бериш мумкин эмас.

«Сароб» романи ҳақида ўз даврида турли хил танқидий фикрлар айтилган. Хусусан, «Сароб» романида Абдулла Қаҳҳор салбий қаҳрамонларни бош образ

сифатида тасвирлаган, ижобий қахрамонлар эса эътибордан четда қолган, уларнинг аҳамияти асар давомида сезилмайди каби мулоҳазалар айтилган. Биз эса қуйида Эҳсон ва Кенжа образларининг романдаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Шоир Кенжа Саидийга зид образдир. Иккисининг зид қўйилиши орқали ўз олдига халқ манфаати йўлида хизмат қилиш мақсадини қўймаган ёзувчи инкирозга маҳкум эканлиги очиб берилган. «Дехқон шоири», яъни Кенжа образи ёзувчи ва халқ ҳаёти нақадар мустаҳкам алоқада бўлиши зарурлигини ўзида намоён этган. Саидий буткул бошқача. У илк марта жонкуярлик билан ҳикоясини чиқаришга ёрдам берган шоирга нисбатан: «Менимча агар Кенжа кўнса, Аббосхон унинг манманлик шираси босиб, қуриб бораётган талантига янгидан ҳаёт бағишлар эди», деб янглиш фикр юритади. Ҳолбуки, «Аббосхон, Салимхон сингари устозлари талантини ширадан тозаллаган» Раҳимжоннинг ўзи эди.

Асарнинг ғоявий йўналишини белгилашда Эҳсон образи шоир Кенжадан кам эмас. У ҳаётда олийжаноб мақсадга эга. Саидий ўқишга кириш юзасидан иккиланади. «Эҳсоннинг сўзини тинглаганида бу бойликлар ва унинг кетидан келадиган маишатлар кўзига кўпик бўлиб кўринади» ва унинг маслаҳати билан ўқишга киради. Бора-бора уларнинг дунёқарашларида фарқ пайдо бўлади. Раҳимжон ўқишни ташлайди, енгил-елпи ҳаётни афзал кўради. Пул, яхши ҳаёт кўзига барча нарсдан аъло кўринади.

Бундай олиб қараганда, Саидийнинг шундай чалкаш фикрларга келишига, кейинчалик эса бир гуруҳ «фозил»ларнинг орасига кириб қолишига сабаб, бир тарафдан, ёнида якка-ягона дўстининг йўқлиги ҳам сабаб бўлган. Раҳимжон учун «кўнгил тортиб гаплашадиган битта одам Эҳсон» эди. Агар ёнида Эҳсон бўлса, бари бошқача бўлар, унга тўғри йўлни топишга кўмак берарди. Албатта, ёзувчининг ижодий нияти билан боғлиқ ҳолда, Эҳсоннинг сафарга чиқиши ва Раҳимжоннинг шундоқ ҳам шуҳратпарастлик билан тўлган онгини Аббосхонлар букиб-букиб олганига ажабланмайсиз.

Эҳсон образида Раҳимжонга умуман зид турувчи, машаққат билан ўқиб, халқига хизмат қилишни ҳаётининг бош мақсади деб билувчи, виждонли, диёнатли инсон тимсоли мужассамлашган.

Асар давомида Саидийнинг ўз ички зиддияти маҳорат билан очиб берилган. Саидий бу нотовонларнинг орасига қандай қилиб кириб қолганини ўзи ҳам билмас, «Эҳсон сафардан келса, унга айтиб бўлмайдиган жўралари бор эканидан ҳам беҳабар эди». Эҳсондан фарқли ўлароқ, Раҳимжон эски дўстини кўрганида суюнмайди. Дўсти шунча вақт нима қилганлигини сўраб қолишидан юраги безиллайди. Унга жавобан тайинли гапнинг ўзи йўқ эди-да. Худди шу аснода Раҳимжон билан биргаликда китобхон ҳам унинг тушиб қолган муҳити нақадар жирканчлигини тушунади.

Саидий ўз орттирган бойликларидан сархуш бўлиб юрган бир пайтда, Эҳсон уни бу йўлидан қайтариб, асар ёзишга ундовчи хатлар жўнатади. Қахрамонимиз бўлса, қайнотаси билан уни аҳмоққа чиқаради.

/оявий-сиёсий қарашлари ўртасидаги зиддият улар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик ҳосил қилди. Чунки ҳар иккисининг дунёқараши, истак-орзулари буткул ўзгача. Саидий ёзувчиликдан кўра ҳар кунги маишатларни, мақтов сўзларни

эшитишни ёқтирарди. Эҳсоннинг жонкуярлиги, самимийлиги билан Саидийнинг алмисокдан қолган бирёқлама фикрлари параллел қўйилади.

Саидий ва Кенжа образлари амалий фаолияти зид турувчи образлар сифатида берилади. Ҳар иккиси ҳам ёзувчи, уларнинг фаолиятлари давомида қилган ишлари зид қўйилади. Кенжанинг Саидий билан илк бор учрашувини эсга олайлик. Нашриётда кўтарилган жанжалнинг сабаби ёш ҳаваскорлар юборган хатларнинг Ёқубжонлар томонидан эътиборсиз қолиши эди. Шу ноҳақлик учун Саидий қанча эзилган, руҳи тушиб, омадсизликнинг аччиқ тузидан тотиб кўрган эди. Тиргақларнинг шарофати билан нашриётга ишга киргач, Саидийнинг ўзи ҳам шу ифлос ишни такрорлайди. Хат ва хабарларнинг «шундай қисмини куйдирар эдики», бу воқеаларни кўриб турган Кенжанинг «даими ичига тушди».

Кўриб ўтганимиздек, Эҳсон ва Кенжа образларининг асардаги ўрни бениҳоя катта. Гарчи улар иккинчи пландаги образлар саналса-да, биринчи пландаги қаҳрамонларнинг ҳаракатига ва руҳиятига таъсир этиб уларнинг асл моҳиятини очишга ёрдам беради. Бу қаҳрамонларсиз Саидийнинг, Аббосхонларнинг аслида кимлигини тушуниш мушкул. Эҳсон ва Кенжанинг қарашлари, ҳаётий позициясини чуқур англаб етган китобхон Аббосхонларнинг чиркин муҳитини, қабих фаолиятини қоралайди.

Асардан тўғри хулоса чиқаришда, бу гуруҳнинг жамият итқитиб юборган кераксиз одамлардан иборат эканлигини тушуниб олишда Эҳсон ва Кенжа образлари катта аҳамиятга эга. Уларнинг асардаги аҳамиятини белгилаш асарнинг ғоявий мазмунини англашга ёрдам беради.

«САРОБ» РОМАНИДА ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИ ТАСВИРИ

Дилафруз Қурбонова, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романида Раҳимжон Саидий психологизмининг беришда асосан аналитик принципга таянади. Яъни қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари билан бирга ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари оқимини, диалектикасини уйғунликда тасвирлайди. Саидий университетга келиб у ердаги шарт-шароит, талабаларни кўрганидан кейин «Агар ўқиш бундай бўлса ўқимайман» дейди. Аммо Муниسخонни кўргандан кейин бу фикридан қайтади. Қайсидир маънода, Саидийнинг университетга боғланишида Муниسخоннинг ўрни катта. Бу иккала қаҳрамон ўртасида мағрурона севги бор. Ҳар иккаласи ҳам ҳис-туйғуларни бир-бирига билдиришни хоҳламайди.

Бир куни Саидий Муниسخонни дарс қилиш учун уйига таклиф қилади. Муниسخон келгандан сўнг Саидий ўтиришини ҳам, туришини ҳам билмай қолади. «Чой қўйиш керакми ёки чой қўйсам, бу қизни ўзим билан тенглаштирган, кўкдаги фариштани ерга туширган бўламанми?» деб ўзига савол беради. Хаёлида ғужғон ўйнаётган шу саволни ҳаракатлари орқали Муниسخон сезиб қолади ва чой ичишни рад этади.

Муаллифнинг қаҳрамон психологизмининг очиб беришда қайси принципга таяниши унинг ижодий ниятига боғлиқ. «Сароб» романида адиб ўз қаҳрамонини

фақат ташқаридан, бир четда туриб тасвирлашни эмас, балки Саидийнинг ички ва ташқи ҳаётини бирдек батафсил акс эттиришга интилади.

Саидий Муниسخонни телбаларча севади. Муниسخон уни уйига дарс қилгани чақирганда, «Нахотки шу қиз ҳам одам қўли билан яратилган бир бинода турса», деб уйлайди. Унинг учун Муниسخон кўкдаги бир фариштадек кўринади. Шу сабабли ҳам Саидий Муниسخон тўғрисида шундай хаёлга боради. Саидий Муниسخон турмушга чиқиб кетганидан кейин мен Муниسخонни севардим, лекин бирон марта ҳам уни оламан деб ният қилмаганман, деб ўйлайди. Бу билан ўзини-ўзи овутади ва ўзини хўрлангандай ҳис қилишни хоҳламайди. Саидий Муродхўжа домланинг уйида яшай бошлагандан сўнг, унинг қизи Сорахонга бўлган муносабати ўзгариб боради. Баъзан инсонда шундай ҳолат кузатилади: тушкунликка тушганда ёки оғир вазиятларга дуч келганда ўзини овутиш учун бирон-бир баҳона кидиради. Саидий ҳам Сорахоннинг хунуклигини билгани ҳолда, «Айрим қизлар чиройли бўлса ҳам, истараси бўлмайди. Сорахон эса истараси иссиқ қиз» деб ўйлайди. Муаллиф қахрамон руҳияти таҳлили орқали инсоннинг муҳитга тез мослашиши, тақдирга тан бериши ва шу билан бирга бойлик, пул таъсирида ўзгариши, энг олий туйғулардан бири, яъни севгининг ҳам кадри йўқолиб боришини кўрсатиб беради.

Қахрамон психологизмини таҳлил қилар эканмиз, унинг характерида шуҳратпарастлик ҳисси юқори эканлигини кўрамиз. Унинг шеър, хикоялари нашр қилина бошлангандан кейин, одамлар унинг асарлари ҳақида нима дейишаётган экан, қандай фикрда эканлар, деб қизиқа бошлайди. Ҳамма унинг асарлари ҳақида гапиришларини хоҳлайди. Ёзувчи қахрамондаги бу ҳолатни ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатлари орқали ифодалаб беради. «Ким қараса Саидийнинг кўзига дарҳол журнал келар, қаерда икки киши гаплашиб турган бўлса, худди «Қаландар» тўғрисида гапиришаётгандай бўлар, «С» ҳарфи бўлган сўзлар ҳам қулоғига «Саидий» бўлиб эшитилар эди». Бу ҳолат Саидий характерида кейинчалик содир бўладиган ўзгаришларни асослайди. Бу эса адибнинг психологик таҳлил усулларидан ўринли ва самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

«САРОБ» РОМАНИДА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

Камола Фармонова, АДУ II босқич талабаси

Ўзбек адабиётида 1934 йилда яна битта роман дунёга келди. Бу ўзбек халқининг ардоқли ёзувчиси, сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи эди. Ушбу асарда турли тор доирадаги гуруҳларнинг ўз халқига қарши бориши, худбинлик, шуҳратпарастлик иллатлари билан йўғрилган шахс қиёфаси ҳаққоний тарзда очиб берилган. Адиб асарнинг бош қахрамони ҳисобланган Саидийга характеристика беришда ўзига хос услубдан фойдаланади. Уни ўтакетган разил одам қилиб тасвирламайди ёки кўкларга кўтариб мақтамайди, балки унга камчиликлардан ҳоли бўлмаган оддий инсон сифатида қарайди. Саидий бир гуруҳ тор доирада фикр юритувчи шахслар орасига тушиб қолади. Натижада ўша муҳит ўз таъсирини кўрсатиб уни миллатчилар олами томон етаклайди. Ушбу асар яратилгандан сўнг турли танқидларга, мунозараларга учради. Бу ҳақда профессор Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» номли китобида қуйидаги фикрлар

баён қилинган. «...узоқ йиллар давомида «Сароб» ҳақида фикр билдирганларнинг кўпчилиги асар марказига Саидий кўйилганини танқид қилишган уни иккинчи ўринга суриб, Эҳсонга ўхшаган ижобий қаҳрамонни биринчи ўринга олиб чиқишни таклиф қилишган».

Кўпчилик ёзувчилар ўз асари марказидаги қаҳрамонни хуш ахлоқли, яхши фазилатли, ҳар томонлама етук инсон сифатида тасвирлайди. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос услуби бор, у ҳар доим ҳаққонийликка интилади, унинг учун ўзи орзу қилган инсонни эмас, балки реал қаҳрамонни тасвирлаш афзал. Шунинг учун у «Сароб» романида реал қаҳрамон тимсолини яратади. Ушбу китобни мутолаа қилаётган ҳар бир китобхон «жамиятда шундай шахслар бор» деган фикрни хаёлидан ўтказди. Гўё жамиятдаги бундай шахслар кўпчиликни ташкил қилади-ю адиб уларни битта образ қиёфасида акс эттиради.

Абдулла Қаҳҳорнинг асардаги ижобий қаҳрамонларга муносабати қандай?

Саидийга ўхшаган бир неча шуҳратпарастларга қарши курашдимиз? Бунинг асарда тутган ўрни ва таъсир кўлами қандай? Саидийга чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлган, Саидий билан ўзаро муносабатда таъсири кучлироқ бўлган бир қаҳрамон бор. У эпизодик қаҳрамон бўлса-да, ўзининг характерли хусусиятлари билан китобхон эътиборига тушган Эҳсондир. Эҳсоннинг Саидийга йўллаган мактубини олиб қарайлик.

«Дўстим Саидий!

Илгари ёзганларим сингари бу хатнинг ҳам тақдири белгисиз. Билмадим қаерда, кимнинг қўлида қолиб кетади. Ўқишимни битирдим. Бу хатни Қримдан ёзаётирман. Қримда икки ой тураман. Мен сизнинг олдингизга диплом билан бораман. Сиз албатта, мени бир неча асарларингиз билан қарши оласиз.

Сизга доимий ҳурмат билан Эҳсон». Мактубнинг охири жумласи Саидийга жуда каттиқ таъсир қилади. Шу ўринда китобхонда савол туғилади: Хўш Раҳимжон Саидий ёзувчилик даражасига кўтарила олдими? Кўплаб асарлар ёздими? Йўқ, у ўзининг ўша «Қаландар» номли ҳикоясию бир-иккита танқидий рисолалари билан кифояланди холос.

Мактубдан ҳам кўриниб турибдики, Эҳсон унинг ҳаётига бефарқ эмас. Эҳсон ҳаётда ўз йўлини топа билган инсон. У мақсадларини рўёбга чиқариш учун интилаётган шахс. Албатта, бундай шахслар ҳаётда ўз ўрнига эга бўладилар. Абдулла Қаҳҳор буларнинг тақдири яхши томонга ўзгаришини билади. Лекин Саидийга ўхшаш ҳаёт қийинчиликларини енга олмайдиган, йўқ, енга олмайдиган эмас, бундай синовларга дуч келишни истамайдиган, қалбида қатъият етишмайдиган, аросатда қолган инсонларнинг тақдири қандай яқун топишини кўрсатиб беради. Асарда Эҳсондан ташқари Кенжа образига ҳам дуч келамиз. Газетада муҳаррирлик лавозимида фаолият кўрсатадиган бу қаҳрамон ижод оламига қадам кўяётган Саидийга ва ёзган мақолаларига ўзининг муносабатини, фикр-мулоҳазаларини билдиради. Гарчи Кенжа образи асарда салмоқли даражада иштирок этмаса-да, адиб Саидийнинг атрофидаги бундай шахслар ундан фарқли эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Адиб Саидий тушиб қолган муҳит, ундаги жараёнлар билан бирга жамиятнинг ўзига хос характерли хусусиятларини ҳам эътиборга олади. Абдулла Қаҳҳор роман бошида Саидий бир гуруҳ шахслар доирасига тушиб қолганини тасвирлаган бўлса, асар якунида унинг ҳаётдаги

орзуларига, олдинга қўйган мақсадларига эриша олмаганлигини, қолаверса, бутун ҳаёти саробга айланганини тасвирлайди. Асар сўнггида шундай жумлалар бор:

«Саидий яна бир неча қадам судралгандан кейин қўлларида ҳам карахтлиқ сезди, ортиқ кимирлаёлмай қолди. Қор кўма бошлади. Саидий бошини силкитиб кўтарди, кўзларини катта-катта очиб олға қаради».

Шунда Саидий атрофга бошқача назар ташлайди. Ҳаёт давом этмоқда. Абдулла Қаҳҳор асар сўнгини бир жумбоқ холида якунлайди. Саидийнинг кейинги ҳаёти қандай кечди? У ўзининг саробга айланган орзуларини амалга оширдими, деган саволларни кўндаланг қўяди. Адиб бу саволларга жавоб излашни, мушоҳада юритишни китобхон эътиборига ҳавола этади.

«ҚЎШЧИНОР ЧИРОҚЛАРИ» РОМАНИДА СЮЖЕТ ВА ХАРАКТЕР

Наргиза Элчиева, АДУ II босқич талабаси

«Қўшчинор чироқлари» романининг сюжети фақат Сидиқжон образининг тарихи билангина чегараланмайди. «Қўшчинор чироқлари»нинг илк бобларида Сидиқжон бош қаҳрамон сифатида кўринса-да, колхозга киргандан бошлаб оммага сингдириб юборилади». (Т.Бобоев) Асар Сидиқжон қайнона-қайнотаси билан зиддиятда турган ердан бошланади. Сидиқжон уларнинг уйида неча йил меҳнат қилиб, яна қарғишу дағдағаларига чидаб яшаб келаётган эди. Ҳаётида юз берган айрим воқеалар уни ўз аҳволи ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Тўйларда бир чеккада ўтириб бир пайтлар ўзи билан бир хил бўлиб ишлаган Ҳайдаралининг бугун тўрида ўтирадиган ҳурматталаб, «Ҳайдарали ака», «Ҳайдарали Усмоналиев» бўлиб қолганини кўриб «эх» деб юборгиси келади. Унинг хаёлидан «Бир пайтлар у сени Сидиқжон ака дерди. Энди бўлса сен. Қачондан бери кичкиналарни ака дейдиган бўлиб қолдинг?» деган ўй-фикрлар кечади. Айниқса, Ўрмонжоннинг қамчидек тегадиган гаплари... Буларни эшитиб кулиб турса, «Нега куласан, ўзингдан кулаётибсанми,-агар ўзингдан кулаётган бўлсанг, аввало Зуннунхўжанинг сандиғида ётиб ақлинг моғорлаб кетганидан кулгин» каби нафратли, ғазабга тўла сўзлар Сидиқжоннинг юрагини ўпириб ташлайди, ич-ичидан зил кетади. Мен ҳам тўпимга кўшиламан, қайтадан ҳаёт бошлайман, дейди. Лекин ҳар қандай ишнинг бошланишида қийинчиликлар, тўсиқлар бўлганидек, қайнона-қайнотаси, хотини Сидиқжоннинг бу қарорига қаршилиқ қилишади. У уйни ташлаб чиқиб кетаётганида иккиланиб, тўғри қиляяпманми, деган шубҳаларга боради. Аммо хотинининг «тўхта, кетадиган бўлсанг, болангни олиб кет!» деб сенсираши ҳаммасидан ошиб тушади. Энди қайтишга ҳожат қолмади. Дастлаб опасиникига, кейинроқ Капсанчилар қишлоғига борар экан, йўлда чойхоначи Фармонқулнинг бошидан кечирган кўргуликларини эшитади. Ва шу ердан асар бош қаҳрамони бир четда қолади-да, жамоа ҳаётидаги воқеалар - колхозни ташкил қилишдаги саъй-ҳаракатлар одамларни бирлаштириш, мол-мулкларни колхозга киритиш, Аҳмедов, Самандаров, Сафаровларнинг фаолияти, жамоада бўлган мажлислар, зиддиятлар баён этилади. Шу ерда бир савол туғилади: нега энди бош қаҳрамон бир четда қолиб кетади? Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Нега колхознинг ташкил қилиниши билан Сидиқжон ҳаёти параллел таҳлил қилиняпти? Бу ҳақда Тўхта

Бобоев «Абдулла Қаҳҳор ўз романи орқали Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида деҳқонлар онгида рўй берган сифат ўзгаришларини кўрсатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйиб, бу ғояни фақат Сидиқжон характери орқалигина эмас, балки бутун жамоа орқали очмоқчи бўлган», деб ёзади.

Сюжет икки линияга - Сидиқжон ҳаёти ва жамоанинг ташкил этилиш жараёнига бўлинса, жамоанинг ички ҳаёти ҳам қуйидаги сюжет чизиқларига ажралиб кетади:

1. Ўрмонжонларнинг оилавий муносабатлари
2. Яширин зиддиятга кирувчи шахслар.

Ҳамма линияларини бирлаштириб турувчи нуқта эса коллективлаштириш масаласи ҳисобланади. Аслида колхоз ҳам зиддият ва муаммолари ҳал бўлмаган жамоа бўлиб, турли-туман қарашдаги инсонлардан иборат. Сидиқжон ҳам янги ҳаётни бошлаш арафасида, у биринчи қадамни қўйиш билан зарбага учраши ҳам мумкин. Лекин жамоадаги барча инсонлар Сидиқжонга нисбатан малакалироқ бўлгани, ҳаёт пиллапояларининг кўпини босиб ўтишгани учун ҳам, «Жамоа тарқатиб юбориларкан», «Ҳамманинг нарсаси ўзига қайтариларкан» деган гап-сўзларга берилмайдилар, вақти келса Сидиқжонга тиргак бўлишади. Жамоа таъсирида Сидиқжоннинг ички ва ташқи ҳаёти, ўзи ва атрофдагилар ҳақидаги фикр-қарашлари ўзгаради. У жамоада, энг аввало, инсон сифатида кадр-қиммат топади.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ПЬЕСАЛАРИДА БАХТ ТУШУНЧАСИ

Диёра Қозоқова, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор ижодий фаолияти давомида одамлар қалбига ҳамоҳанг бўлган кўплаб асарлар яратган. Айниқса, кишиларнинг орзу ва армонларини ўзида жамлаган асарлари қаторида пьесалари ҳам китобхон эътиборини қозонган.

«Аяжонларим» пьесасида иштирок этган ҳар бир персонаж ўз орзу-интилишидан келиб чиқиб бахтни ҳар хил тушунади. Пьесанинг бош қаҳрамонларидан бири Козимжон - ёш шифокор. У бахтини севимли турмуш ўртоғи Умида билан бирга яшаш, онасини қувонтириш, касбига чин дилдан ёндошган ҳолда одамларга ёрдам беришда, деб билади. Гарчи у ўз нутқида бунини тўғридан-тўғри эътироф этмаган бўлса-да, унинг гап-сўзларидан атрофдагилар билан бўлган муносабатидан ва хатти-ҳаракатларидан сезиш мумкин.

Инсонлар бахтини ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб тушунадилар. Дунёқарашнинг ўзгариши билан бахт ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўзгаради. Каримжоннинг онаси Бўстон етти қават кўрпачада ўтириб, сочи узун, оёқ кўли чакқон келинининг хизматидан баҳраманд бўлишни бахт деб билади. Кейинроқ бахтни ўғлининг шодлиги, одамларнинг эътибори ва меҳрида, деган хулосага келади. Ушбу асардаги персонажлар бахтни ўзича тасаввур қилади. Баъзиларининг бахт ҳақидаги қарашлари ўхшаш. Улардан бири Умиданинг турмуш ўртоғи Козимжон билан мақсадлари муштарак. У саодатга эришмоқликни мақсадлари

амалга ошишида деб билади. Асар персонажларининг бахт ҳақидаги қарашларини умумлаштириб турувчи тушунча давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб жонажон қишлоқларининг равнақидир, дейиш мумкин.

Абдулла Қаҳҳорнинг яна бир асари бўлган «Оғрик тишлар» комедиясидаги персонажларнинг бахт ҳақидаги тушунчалари ўзгача. Асар персонажлари бахту саодат тўғрисида бир-бирига қарама-қарши фикрда. Насиба асарнинг персонажларидан бири, мактабнинг 9-синфини битираётган чоғларида бахтни ҳали тўла тушуниб улгурмаган пайтда онаси Роҳиланинг даъватлари ва тинимсиз уқтиришлари туфайли бахтни бойликда деб билади, чунки Роҳила бойлик саодатга етаклайди дейди. Мактаб директори Пўлатжон домла билан суҳбатида ҳам у келинлик либосларининг кўплиги, куёвининг данғиллама уйи ва машиналарини назарда тутган ҳолда: «Болагинам етим ўсганига яраша худо пешонасига бахт битган экан», дейди. Пўлатжон домла Роҳиланинг фикрига қарши ўлароқ, бировларнинг бойлиги эвазига саодатга эришиб бўлмайди, бахтни инсон ўз меҳнати билан яратади деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам Роҳилага: «бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши. Насиба бахтни ўзи, ўз қўли билан яратади», дейди. Аввал бошида бойликни иқбол санаб турмушга чиққан Насиба вақт ўтиши билан хато қилганини англаб бахт - илму маърифатда, атрофдагиларнинг эътиборида эканини англайди. Ҳаётнинг ўзи инсонларга чинакам саодат нималигини тушунтириб қўяди. Насибанинг эри Марасул Пўлатжон домланинг акси. У ҳаром йўл билан топилган бойлигини айшу-ишратга сарф этади, гуноҳлари ўзгаларга ошқор бўлмаслигини ўзининг иқболи санайди. Аҳаджон Заргаров эса бахтни «маданиятли» ёш хотин билан яшаш, одамлар орасидаги юриши, обрў ва сохта хушомадларда деб билади: У ўзи эришган мана шу нарсалардан жудо бўлишни фожеа санайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг халқ эътиборини қозонган асарларидан яна бири «Янги ер» пьесасидир. Асар қаҳрамонлари Ҳамро буви ва Холисхон холалар барча оналар каби фарзандлари иқболини, уларнинг орзу-интилишларини рўёбини кўришни, улар билан кадрдон уйларида яшамокни саодат ҳисоблайдилар. Уларнинг болалари Ҳафиза ва Дехқонбой бахт деганда ватан равнақи йўлида ғайрат билан меҳнат қилиб, юртни обод қилмокни, атрофидагиларга ёрдам бериб уларни қувонтирмокни тушунади.

«Тобутдан товуш» пьесасидаги баъзи бир персонажларнинг бахт ҳақидаги қарашлари «Янги ер» асаридаги барча персонажларнинг фикрларига бутунлай қарама-қарши. Хусусан, Сухсуров Нусратнинг хотини Нетайхон, Ҳамробуви ва Холисхон холалардан фаркли ўлароқ, эрининг пора эвазига топган давлатида беғам-беташвиш, жонини қийнамай яшашни ўзининг иқболи деб билади. «Янги ер» пьесасидаги Қўзиев иморатлар куриб, иншоотлар барпо этишни, юртни обод қилмокликни бахт санаса, «Тобутдан товуш» даги Қори ўзи учун иморат куриб, данғиллама ҳовлида яшамокни толе куёшининг чарақлаши деб билади.

«Тобутдан товуш» пьесасидаги бир гуруҳ персонажлар: Обиджон, Наврўзов, Ҳожар ва бошқалар ўз манфаатларидан бошқаларникини устун қўйиб, ҳалол меҳнат қилиб яшашни ўзларининг бахт-саодати ҳисобласа, Сухсуров, Нетайхон, Қори, Юсуф кабилар ўз манфаатлари йўлида бошқаларни ҳатто милтиллаган нурдан ҳам маҳрум қилишдан тоймайдилар. Бироқ ҳеч ким ўзгаларга озор бериш эвазига бахтга

эриша олмайди, воқеалар сўнгида кимнинг бахт деб атагани чинакам фароғат, кимники бахтсизлик экани яққол намоён бўлади.

Кўплар қалбидан жой олган асарлар яратган Абдулла Қаҳҳор учун бахт нима? Менинг назаримда, у бировларнинг дардига шерик бўлиб, уларга малҳам бўлишни, ватандошлари ёдида эзгу ном билан абадий яшамокни бахт деб билган. Тинимсиз меҳнатлари эвазига бундай бахтга эришган Абдулла Қаҳҳор чин маънода бахтли инсон эди.

«ОҒРИҚ ТИШЛАР» АСАРИДА ЗАРГАРОВ ОБРАЗИ

Ақром Худойбердиев, АДУ II босқич талабаси

Китобхонда образга бўлган муносабат хоҳ у салбий ёки ижобий бўлсин, қахрамоннинг характериға қараб белгиланади. Абдулла Қодирий айтганидек: "Инсон характери ишда ва сўзда намоён бўлади."¹ Асар қахрамонларининг характериғни хатти-ҳаракатлари ва нутқидан билиб олиш мумкин. Персонаж нутқи бунда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Абдулла Қаҳҳорнинг "Оғриқ тишлар" асаридаги Аҳаджон Заргаров райижроком раисининг ўринбосари, давлат амалдорларидан бири. Одатда, амалдор дейилганда, юксак маданиятга эга, кучи, билими, ғайрати билан бошқаларға ўрнатқан бўла оладиган, хушмуомала, ватанпарвар шахс тушунилади. Лекин асарда Заргаровнинг бундай ҳолатлардан йироқ эканлиғини кўришимиз мумкин. У баъзи нуқсонлардан ҳоли эмаслиғи, айрим амалдорларға хос камчиликлар унда ҳам борлиғи асар давомида яққол кўзға ташланади.

Заргаров оилали бўла туриб, қонунға зид ҳолда хотин устиға хотин олишни кўзлайди. Заргаров қилган иши қонунға зид эканлиғини билади. Билиб туриб, ўз манфаати йўлида қонунни ҳам четлаб ўтади. Аслида, у барчаға ўрнатқан бўла оладиган шахс бўлиши керак эди, лекин бу хатти-ҳаракатлари билан эса қонунбузарлик ҳолатиға йўл қўяди.

"Заргаров: Ҳмм... қаттиқ хафа эмасми?"

Марасул: Устиға хотин оласизу хафа бўлмайдимиз?"

Заргаров: Йўқ, авзойидан жанжал қиладиган эмасми демоқчиман?"

Марасул: Йўқ... йиғлади!"

Заргаров: Йиғлади? Хайрият! Йиғлаган бўлса, жанжал қилмайди... Кимни олди, деб сўрамадимиз?"²

У хотиним бу қилмишимдан хафа бўлмасмикин, деб ўйлаб ҳам ўтирмайди. Аёлининг хафа бўлиши уни заррача бўлса-да қизиқтирмайди ҳам. Хотинининг қандай муносабат билдиргани, унинг ҳолатини сўраганлиғининг сабаби хотиним учун қийинда, деб унга раҳми келганлиғидан эмас, балки кейин уйға бориб, жанжал қилиш даражасида хафа эмаслиғини билмоқчилиғидадир. Заргаров нега хотини йиғлагани учун "Хайрият! Йиғлаган бўлса, жанжал қилмайди", дея хотиржам бўлди? У бир томондан олиб қараганда, инсоннинг ҳолатини, ички кечинмаларини тушунадигандек кўринади. Яъни аёллар йиғлаб олса, ғам-андуҳларини кўз-ёшлари билан чиқариб, енгиллайдилар, "ҳовуридан тушадилар." Ва бу Заргаров учун ўз манфаати йўлида

қўл келади. Энди хотини уйга боргач, "эски гаплар"ни қўзғаб, жанжал кўтармайди. Шунинг учун ҳам Заргаров олдига норози кайфиятда келган инсонларга нисбатан ҳам "ҳовуридан тушириш" усулини қўллайди. Келганларга турли хил "яхши гап ва вафоли ваъдалар"ни бериб, "ҳовуридан тушириб", уларни уйларига жўнатиб юбориб, яна ўз ишини, ўз билганини қилиб юраверади. Бу ҳолат унинг кирдикорларига шерик бўлаётган Марасулга ҳам одат бўлиб қолган. Бунда Заргаров разолатнинг томир отиб, кенгайишида воситачи бўлмоқда.

Заргаров ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Мақсадига эришиш учун ён атрофдагилардан ҳам фойдаланиб, уларни ҳам ўз "ишлари"га шерик қилади.

"Заргаров: ...Менга қаранг! Жавобгарликдан қўрқманг. Ҳар қанча жавобгарлик бўлса, бизга юклайверинг... Кўтариб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!" (7-бет)

Демак, елкалари қадоқ бўлиб кетган экан, бу у учун биринчиси эмас. Бундай ишлар Заргаровга "чўт" эмаслиги, у жамият ҳаёти учун нақадар зарарли инсон эканлиги яққол кўринади. Унинг маънавий қиёфасини қуйидаги жумлалар орқали ҳам билиш мумкин:

"Марасул: Ёш эмас, 18да, мен биламан, денг!

Заргаров: Ёш эмас, 18да, мен биламан, денг... йўқ, мен ўзим биламан! А? 9-синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен 4-синфда ўқиганимда 20 ёшда эдим!" (7-бет)

Мана, давлат унга ишониб топширган амал эгасининг мактаб ҳаётидан бир парча. Заргаровнинг мактаб давридаги бир қирраси персонаж нутқи орқали намоён бўлди. Гарчи образ тилидан айтилган бу гаплар кулгили туюлса-да, китобхон бу ҳолнинг нақадар ачинарли эканини англай олади. Уйнинг мустаҳкам қисми унинг пойдевори ҳисобланади. Заргаровнинг ёшлиги шундай кечган бўлса, демак, унинг пойдевори заиф бўлган ва натижада келажакда бир эмас икки оиланинг шўрини қуришиб, жамиятга ҳам зарар етказётган, бошқалар фикри билан ҳисоблашмайдиган, разил шахс бўлиб етишган. Айниқса, қандайдир йўллар билан амалдор бўлиб қолганлиги бундай разолатларнинг жамият ҳаётида ҳам кенг қулоч ёйишига йўл очган.

Заргаровнинг иккиюзламачилигини, инсонларга бўлган "илиқ" муносабати ҳам сохталигини унинг гапириш темпида, яъни овоз тонида ҳам кўришимиз мумкин. Холаси ва клуб мудирини билан суҳбатда:

"Заргаров: *(аччиғи келиб, трубкага)*. Ҳали уйга телефон қилган ҳам сизмидингиз? Ким? Клуб мудирини? Хўп, беринг... *(бошқа тонда)* Салом!.. Раҳмат!.. Ҳа, Зухрахоним ўтган куни айтган эдилар..." (52-бет)

"Заргаров: *(трубкага)*. "Инобат" артели... *(йўгонроқ овоз билан)* Раис борми? Ие, салом... Заргаровман..." (32-бет)

Заргаровнинг бундай ҳаёт тарзи узоқ давом этмади. Ҳақиқат эгилади, букилади синмайди, деганларидек, оқибат, адолат қарор топди. Заргаров қилмишларига яраша жазоланди, айбига иқрор бўлиб, қилган ишларидан пушаймон бўлди.

"Заргаров: қани энди шуларнинг ҳаммаси тушим бўлса-ю, уйғониб кетсам!.. қадамимни билиб босар эдим... Шу вақтгача калла деб жун чиққан қовоқни кўтариб юрган эканман! Жун чиққан қовоқни!" (87-бет)

Ҳа, авваламбор, ҳаётда бундай воқеалар содир бўлмасин, деймиз. Бунинг учун "инсонда яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф комил даражада бўлиши

керак."¹ Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, деганларидек буларни ёшликданоқ қалб-шууримизга жо айлаб бормоғимиз лозим. Ёшлик пойдеворимиз мустаҳкам бўлса, қалб ҳам пок, келажагимиз ҳам порлоқ бўлади. Заргаров каби инсонларга жамият ҳаётида ўрин қолмайди. Шундагина жамият ҳам фаровон бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларга, албатта, эришади.

АБДУЛЛА ҚАХҲОР ИЖОДИДА ЎТМИШ МАНЗАРАСИ

Гулбахор Кучакова, АДУ IV босқич талабаси

Абдулла Қахҳор ижоди ўзининг ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир. Айниқса, унда ўтмиш мавзуси ўзига хос рангларда кўринади.

30-йилларда яратилган ва шу йиллардаёқ китобхон олқишига сазовор бўлган ўтмиш ҳақидаги “Бемор”, “Анор”, “Миллатчилар”, “Томошабоғ”, “Ўғри” каби ҳикоялари, “Ўтмишдан эртақлар” автобиографик қиссасида турмушнинг “икир-чикирлари”, халқ ҳаётининг реал тасвири кўзга ташланади.

Адибнинг фикрга, сўзга «хасис» санъаткорлиги “Чехов томонидан берилган таълимнинг самараси” ўлароқ ёзувчи характерининг ҳам жўнлигидандир. Абдулла Қахҳор ҳақида /./уломнинг “Абдулланинг сиқиклиги менга жуда ёқади. Абдулла бошқалар бир саҳифада айтган гапни, битта гапда айтиб қўя қолади” дегани фикримизнинг исботидир.

“Анор”даги Туробжон оиласи ҳаёти мисолида, “Ўғри”даги Қобил бобо, “Бемор”даги Сотиболди фожиаси, “Ўтмишдан эртақлар”даги Савринисо каби ёш қизнинг тақдир фожеаси меҳнаткаш халқнинг ўтмишидаги аҳволини очиқ-ойдин кўрсатиб беради. Оддий халқнинг яшаш тарзи, оилавий муносабатлар тасвири орқали ёзувчи улкан ижтимоий хулосалар чиқаради. Беихтиёр ўқувчида ҳам ўтмиш ижтимоий тузумига, яшаш тарзига қарата ачиниш ва нафрат руҳини уйғотади. Бу эса ёзувчи маҳоратининг, яъни ўқувчини ўз сўзига ишонтира олиш санъатининг нақадар юксаклигидан далолат беради. Зеро, Абдулла Қахҳорнинг ўтмишни ёритиб берувчи барча қисса ва ҳикоялари халқимиз ҳаётининг ўтмишдаги реал тасвиридир. Ёзувчи ўз асари ҳақида “Менинг “Ўғри” деган ҳикоям 1936 йили ёзилган эди. Ҳикоя болалигимда мени қуршаб олган турмуш, эски даврни кўрсатишга бағишланган” деган фикрини қайд этиш жоиз. Гарчи бу фикр биргина “Ўғри” хусусида кетаётган бўлса ҳам шу руҳда яратилган асарлар ёзувчи ижодида бир талай. Шу ўринда яна шуни қайд этиш жоизки, “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси туркумидаги ҳикояларда ёзувчининг болалик йиллари халқимизнинг ўша даврдаги ижтимоий ҳаёти билан узвий равишда талқин этилган. Қисса бош қаҳрамони Абдулла - ёзувчининг айни ўзидир. Бу шунчаки тўқиб чиқарилган эртақ эмас, балки айни ҳақиқатнинг ўзидир. Бунда адиб айрим тасвир воситалари ва деталлардан фойдаланган, уларда эса характерлар рўйи-рост акс этади.

Қиссада “Очлик бўлганда деҳқон келисининг кири, тегирмончи дўпписининг чанги билан бўлса ҳам нарироққа бориб олади, лекин косибга қийин”, “ярим сўмга туянинг кўзидай зоғора нон олиб берарди” каби таъсирли жумлалар кўп учрайди.

¹ Жалололдин Румий. Маънавий маснавий. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент. 1999 йил, 1-жилд, 37-бет

Булар Қахҳор тилининг ўткир ва маҳоратининг устиворлигидан нишона бўлиш билан бирга, ўқувчига кучли эмоционал таъсир кўрсатади. Ёзувчи “Ўтмишдан эртақ”ларни “Ўтмишдан лавҳалар” деб номламоқчи бўлгани ҳам сир эмас. Гарчи асар давр талаби билан “Ўтмишдан эртақлар” деб номланган бўлса-да, у том маънода реалистик асардир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абдулла Қахҳор реалист ёзувчи, унинг ўтмиш манзарасини ёритувчи барча ижод намуналари халқимиз ҳаётидан олинган, унинг яшаш шароити, турмуш тарзини ҳаққоний акс этирувчи асарлардир. Чунки ёзувчи асарида кўрсатилган давр одамлари ҳали-ҳамон тирик, улар орамизда яшаётган катта ёшдаги боболаримиз, момоларимиз. Тасвирланаётган воқеалар бугунимизга замин ҳозирлаган кечаги кунимиз, тарихимиз, ўтмишимиздир.

“Адабиёт халқ ҳаётига, унинг қалбига қанчалик чуқур кириб борса ва буларни қанчалик мукамал, ҳаққоний, таъсирли тасвирлай олса, у шунча қудратли бўлади”¹ Абдулла Қахҳор халқнинг ҳаётига кира олди, халқимизнинг ўтмиш манзарасини реал ёритиб берди ва ишонарли тасвирлай олди. Бир сўз билан айтганда, у ўтмишимизни акс эттирувчи ана шундай қудратли асарлар яратди.

ИЖОД, ХАРАКТЕР ВА ФАНТАЗИЯ.

Аъзам Ҳамрақулов, АДУ аспиранти

Халқимиз орасида футбол ҳақида Ойбек, Абдулла Қахҳор ва Комил Яшинлар билан боғлиқ ажойиб ҳангома юради. Айтишларича, уларнинг дўстлари кўярда-кўймай футбол томошасига олиб боришибди. Ўйингоҳда ҳакамнинг ҳуштагидан сўнг ўйин бошланибди. Ўйингоҳдаги вазият эса ўзингизга маълум. Адиблар худди футболни тушунгандек, эътибор билан жимгина томоша қила бошлашибди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан бир ўйинчи тўпни қаттиқ тепиб осмонга чиқариб юборибди. Шунда Ойбек «вооҳ» деб ажабланибди-ю, шартта ўрнидан туриб жўнаш тараддудига тушибди. Ҳамроҳлари бундан ҳайратланиб, ўйин энди бошланганини, қизиғи ҳали олдинда эканлигини тушунтиришса ҳам, Ойбек энди барибир ҳеч ким коптокни бунчалик қаттиқ тепа олмаслигидан афсусланиб кетиб қолибди. Ўйин тугагач, Яшиндан ўйиннинг қандай ўтганлиги ҳақида сўрашибди. Яшин шундай жавоб берибди: «Ўйинни билмадим, аммо манави ҳаммаёқни ёритиб турган чироқларнинг сони нақ 64 та экан». Ҳамроҳлар энди Абдулла Қахҳорга юзланишиб, уни сўроққа тутишганида, у «Тошкентда шунча жинни борлигини билмай юрган экан»лигини билдирган. Ҳангома-ку, ўз йўлига. Биз энди эътиборимизни уларнинг ўйинни ҳамма каби бирдек кузатишмаганига, воқеликдан барча ҳамроҳлари сингари таъсирланмаслиги сабабига қаратсак. Шунда уларнинг бадиий асарлар яратишдаги ўзига хосликлари, табиатан қандай характерга эга эканликлари намоён бўлади.

Учала адибнинг ҳам жавобларидан маълум бўляптики, футбол уларни унчалик ҳам қизиқтирмайди. Шунинг учун ўйин давомида Ойбекни коптокнинг баландга тепилиши ҳайратлантирса, Яшинни ўйингоҳнинг ёритгичлари қизиқтириб қолган, Абдулла Қахҳор эса ўйингоҳдаги оломоннинг кий-чув, тўполонидан

¹ Қаранг: Мамажонов С. Шоир дунёси. Т., Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1974, 134-бет.

аллақачон бешиб бўлган. Ҳангоманинг биз учун қизиқ ва аҳамиятли кўринган томони шуки, уларнинг аксарият асарларидаги рухият, асар яратишдаги принциплар ҳам мана шу ҳолатга яқин.

Ойбек табиатдан, умуман юз бераётган воқеа-ходисалардан доимо ҳайратланиб, ажабланиб яшаган ижодкордир. Унинг ўтмишга бўлган ҳайрати Навоий даҳосини яратган бўлса, табиатнинг гўзаллиги ва ҳикмати қаршисидаги ҳайрати ҳаммамиз билган «ваҳший қоялар орасидаги» «Наъматак»ни кашф этган. Бежизга адибнинг дўстлари унинг кўзларида ҳайрат муҳрланганини қайта-қайта таъкидлашмаган. Қайсидир маънода унинг мана шу ҳайратли нигоҳлари асарларига умрбоқийлик бағишлаган.

Комил Яшинга яқин кишиларнинг хотирлашича у статистикани, аниқликни ёқтирган адиб бўлган. Андижонлик Миркомилбой образини яратишда ҳам айнан мана шу истеъдоди унга анча қўл келган. Ёзувчи Миркомилбойнинг бутун бойликлари тўғрисидаги барча маълумотларни анча аниқлик билан тўплашга муваффақ бўлган. Ҳатто асардаги Миркомилбой образини тасвирлашда ҳам у шу йўлдан борди. Асарда бойнинг бир йилда қайси соҳадан қанча даромад қилишини эринмай ўқувчига сарҳисоб қилиб беради.

Абдулла Қаҳҳорнинг яқин шогирдлари, умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳоровалар адибнинг анча инжиқ табиатли, тартиб-қоидага қатъий риоя этувчи ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилувчи шахс бўлганлигини эслашади. Саид Аҳмаднинг хотираларида келтирилишича, ёзувчининг уйига меҳмон келиб, дастурхон ёзилгандан сўнг доимо роппа-роса 40-45 минутдан сўнг палов тайёр бўлар экан. Ёки унинг машҳур «Маҳаллада дув-дув гап» киносценарийсидаги қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини эслайлик. Қаҳрамонлар қийинчиликларга қарамай тартибли, режалаштирилган ҳолда ҳаракат қилишади. Ҳатто ўз оналарининг аччиқ кўз ёшлари, оху фарёдлари олдида ҳам босиқлик билан иш тута билишлари буни тасдиқлайди. Адибнинг ўз қаҳрамонларидан тартибни талаб қилиши «Анор» ҳикоясида ҳам сезилади. Ҳикоядаги Туробжоннинг биргина ножўя ҳаракатидан бутун уй ичи ағдар-тўнтар бўлиб кетади.

А. Қаҳҳорнинг ўзига нисбатан ҳам жуда талабчан ва тартибли бўлганлиги унинг ўз дўстларига айтган «Маймун ҳам менчалик ёзганда дурустроқ ёзувчи бўларди» ҳазилнамо гапларидан ҳам билинади. Ёки унинг ҳикоялари-ю романларига эътибор қаратайлик. Ҳали-ҳануз танқидчилармиз у яратган ҳикояларда ортиқча жумла ёки сўз ишлатилганини топиша олмаган. Аксинча, унинг ҳикояларидаги бирорта жумла тугул «оддий сўз» тушириб қолдирилса, асарнинг бутун бадиий структураси ўзгариб кетишини таъкидлашган. Абдулла Қаҳҳор ўзига нисбатан мана шундай қаттиққўлликдан биргина «Сароб» романи устида 40 йил ишлаш учун ўзида куч топа олган. Унинг бундай тинимсиз изланишлари самараси ўлароқ бизга шу романнинг 17 хил қўлёзмаси мерос бўлиб қолди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳаётий воқеаларга муносабатда ижодкор табиатида кўринган ўзига хослик ижод онларида, образ яратишда, шунингдек, сўзга муносабатда ҳам намоён бўлади. Зеро, ҳар бир ижодкор ижтимоий дунёқарашидан қатъий назар дунёни энг аввало ўз таъб ва сажиясига

кўра идрок этади. Ва бу нарса юкорида кўриб ўтганимиздек улар яратган асарларда ҳам ўз аксини топиши, табиий.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР УСЛУБИ ҲАҚИДА

Комилжон Исмадиёров,
АДУ Педагогика факультети
Ҳуқуқ-маънавият йўналиши, I босқич талабаси

Ўзбек насрида ўз услуби ва ўз оҳанги, ўзига хос сўз қўллаш маҳоратига эга бўлган бетакрор сўз санъаткорларидан бири Абдулла Қаҳҳордир. «Услуб бу - одам» деб таъкидлаганлари сингари ёзувчининг қайси бир асарини ўқиманг, ундан қаҳҳорона куйма жумлалар, афористик фикрлар, беназир ташбеҳларнинг ифори уфуради.

Абдулла Қаҳҳорнинг услуби шундан иборатки, у ҳикояларида реал ҳаётни, идеал қаҳрамонни тасвирлайди. Адиб бу услубни рус адиби А.П.Чеховни ўқиш, ўрганиш натижасида ўзлаштирди. Абдулла Қаҳҳор Чехов сингари ўз ҳикояларида реал ҳаётни, идеал қаҳрамонни тасвирлади. Жамият иллатлари устидан кула олди, инсон характерининг янги кирраларини кашф этди, инсонларга ҳамдард бўла олди. Унинг ҳикояларида ҳаётийлик кучайди. Лекин Абдулла Қаҳҳор мақсад борасида ўзига хос услуб яратди. Чехов ҳикояларида «бахтга эришиб бўлмайди» деган ғоялар илгари сурилиб, қаҳрамонлар лаҳзалик бахтгагина қаноат қиладилар. Шунингдек, унинг ҳикояларида турғунлик, инсон характерининг бир маромда тасвирланиши орқали тарбиявий ҳамда маънавий масалалар илгари сурилади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида эса бунинг аксидир. Унинг ҳикоялари марказида янги ҳаёт учун курашувчи қаҳрамонна характерлар туради. Хусусан, адибнинг «Мастон» ҳикоясида айни шундай қаҳрамонлар Мастон ва Турғунойлар тасвирланган. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида «бахтга эришиш» мумкинлиги тарғиб этилади. Ушбу «бахтга эришиш» аниқ, қисқа воқеалар ривожи билан ифодаланadi. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги айни шу жиҳат уни Чехов ҳикояларидан ўзига хос тарзда фарқланишини таъминлайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг Сотиболди каби қаҳрамони учун бахт аниқ, унинг хотини тузалиб кетади. Фақат уни касалхонага олиб борса бўлгани, бунинг учун эса «оқподшо сурати туширилган 25 сўмлик» бўлса бўлди. Лекин Сотиболди бундай пулни ҳатто тушида ҳам ушламаган. Бу «Бемор» ҳикоясининг энг оғриқли, аламли тағмаъносидир.

Ёхуд «Даҳшат»даги Унсинни олайлик. У Олимхон додхонинг саккизинчи – энг суюкли ва кенжа хотини. Шундай экан, бу Унсин учун бахт бўлиши мумкин. Лекин албатта бундай бахтга Унсин рози эмас. У ҳам ўзи суйган одамига турмушга чиқишни хоҳлайди, ўз қишлоғида бахтдан сармаст бўлишни истади. Бунинг учун у ҳатто тунда кўрқинчли гўристонга бориб, бир эмас, ўнта қабрга пичоқ санчиб келишдан ҳам кўрқмайди. Ваҳоланки, додхо унга бошқа шарт қўяди. У қабристонда тунда чой қайнатиб келиши керак, шунда додхо уни талоқ қўйиб қишлоғига қайтариб юборади. Унсин бунга ҳам кўнади. Чунки Унсин учун бу шартни бажариш бахт олиб келади, гўё. Лекин бу Унсинга даҳшатли, фожеали ўлим олиб келди. Бу

албатта «дахшат»нинг ўзгинаси. Демак, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг ўзига хослиги унда реал бахтга интилувчанлик ғояларининг тарғибидир.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида жамият устидан кула олди. Бу адибнинг яна бир қиррасидир. Лекин у фақат жамият устидангина эмас, айрим инсонлардаги чиркин иллатлар устидан ҳам кулади. Бу жиҳатдан «Бек», «Мунофиқ», «Адабиёт муаллими», «Ўжар», «Майиз емаган хотин» каби ҳикоялар жуда машҳурдир.

Лекин унинг «Бемор» ҳикояси орқали ҳам жамият устидан аламли кулгини ҳис қилишимиз мумкин. Адиб ҳикояга бола тилини олиб кириб, ўқувчида кулги уйғотади. Бу билан чорасизликдан ҳар хунарга йўрғаловчи Сотиболди устидан эмас балки, ижтимоий тузумдан, инсоннинг аянчли тақдиридан кулади.

Хуллас, ҳикоянависликда Чехов услубига таянган Абдулла Қаҳҳор ғоя талқинида ўзига хос услуб яратди.

АДИБ ҲИКМАТЛАРИ ЁКИ ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Зилола Абдуллаева, АДУ IV босқич талабаси

Ёзувчи ўз замонасининг фарзанди, шундай экан, у ўз даврининг кайфияти, шу давр кишиларининг маънавий эҳтиёжидан келиб чиқиб асар битишга мажбур. Лекин шундай ёзувчилар бўладики, ўз замонаси ҳақида ёзган асарлари ҳаммиша, ҳар даврда севилиб ўқилади. Бу миллий хусусиятларни тасвирлаб, умуминсоний гап айта олиш маҳоратидир. Маҳорат замирида эса умрбоқий асарлар сири яширинган. Абдулла Қаҳҳор ана шундай ёзувчи. Адиб асарларининг туб моҳияти, йўналтирилган мақсади остида чинакам эзгулик, ҳақиқат бўлиши билан бирга уларда ҳаётий ҳикматлар ҳам мужассам.

Ёзувчининг «Ёшлар билан суҳбат» тўпламида адабиёт, умуман, маънавият ҳақидаги ҳикматлари, қарашлари жамланган. Масалан, ёзувчи шундай ёзади: «Одам ўз гуноҳини бировнинг гуноҳи билан ювмоқчи бўлиши чакки, чунки гуноҳни гуноҳ ҳеч қачон ювмайди». Бу - ҳаётий ҳақиқат, деярли ҳар қадамда учрайдиган воқеликнинг яққол манзараси. Тўғрилиқдан чалғигач, эгри ҳаёт оқимиға кириб кетаётган бирон кимсани адашмасликка чақириб, унга танлаган йўлининг хатарини уқдириб кўринг-а, у нима дейди?! Биргина жавоб айтади: «Бошқалар ҳам шу ишни қияпти-ку!» Мана, сизга ёзувчи амин бўлиб айтган ҳикматнинг ёрқин ифодаси. Чиндан ҳам одамлар ўз гуноҳи учун атрофдагиларни айбдор қилиши чакки, ҳамма ўзи учун ўзи жавоб бериши керак.

Адибнинг «Тинмай қоққан эшик очилади. /ойибдан ниманидир кутиб яшаш - сувга суянгандай гап», деган ҳикматини ўқиб, /афур /уломнинг:

Тақдирин қўл билан яратур одам,

/ойибдан келажак бахт бир афсона.

деган сатрлари ёдимга келди. Иқрор бўлиш керакки, буюкларнинг гапи бир-бирини ўзгача гўзал тарзларда такрорлайди-ю, лекин моҳият, ғоя бир хилликка юз тутаяди. Бу ҳам маҳоратнинг бир қиррасидир.

Ҳар бир даврда жамоатчиликка эътибор, улар фикрини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. «Бир нарса ҳақида биргина одам гапирса, балки ҳали ҳеч нима юз бермагандир. Лекин бошқалар ҳам гапира бошладими, демак, бир гап бор, бу ишга энди диққат қилинмоғи лозим», деб ёзади адиб юқоридаги

фикримизнинг исботи сифатида. Бунинг мантикий давоми сифатида эса ёзувчининг «Халқнинг қалбига узокдан қўл солиб бўлмайди, бунинг учун олдига бориш керак», деган сўзларини келтириш мумкин.

Бу каби қарашлар, ҳикматомуз сўзлар ёзувчининг бевосита умри давомида кўрганлари, оддий, лекин катта аҳамиятга молик ҳақиқатлар моҳиятидан келиб чиққан. Ёзувчи бутун умр ана шу ҳақиқатлар учун адолатсизликларга қарши сўз билан, қалам билан курашди. Унинг «Ҳақиқат қанчалик кўп қаршилиққа учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ ўрин олади», деган ҳикматини ўзига қўйилган ҳайкал деб қабул қилиш мумкин.

Кўринадики, Абдулла Қаҳҳор маҳорати нафақат асарларида, балки ҳаётий ҳикматларида ҳам йиллар оша нурини йўқотмай, ҳамон ўқувчилар қалбини, халқнинг кўнглини жилолантириб келмоқда.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АСАРЛАРИДА МУҲАББАТ МАВЗУСИ

Маҳлиё Отахонова, АДУ I босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор асарлари мавзу жиҳатидан ранг-барангдир. Жумладан, адиб ижодидаги муҳаббат мавзуси ҳам Қаҳҳорга хос усулда ёритилган. Адиб асарларидаги муҳаббат ва севишганлар образи Ойбек ёки Қодирий асарларидаги севишганлар образидан фарқланади. Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларида икки севишган пок қалб эгасини таърифу тавсиф қилади, ундаги образларни муаллифнинг ўзи ҳам мафтун бўлиб тасвирлайди. Қодирий таърифидаги Кумушнинг портрети барчамизга маълум. Ойбек ёки Қодирий севишганлар образини яратишда турли тасвирий воситаларга катта ўрин ажратганлар. Абдулла Қаҳҳорда эса аксинча ҳолатни кузатиш мумкин. Ёзувчи асарларидаги севишганлар асарга воқеалар жараёнида кириб келади. Улар муаллиф томонидан алоҳида таърифу тавсиф этилмаган ҳолда намоён бўлади. Унда романтик кайфиятдан кўра оддийлик кўзга ташланади, жонли халқ тили ва тасвир воситаларининг табиийлигини кўриш мумкин. «Синчалак» қиссасидаги икки севишган - Саида ва Козимбек образлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳаётдагидек ҳеч бир бўрттиришсиз тасвирланади. «Саиданинг қаршисида истараси иссиқ, ҳатто шалпангқулоғи ҳам ўзига ярашган, очиқ, хушчакчак бир йигит ўтирар эди». Адиб барча асарларида ҳам қаҳрамонлар ҳақида аввалдан ахборот бермайди. Улар ўз ҳисларини ҳаракатлари давомида очиб беради. Чўлпон ҳатто оддий ўсмани ҳам алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Абдулла Қаҳҳор эса тасвирланаётган образларга нисбатан биров бешафқат. Уларга бўлган меҳри бевосита ифодаланмайди. «Сароб» романидаги бир-бирига кўнгил қўйган Мунисхон ва Саидий образлари ҳам ўзига хос усулда яратилган. Севишганлар орасидаги ўзаро муносабатларни адиб четда холис туриб тасвирлайди. Севишганлар муносабатини ижобий ёки салбий томонга ривожланиб боришидаги асосий сабаб муаллиф томонидан алоҳида таъкидлаб кўрсатилмайди. Асар давомида Саидийнинг портрети чизилмайди. Биз унинг характеридан суратини тасаввур қилиб оламиз. Саидий ижобий шахс бўлмаса-да, Мунисхонга бўлган муҳаббати чин кўнгилдан. Лекин Мунисхон аксинча ўйлайди. Хоҳлаган пайтда ундан воз кеча оламан деб билади. Уларнинг тақдири кейин қандай бўлиши мумкинлигига ишора сифатида

табиат манзараси воситасида шундай ўхшатиш қилинади. «Саидий ўрнига ўтираётиб, китобнинг устида қизил гул ғунчасини кўрди.

- Бу менгами?

- Сўлиганда кўкрагингдан олиб ташламасанг сенга, - деди Муниسخон, ғўрани карсиллатиб чайнаб, кулиб... Ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди. /ириллаб турган шабада очиқ қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга туширди, қоғоз парчаларини учуриб кетди».

Шу ўринда айтиш мумкинки, «ғўрани карсиллатиб чайнаб» ибораси Муниسخоннинг характериға мос. Саидийға «сўлиганда кўкрагингдан олиб ташламасанг сенга» дейди. Аслида Муниسخоннинг ўзи шундай.

Адиб асарларининг ўзига хослиги шундаки, инсоннинг энг азиз туйғуларини ифода этаётганда ҳам кутилмаган ўхшатишларни маҳорат билан ишлатади. «Унинг эғнида энгсиз катак кофта, тор кулранг шим - худди калтакесакка ўхшар эди» («Муҳаббат» қиссасидаги Марғуба ҳақида). Шу қиссадаги Анвар ва Муҳайё бир-бирларини севадилар. Лекин асарнинг ҳеч бир ерида ўз севгисини изҳор этмайдилар.

Севгини хуш кўрмаган, ҳасад ўтида ёнаётган инсон ҳолатини ифодалашда кўпинча «бутун вужуди олов ичра ёнаётгандай, кўзларига дунё тор бўлиб кўринди» каби иборалар ишлатилади. Абдулла Қаҳҳор эса, аксинча, ҳасадли ҳолатни «Анварнинг Муҳайё, яъни Ҳакимжоннинг қизи билан муносабат пайдо қилиши унинг учун кўзларига сиз қиздириб тикиш ва ҳар бир соғ тишини омбур билан ҳафталаб суғуриш билан баробар эди» каби оддий, лекин ўткир иборалар билан ифодалайди.

Кўринадикки, адиб китобхон учун ёд бўлиб кетган ибораларни кўллаш анъанасидан воз кечади, қолипдек бўлиб қолган жумлалардан фойдаланмайди. Унинг асарларига кўз югуртирар эканмиз, қаҳҳорона ифода йўсинига дуч келамиз. Чапаниларча содда, лекин ёқимли ибораларнинг нақадар ўринли кўлланганлигини кўриб ҳайратланамиз.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ВА ЖЕК ЛОНДОН

Умида Жабборова, АДУ II босқич талабаси

Абдулла Қаҳҳор очиқ суҳбатларда ва мақолаларида Жек Лондоннинг асарлари билан танишлигини эътироф этади: «День пламенеет» деган бир романи бор. Мен асарларнинг ғоясини тополмаган эдим. Лекин шу китобни ўқиганимдан кейин шаҳарда тургим келмай қолди»¹. Катта ёзувчилик мактабига кириб бораётган Абдулла Қаҳҳорға америкалик бу ёзувчининг ижоди ўз таъсирини ўтказди. Таниқли танқидчи Озод Шарафиддинов «Сароб» ҳақида фикр билдирар экан, ёзувчининг «Мартин Иден»ни ўқигач, «характерлар бир сафға тизилгандек, барча воқеалар олдинма- кейин ўз ўрнини эгаллагандек бўлди»² деган фикриға тўхталади.

Хўш, нега энди ёзувчи олға сураётган ғоя «Мартин Иден» орқали ўз тасдиғини топди? Саидий ва Мартин Иден ўртасида қандай муштараклик бор?

¹ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Т., «Ёш гвардия», 1988, 48-бет

² Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Т., «Ёш гвардия», 1988, 49-бет

Танкидий реализм адабиётининг ёрқин намунаси ҳисобланган «Мартин Иден» романи моҳияти билан тубанлашган муҳит қиёфаси ва унда ҳаракатланаётган инсон образини очиб беришга хизмат қилади. Бош қаҳрамон Мартин Иден ва Саидий ўртасидаги ўхшашлик асар бошидаёқ кўзга ташланади. Ҳар икки қаҳрамоннинг ҳам кўнгил қўйган қизлари олий табақа вакиллари, уларнинг севгисини қозониш учун эса буюк шахс бўлиш керак. Саидий ва Мартин Иден хаёлларидаги ана шу орзуларни амалга оширишда ҳам айни бир йўлни танлашди: таникли ёзувчи бўлиш. Лекин бу билан уларни бир тоифадаги кишилар дейиш тўғри эмас. Чунки «Сароб»да сюжет воқеалари давом этиб боргани сари Саидий тимсолида Салимхон, Аббосхон каби кишилар характерига яқин иллатлар кўзга ташланиб боради. Аҳвол шу даражага бориб етадики, буюклик, яхши асар ёзиш ва орзули келажак Саидийнинг кўзига улфатчилик, бир пиёла «май» билан етишиш мумкин бўлган манзилдек кўрина бошлади. «Саидийнинг назарида оламнинг ҳамма ери бузуқ, оёқ босадиган ери йўқ, фақат шу гап-мажлисларидагина ўзини фароғатда ҳис қилар эди». Ёзувчи томонидан берилган ана шу кичик изоҳ ҳам Саидий характерига бурилиш нуқталарини белгилаб беради. Ёки Муниҳондан айрилган пайтдаги ҳолатини олайлик. Газета учун майда-чуйда мақолалар ёзиб турган Саидий буни ҳам тўхтатади, ҳатто адабиётни ҳам пул топадиган касбга айлантиради. Эҳсондан бутунлай узоқлашади, Муродхўжа орқали қизи Сорахонга яқинлашишида ҳам унинг манфаати устун туради. Саидий ўзига таниш бўлган муҳитга кириб борар экан, ҳалқалар бирлашиб занжир ҳосил қилиши ва ўзи унинг қайси қисмида жойлашгани билан қизиқади. Асар сўнггида эса қаҳрамон ўзга қиёфада намоён бўлади. Орзулари саробга айланган Саидий учун энди ўлим афзал. У шу ниятда қор кечганча узоқ йўл босади. Ҳа, у ўздан, ўзини қуршаб турган муҳитдан қочаётган эди. Лекин сўнгги паллада ҳаёт яна оҳанрабодек уни ўзига чорлайди. Асар Саидийнинг ўзига қарата «Йўқ, сенинг қиличинг синган бўлса ҳам, ҳали қалқонинг тешилгани йўқ! Бу қалқон паноҳида сен ҳали кўп ишлар қилишинг мумкин...» деган хитоби билан якун топади.

Руфнинг муҳаббатини қозонишга уринган Мартин Иден эса ҳақиқий ёзувчи бўлишга интилиб, таҳқирлашларга, қийинчиликларга қарамай орзулар рўёби учун курашувчи шахс сифатида гавдаланади. Руф ундан юз ўгирган пайтда ҳам у ижодни тўхтатмайди. Кимлигини, қўлидан нима ишлар келишини ҳаммага исбот қила олади. Бироқ инсон кадри фақат мансаб, мол-дунё билан ўлчанадиган бу жамятда Мартин Иден гарчи ҳамма нарсага эришган бўлса-да, узоқ қололмайди. Унинг қонунларига бўйсунини истамайди. Машаққатлар уни шундай инсон қилиб тарбиялаган эди. «Сароб»дан фарқли ўлароқ, «Мартин Иден»да воқеалар қаҳрамоннинг маънавий ғалабаси билан тугагандек кўринади. Бироқ у жаҳолатга юз тутган муҳитни ўзгартира олмайди.

«Сароб» ва «Мартин Иден» романларида юқорида тилга олинган характер, муҳит ўртасидаги ўхшашлик ушбу асарнинг композицион қурилишида ҳам ўз ифодасини топади. Энг аввало, ҳар икки асар учун умумийроқ кўринган сюжет линиясини олайлик. Бош қаҳрамоннинг қизга кўнгил қўйиши асар конфликтини белгилайди; унга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари воқеалар ривожининг узлуксизлигини таъминлайди; Муниҳоннинг Мухторхонга узатилиши, Руфнинг Мартин севгисини рад қилиши эса воқеалар ривожининг энг кескинлашган нуқтаси

- кульминациясини ташкил қилади. Асар ечими эса қаҳрамоннинг орзулари жамият томонидан маҳв этилишида кўринади.

Композицион қурилишнинг асосларидан бири бўлган образлар тизимида ҳам мутаносибликни кўриш мумкин. «Сароб»да - Саидий ва оила аъзолари - оиласи, поччаси, Эҳсон, Мунисхон, Салимхон ва тасвирланаётган муҳит аъзолари: Аббосхон, Муродхўжа, қизи Сорахон. «Мартин Иден»да - Мартин, оиласи-онаси, поччаси, севган қизи Руф, акаси, унинг ота-онаси, ёзувчи Бриссенден ва киборлар доирасидаги кишилар.

Муқояса қилинаётган икки роман ёзувчиларининг мақсади эса ўзгача: «Сароб»да Абдулла Қаҳҳор жамият томонидан туриб қаҳрамонни инкор этса, «Мартин Иден»да Жек Лондон қаҳрамон томонида туриб жамиятни қоралайди.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИ БЎЙИЧА АДАБИЙ КЕЧА ТАЙЁРЛАШ

Моҳизар Нозимжонова, АДУ III босқич талабаси

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганишда адабий кечалар ташкиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бундай адабий кечалар ўтказишдан кўзланган мақсад ўқувчиларда адиб ижодига янада кўпроқ қизиқиш уйғотиш, уларнинг дунёқарашини ўстириш ҳамда миллий ифтихорини шакллантиришдан иборат. Қаҳҳор ижодига бағишланган адабий кечада икки бошловчи ва бир қанча ўқувчилар иштирок этади. Бошловчилар адабий кечани очиб бўлганларидан сўнг, ўқувчилар кўз ўнгида адиб сиймосини гавдалантирадиган сахна кўриниши намойиш этилади. Ушбу сахна кўринишини қуйи синф ўқувчилари иштирокида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, "Валихон Сўфи" парчасини айнан шу ёшдаги ўқувчилар иштирокида ташкиллаштириш ўринлидир.

Бу парчада Абдулла – ўқувчи, Валихон Сўфи – ўқитувчи, Абдулланинг дадаси - темирчи образлари иштирок этади. Бунда ўқувчилар бевосита адиб яшаган даврдан, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидан, талабчан ота тимсолидан хабардор бўлади ва тегишли хулоса чиқарадилар.

Адабий кечанинг иккинчи қисмида ўқувчиларга ёзувчининг моҳир сўз санъаткори эканини унинг ҳикматларидан намуналар келтирган ҳолда кўрсатиб бериш мумкин. Бундан ташқари ўқувчиларнинг маънавий-маърифий тарбиясига адиб ҳикматларининг кўрсатган таъсири юқори ва ўз навбатида ўқувчиларнинг ватанга, оилага бўлган муҳаббатини оширади. "Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади", "Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз", "Халқни кўргани, юртга қарагани бўйи етмайдиган одамнинг офтобшувокда қорнини ялаб, орқа оёғи билан бўйинини қашлаб ётган мушук боладан фарқи йўқ», «Халқнинг қалбига узоқдан қўл солиб бўлмайди, қўл солиш учун унинг ёнига бориш керак», «Ўзбек деҳқони ўз қўлига олган тупроғимиз, ҳақиқатан, олтин тупроқ бўлиб қолди» ва ҳ.к.

Бизга маълумки, Абдулла Қаҳҳор адабиётимизда муҳим ўрин эгаллаган ҳикоянавислардан. Шунинг учун ёзувчи ҳикояларини адабий кечанинг учинчи қисмида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мактаб дарсликларида келтирилган «Ўғри» ҳикояси ўқувчилар учун тарбиявий -маърифий жиҳатдан аҳамиятли. Ушбу

ҳикоядан парча олиб сахналаштирилган ҳолда намоиш этиш кўзланган мақсадга муваффақиятли эришишимизда ёрдам беради. Жумладан, бисотидаги бори - ҳўкизи ўғирланган Қобил бобонинг аминнинг олдига бориб, арз қилиши парчасини сахналаштириш мумкин. Бу сахна орқали ўқувчилар кўз ўнгида ўтмишда меҳнаткаш халқнинг давр амалдорлари томонидан ноҳақларча таланганлиги ёрқин гавдаланади. Ушбу сахна кўринишидан кейин ўқувчилар бевосита халқимизнинг ўтмиши ва бугунини қиёслайдилар. Натижада, ўқувчилар тафаккурида бугунги кунга нисбатан шукроналик кайфияти жонланади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида анъанавий фольклор жанрларининг ҳозирги яшаш шакллари. *Б.Раҳмонов*

Абдулла Қаҳҳор ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. *В.Қодиров*

Абдулла Қаҳҳор ижодида миллийлик. *М.Тожибоева*

Абдулла Қаҳҳор услубининг айрим қирралари ҳақида. *Д.Абдуллаева*

Қаҳҳорона маҳорат ифодаси. *Ф.Кийикбоев*

«Ўғри» ҳикоясининг қирғиз тилига таржимаси хусусида. *М.Темирова*

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида муаллиф нутқи. *Б. Қодирова*

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ҳаёт ва ўлим талқини. *Н.Қўчқарова*

«Даҳшат» ҳикоясида табиат тасвири. *Э.Жўраева*

Образ яратиш маҳорати. *С.Қуронов*

«Асрор бобо» ҳикоясида композиция. *К.Муллажонова*

“Айб кимда” ҳикоясида айб кимда? *С.Раҳимов*

«Даҳшат» ҳикоясида конфликт. *А.Эргашева*

Ҳаётга муҳаббат. *Н.Мамасиддиқова*

Ҳажвий ҳикояда сюжет ва характер. *Э.Қўлдошева*

«Кўр кўзнинг очилиши» ҳикоясида сюжет. *И.Зайнобиддинова*

«Бек» ҳикоясида комик характер. *Д.Умрзоқов*

«Маҳалла» ҳикояси ҳақида. *Ҳ.Тошпўлатова*

«Ўтмишдан эртақлар» асарининг жанр хусусиятлари. *Г.Азимова*

Портрет яратиш маҳорати. *Г.Хасанова*

«Ўтмишдан эртақлар» қиссасида сюжет ва композиция. *Д.Ҳайитова*

«Ўтмишдан эртақлар» асаридаги жой номлари ҳақида. *А.Эргашев*

«Синчалак» қиссасида Эшон образи. *Д.Собирова*

«Синчалак» қиссасида хотин-қизлар масаласи. *Э.Қамбаров*

«Муҳаббат» қиссасининг тил хусусиятлари. *Ш.Алиева*

«Муҳаббат» қиссасида Анвар образи. *Ш.Абдуқаюмова*

«Олтин юлдуз» қиссаси ҳақида. *О.Шарипова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

«Қотилнинг туғилиши» қиссасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. *М.Каримова*

Абдулла Қаҳҳор пьесаларида бахт тушунчаси. *Д.Қозоқова*

"Оғрик тишлар" асарида Заргаров образи. *А.Худойбердиев*

Абдулла Қаҳҳор ижодида ўтмиш манзараси. *Г.Кучакова*

Ижод, характер ва фантазия. *А.Ҳамрақулов*

Абдулла Қаҳҳорнинг услуби ҳақида. *К.Исмадиёров*

Адиб ҳикматлари ёки ҳаёт билан ҳамнафаслик. *З.Абдуллаева*

Абдулла Қаҳҳор асарларида муҳаббат мавзуси. *М.Отахонова*

Абдулла Қаҳҳор ва Жек Лондон. *У.Жабборова*

Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича адабий кеча тайёрлаш. *М.Нозимжонов*